По мнению экспертов, ситуация с захватами предприятий стала столь серьезной, что напрямую угрожает нормальному функционированию экономики страны. Неуверенность в гарантиях владеть и распоряжаться своей собственностью побуждает предпринимателей размещать активы за рубежом¹. То, что сегодня зафиксирован рекордный отток капитала за рубеж, - это, в том числе, и результат рейдерских захватов. Эксперты уверены, что пока рейдерство существует в таких размерах, в каких оно существует сегодня, развитие бизнеса невозможно².

Рейдерским атакам подвержены те компании, где наблюдаются внутренние экономические конфликты, разногласия между собственниками, не выплачиваются дивиденды, ущемляются права миноритарных акционеров, прибыль предприятия скрывается в целях минимизации налогов. В данном случае, рейдер также имеет дополнительные шансы на успех, когда значительный пакет акций распылен среди большого числа мелких собственников, что дает ему возможность скупить их, а потом на законных основаниях претендовать на участие в управлении компанией. Истоки рейдерства заключаются в отсутствии четких механизмов защиты права собственности.

Европейский банк реконструкции и развития (ЕБРР), уже давно в своих отчетах выделил, что главный приоритет для государств СНГ: улучшение законов об акционерных обществах; борьба с коррупцией на всех уровнях; продвижение вперед судебной реформы; сохранение равных условий для деятельности всех частных предприятий³.

Рейдерство (недружественное поглощение) известно еще как «Ейч Ти» (от англ. hostile takeover) заключается в перехвате оперативного руководства или активов фирмы с помощью специально инсценированного корпоративного кон-

фликта. Способами осуществления рейдерства являются: захват руководства компании, а также побуждение других собственников продавать свои акции, в том числе с использованием коррупционных составляющих; перераспределение в реестре акционеров и др.

Уязвимым местом в экономике, используемым рейдерами, является отсутствие достаточных гарантий охраны и защиты права собственности. Возникновение и развитие рейдерства зависят от степени эффективности всего законодательства в сфере установления и закрепления гарантий права собственности, уровня демократии, развития экономики, правовой культуры общества, степени антикоррупционной политики и независимости судебной власти, соразмерности установленных законом ограничений и других факторов.

В тех странах, где имеются пробелы и упущения в сфере законодательного установления и закрепления гарантий права собственности или когда правоприменительной практикой не соблюдаются акты законодательства, развиты коррупционные схемы, явления рейдерства имеют повсеместный характер.

Рейдерство представляет собой широкий круг понятий, начиная от обычного законного недружественного поглощения и заканчивая, незаконным захватом предприятия, жилья граждан. В целях упорядочения понятия «рейдерство», эксперты используют его деление на «белое», «серое» и «чёрное», при этом законным рейдерством считается «белое». Под данное понятие частично подпадает и «серое» рейдерство, а так называемое «чёрное» рейдерство, по мнению экспертов, является правонарушением, направленным на насильственный захват чужой собственности. Последний вид рейдерства рассматривается экспертами и нами как фактор, представляющий угрозу как праву собственности, так и всей экономике государства.

По мнению экспертов исследования, проведенного Центром политических технологий Российской Федерации «чёрное» рейдерство — это самая криминализованная разновидность данного явления. Используемые в этом случае методы всегда незаконны и связаны с насилием.

«Серое» рейдерство — это мягкий вариант, зачастую связанный с подкупом, например судьи (для ускорения принятия законного решения).

«Белое» рейдерство наиболее распространено на Западе, а в странах СНГ, по мнению экспертов, оно применяется редко, поскольку нерентабельно. Это, например, организация забастовок или проверок контролирующими органами. Данный вид рейдерства обычно применяется опытными юристами, умело использующими пробелы в законодательстве. Самый опасный вид рейдер-

ства — это деятельность целых фирм, специализирующихся на захвате предприятий. Они имеют серьезную юридическую службу и, даже, могут называться инвестиционными компаниями. Основные методы рейдерских захватов: мошенничество (подделка документов, фальсификация протоколов собраний акционеров, взятки регистраторам, изготовление фальшивых документов, подкуп чиновников); «гринмейл» (психологическая атака); силовой захват; банкротство; размывание собственности миноритариев путем дополнительной эмиссии акций⁴.

В связи с этим отметим, что рейдерство, имея комплексный характер, направлено на нарушение требований гражданского, уголовного и других актов законодательства. И, как свидетельствует опыт борьбы с рейдерством стран ближнего зарубежья, наблюдается ряд негативных аспектов, оказывающих стимулирующее воздействие на развитие и совершенствование данного побочного элемента рыночных отношений. Одной из главных причин возникновения подобных явлений и подрывающим устои права собственности является коррупция.

Как отмечают эксперты ни одна удачная рейдерская операция невозможна без властной поддержки. Поэтому борьба с рейдерством — это прежде всего борьба с коррупцией, которая осложняется тем, что правоохранительные органы проявляют все большую заинтересованность в конфликтах⁵.

Действительно, ни одна рейдерская атака не окончится успешно, если она не сопровождается прикрытием со стороны госструктур.

Между тем, принимая во внимание тот факт, что на каждом документе должна стоять подпись некоего должностного лица, которого можно соблазнить, подкупить, т.е. коррупция среди чиновников и правоохранительных органов, существенно облегчают деятельность захватчиков.

К другим сопутствующим рейдерству элементам коррупции относятся: возможность принятия судьями необоснованных решений в пользу заинтересованной стороны, влияние на судей и работников правоохранительных структур со стороны вышестоящих инстанций, отсутствие ответственности за участие в рейдерских захватах.

Другой хорошо отработанной схемой в странах СНГ является использование «возможностей» правоохранительных структур для изъятия имущества собственников. В данном случае по «заказам» рейдеров правоохранительные органы начинают преследование собственников, в том числе путем возбуждения уголовных дел, инициирования проверок.

В одном случае рейдеры пытаются путем административного рычага побудить собственников продать, отказаться от своего имущества, акти-

вов в свою пользу и даже выступают в качестве медиаторов в разрешении конфликтов с государственными органами. В другом, конфискованное имущество выкупается, т.е. отдается за бесценок тем же рейдерам.

Беспечность, имеющиеся правонарушения в деятельности собственников, которые сами допускают оплошность по охране и защите своего имущества становятся основными благоприятными условиями успешной реализации планов рейдеров.

Как свидетельствует законодательная практика государств постсоветского пространства, своевременно внесенные изменения в законодательство в части, касающейся восполнения пробелов и упущений в данной сфере, могут дать положительный результат в борьбе с рейдерством. Обращает на себя внимание и тот факт, что в других государствах СНГ происходят заимствование технологий «черного» рейдерства, экспансия криминальных методов и способов отъема собственности у их правообладателей.

В этой связи, говоря об основаниях возникновения и степени опасности рейдерства, можно отметить, что это борьба за передел собственности; это источник легализации криминальных сфер; оно тормозит развитие реального сектора экономики; оно является дополнительным риском для инвестиций, приводит к оттоку капитала за рубеж; наносит экономический ущерб государству, оно подрывает основы экономики; оно компрометирует не только экономическую политику государства, но и подрывает его престиж на международной арене; оно опасно и как социальный фактор.

К гражданско-правовым способам защиты от рейдерства помимо общеизвестной виндикации можно отнести также иски о признании сделки недействительной.

Согласно статьям 114 и 116 ГК Республики Узбекистан, сделки признаются ничтожными, если они не соответствуют требованиям законов, противны основам правопорядка и нравственности, в связи с чем не влекут юридических последствий.

При недействительности сделки каждая из сторон обязана возвратить другой все полученное по сделке, а в случае невозможности возвратить полученное в натуре (в том числе, когда полученное выражается в пользовании имуществом, выполненной работе или предоставленной услуге) — возместить его стоимость в деньгах, если иные последствия недействительности сделки не предусмотрены законом. Не допускается возникновение права собственности как у неправомочного отчуждателя, так и у добросовестного покупателя. В случае признания сделки недействительной стороны должны быть приведены в первоначальное положение.

В соответствии с частью 3 статьи 113 ГК Республики Узбекистан, требование о применении последствий недействительности ничтожной сделки может быть предъявлено любым заинтересованным лицом (арендодателем, требующим возврата вещи арендатору, залогодержателем, требующим вернуть вещь хранителю). Такие последствия применяются и по инициативе суда, хотя, помимо этого, любое заинтересованное лицо может требовать применения механизма реституции, но окончательное решение о его применении остается за судом.

Таким образом, отчуждение имущества помимо воли и согласия его собственника противоречит сущностным основам права собственности, что подрывает стабильность всего экономического оборота в целом, в связи с чем признание сделки недействительной является своего рода гарантией защиты права собственности его правообладателя, так как оно позволяет собственнику вернуть в первоначальное состояние свое имущественное положение.

Возникновение и существование рейдерства свидетельствуют о наличии ряда своевременно нерешенных проблем, начиная от законодательных пробелов, «белых пятен» в них и, заканчивая подбором соответствующих кадров.

Поэтому, немаловажным является построение эффективной системы подбора кадров, с точки зрения их морально-этических качеств. Достаточное материально-техническое обеспечение деятельности государственных служащих и государственных органов, также являются необходимыми условиями борьбы с ней. Устранение указанных и других имеющихся недостатков позволят эффективно вести борьбу с коррупцией, и в конечном итоге с рейдерством.

Исходя из этого, первоочередным приоритетом должно стать дальнейшее проведение судебно-правовой реформы — начиная с качества подготовки кадров для судов, правоохранительных органов, процедур их утверждения на должности, и заканчивая механизмами контроля над их деятельностью и исполнением их решений.

В целом, рейдерство — это явление, направленное на незаконное изъятие чужой собственности с нарушением гражданского, уголовного и других законодательств, использованием пробелов, упущений в них, привлечением коррупционных элементов государственной службы и др. Эффективные методы борьбы с рейдерством, по нашему мнению, состоят в следующем: борьба с коррупцией; обеспечение независимости судебной ветви власти; совершенствование законодательства путем выстраивания в нем системы защиты права собственности; развитие демократических институтов гражданского общества и т.д.

В заключение отметим, что изучение явления рейдерства в настоящей статье было вызвано теми наблюдающимися процессами по отъему собственности у их правообладателей, против их воли, которые происходят в странах СНГ.

На наш взгляд, рейдерство в том виде, которое появилось на постсоветском пространстве, является угрозой для осуществления права собственности. Оно, как негативный феномен экономик этих государств, существует и продолжает совершенствоваться, отрицательно влияя на права и интересы собственника, в связи с чем установление, закрепление, охрана и защита права собственности, а также создание необходимых условий для их реализации на сегодняшний день являются теми гарантиями, которые обеспечат жизненно важные интересы личности, общества и государства.

¹ Как отмечает российский эксперт Гудков Г., «утечка капитала за границу составляет примерно 100 млрд. долларов в год». // Захват собственности – рейдерство. <http://www.muraviov.ru>.

² Более подробно об этом см.: Весь сор в одной избе. Исследование «Центра политических технологий» под рук. Бунина. <http://www.Компромат.Ru>.

³ См.: Рейдерство в Украине: Проблема и пути решения. // <http://www.> «Центр исследования корпоративных отношений». 16.12.2006; <http://www.> «Выборы.org».

⁴ Об этом, например, см.: Рейдер - разбойник в законе. <http://www.inpress@svpressa.ru>.

⁵ Например, см.: «Черные» рейдеры уходят в землю?». <http://www.sales@intalev.ru>.

Хўжакулов Сиёвуш Бахтиёрович,
Ўзбекистон Республикаси ИИВ
Академияси докторанти, юридик
фанлар бўйича фалсафа доктори, доцент

ХУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ПРОФИЛАКТИКАСИДА «ПРОФИЛАКТИК ТАКТИКА» ТУШУНЧАСИ ВА УНИНГ АҲАМИЯТИ

◆ Мақолада «хуқуқбузарликлар профилактикаси тактикаси» тушунчаси илмий-амалий жиҳатдан таҳлил қилинган ва моҳияти очиқ берилган. Шу ўринда, ушбу тушунчанинг «хуқуқбузарликлар профилактикаси стратегияси» тушунчаси билан алоқадорлиги ўрганилган. Шунингдек, хуқуқбузарликлар профилактикаси тактикаси ва стратегиясининг назарий ва амалий жиҳатларини ривожлантиришга доир таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

◆ В статье анализируется и раскрывается сущность понятия «профилактическая тактика». В связи с этим была исследована взаимосвязь данного понятия с понятием «стратегия профилактики правонарушений». Также были разработаны предложения и рекомендации по развитию теоретических и практических аспектов тактики и стратегии профилактики правонарушений.

◆ The article analyzes and reveals the essence of the concept of «preventive tactics». In this regard, the relationship between this concept and the concept of «crime prevention strategy» was investigated. Proposals and recommendations for the development of theoretical and practical aspects of tactics and strategies for crime prevention were also developed.

Таянч сўзлар: профилактика правонарушений, тактика профилактики правонарушений, стратегия профилактики правонарушений, тактический способ, тактический метод, тактическое решение.

Ключевые слова: хуқуқбузарликлар профилактикаси, хуқуқбузарликлар профилактикаси тактикаси, хуқуқбузарликлар профилактикаси стратегияси, тактик усул, тактик метод, тактик қарор.

Key words: crime prevention, crime prevention tactics, crime prevention strategy, tactical tool, tactical method, tactical solution.

Одатда, муайян фаолият самарадорлиги ва кўзланган мақсадга эришиш, бу борада тез ва осон, кам куч ва вақт сарфлаб юқори натижани қайд этиш учун ушбу фаолият ва уни амалга оширувчи шахсларнинг хусусиятидан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқилиб, амалиётга татбиқ этилган муайян тактикани қўллаш муҳим аҳамият касб этади.

«Тактика» сўзи аслида ҳарбийча термин бўлиб, жангга тайёргарлик кўриш ва уни бево-сита олиб бориш маъноларини англатади¹. Кейинчалик ижтимоий ҳаётда «ҳарбий тактика» билан бир қаторда «спорт ўйинлари тактикаси» тушунчалари ҳам қўлланила бошлаган.

Маълумки, муайян фаннинг тараққиёти ушбу фан бўйича янги-янги терминлар ва илмий қоидаларнинг шаклланиши ва ривожланиши билан бе-восита боғлиқ. Шу сингари, бир қатор фан соҳаларида ҳам «тактика» тушунчаси ва унинг мо-

ҳиятига нисбатан эҳтиёж сезилиб, мазкур тушунча аввалига фанда, кейинчалик фаолиятга татбиқ этила бошлади.

Бу каби эҳтиёжнинг мавжудлигини криминология фанидан алоҳида мустақил фан сифатида ажралиб чиқиб, 2017–2018 ўқув йилидан ИИВ Академиясининг ўқув жараёнига татбиқ этилган хуқуқбузарликлар профилактикаси фани ҳамда хуқуқбузарликлар профилактикаси амалиётида ҳам кузатиш мумкин.

Ҳозирда бир қатор фанлар тармоғида, хусусан, ҳуқуқ соҳасида «криминалистик тактика», «тергов тактикаси», «тезкор-қидирув тактикаси», тиббиёт соҳасида эса «тиббий профилактик тактика» тушунчалари кенг қўлланилади. Ушбу фан соҳаларида тактиканинг назарий асослари яратилиб, амалиёт етарли даражада услубий таъминланиб келинмоқда.

Бирок, гарчи «жиноятларнинг олдини олиш»

мамлакатимизда ўтган асрнинг иккинчи ярмида мустақил фан сифатида шаклланиб, ҳуқуқий фанлар орасида ўзининг муносиб ўрнини эгаллаган криминология фанининг асосий предметларидан бири бўлганлигига қарамасдан ҳуқуқбузарликлар, хусусан, жиноятлар профилактикасида «профилактик тактика»га нисбатан зарурат ва эҳтиёжнинг мавжудлигига доир фикр ва қарашларни на илмий адабиётларда ва на профилактик амалиётда учратиш қийин. Шу боисдан, ҳозирга қадар ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фанида «профилактик тактика»га етарлича эътибор берилмасдан, ушбу масалага доир назарий қоидалар ишлаб чиқилмасдан, ўрганилмасдан ва амалиётга татбиқ этилмасдан келинмоқда.

Бу борада М.Ж. Эшназаров «ҳуқуқбузарликларнинг махсус профилактикаси профилактик чора-тадбирлари қачонки, пухта ўйланиб, мантиқ қонунларига асосланиб ишлаб чиқилса ҳамда белгиланган тартиб ва профилактик тактик жиҳатларга риоя қилган ҳолда амалга оширилсагина кўзланган натижа ва самарадорликка эришиш мумкин ҳисобланади»²-деб, фақатгина профилактик тактик жиҳатларнинг ахамиятли эканлигига урғу берган.

Ушбу тушунчага нисбатан аниқ ёндашувларни Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига аъзо давлатлар тажрибасида ҳам кузатиш қийин. Мисол учун, Беларусь Республикасининг ҳуқуқбузарликлар профилактикасига доир миллий қонунчилиги ва амалиёти таҳлили ҳамда Италияда яратилган коррупциянинг олдини олиш бўйича Олий комиссариати тажрибасига асосланиб, Беларусь Республикаси ҳукумати таркибида «Жиноят ва ҳуқуқбузарлар профилактикаси бўйича мустақил кўмита» ёки ташкилот яратиш таклифини илгари сурган Д.В.Шаблинская ҳам фақатгина бундай кўмита жиноятчиликка ва бошқа ҳуқуқбузарликларга қарши курашишнинг стратегик ва тактик вазифаларини ҳал қилиш билан шуғулланишини таъкидлаш билан чекланган³.

Е.О.Алауханов ва З.С.Зариповлар томонидан тайёрланган дасрликда эса, жиноятлар профилактикаси тактикаси тушунчаси ва уларга қўйиладиган талаблар, шунингдек жиноятлар профилактикасининг тактик вазифаларини танлаш масалаларини ёритишга ҳаракат қилинган. Аммо жиноятлар профилактикаси тактикаси тушунчасининг мазмуни ва моҳияти етарлича очиқ берилмаган⁴.

Ушбу вазиятда ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг ўзига хос хусусиятлари, яъни профилактиканинг мақсади, вазифалари, турлари,

чора-тадбирлари, объект ва субъектлари, шакл ва усуллари мазмунига ҳамда бугунги кунда фанда шаклланиб улгурган «тактика» тушунчасига доир, илмий қарашлар ва қоидаларга асосланиб, ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг профилактик тактикасига оид назарий қоидалар ва тавсияларнинг ишлаб чиқилишини мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Бунинг учун «профилактик тактика» тушунчасининг мазмун моҳиятини очиқ бериш, профилактик тактиканинг мақсади, вазифалари, объекти, субъекти ва бошқа таркибий қисмларини белгилаб олиш талаб этилади.

Ўш, ҳуқуқбузарликлар профилактикасида «профилактик тактика» нима?

Бу борада «Криминалистик тактика» фанига мурожаат қилинса, «криминалистик тактика» тушунчасига нисбатан «криминалистика фанининг алоҳида бўлими бўлиб, дастлабки ва суд терговини ўтказиш юзасидан илмий қоидаларга асосланган ҳолда ишни ташкил этиш ва режалаштириш, шу билан бирга алоҳида тергов ҳаракатларини ўтказиш усуллари, жиноятни содир этиш шароитларини аниқлаш ва ашъвий далилларни йиғишга йўналтирилган тавсияларни ўргатади»⁵ мазмунида таъриф берилганлигига гувоҳ бўламиз.

Демак, криминалистик тактиканинг ўзига хос хусусиятлари қуйидагиларда намоён бўлади, яъни криминалистик тактика:

биринчидан, криминалистика фанининг алоҳида бўлими ҳисобланади;

иккинчидан, дастлабки ва суд терговини ўтказишга йўналтирилади;

учинчидан, илмий қоидаларга асосланади;

тўртинчидан, ишни самарали ташкил этиш ва тўғри режалаштиришни мақсад қилиб олади;

бешинчидан, алоҳида тергов ҳаракатларини ўтказиш усуллари, жиноятни содир этиш шароитларини аниқлаш ва ашъвий далилларни йиғишга йўналтирилган тавсияларни ўргатади.

Аммо криминалистика фанида «тергов тактикаси» тушунчаси ҳам кенг қўлланилиб, унга «кам куч, восита ва вақт сарфлаб юқори самарага эришиш мақсадида жиноятни тергов қилиш, очиш ва олдини олишда қўлланиладиган криминалистиканинг умумназарий қоидалари, мантик, психология, суд этикаси ва бошқа илмий билимлардан фойдаланишга асосланган дастлабки терговнинг тактик усуллари ва методларини режалаштириш мажмуидир»⁶ мазмунида таъриф берилган.

Ҳар иккала тушунчага берилган таърифларнинг мазмунидан кўриниб турибдики, кримина-

листик тактика тушунчаси ҳам жам жиҳатдан кенг-роқ ва у ўз таркибига тергов тактикасини ҳам камраб олади.

Бундан ташқари, ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг «профилактик тактикаси» тушунчасига нисбатан таъриф бериш ва унинг мазмунини ёритишда «тактика» тушунчасига нисбатан ўзбек тилининг изоҳли луғатларида қандай изоҳ берилганлигини ўрганиш ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбек тилининг изоҳли луғатига кў-ра, «тактика» тушунчаси «кўзланган мақсадга эришмоқ учун олиб бориладиган курашнинг муайян шариитга мос йўл ва воситалари, шакл ва усуллари» маъноларини англатади⁷.

Демак, «тактика» «курашишнинг муайян шариитга мос йўл ва воситалари, шакл ва усуллари мажмуи» маъносини беради.

Тушунчалар тахлили, ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг «профилактик тактикаси»га доир қуйидаги илмий хулосаларни шакллантиради:

биринчиси, «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси» фанини икки бўлимга ажратиб, биринчи бўлимни «Умумий қоидалар»га, иккинчи бўлимни «Профилактик тактика»га бағишлаш лозим;

иккинчиси, фаннинг «Профилактик тактика» бўлимида муайян мавзуларни ўз ичига камраб олган бобларни шакллантириш;

учинчиси, «Профилактик тактика» бўлимида ҳуқуқ-тартиботни сақлаш ҳамда мустаҳкамлаш, ҳуқуқбузарликларни аниқлаш, уларга барҳам бериш, шунингдек ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш, бартараф этиш мақсадида ҳуқуқбузарликлар умумий, махсус, якка тартибдаги ва виктимологик профилактикасини амалга ошириш ва профилактик фаолиятни мувофиқлаштириш юзасидан илмий қоидаларга асосланган ҳолда профилактика ишини самарали ташкил этиш ва тўғри режалаштириш, шу билан бирга алоҳида профилактик тадбирларни амалга ошириш усуллари, ҳуқуқбузарликларнинг сабаб ва шарт-шароитларини аниқлаш, ҳуқуқбузар ва ҳуқуқбузарликдан жабрланувчи шахсни ўрганиш натижалари асосида уларга криминологик ва виктимологик жиҳатдан индивидуал ташхис қўйишга йўналтирилган билимлар ўз ифодасини топади;

тўртинчиси, профилактик тактиканинг ўзига хос хусусиятлари қуйидагиларда намоён бўлади:

1) ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фанининг алоҳида бўлими ҳисобланиши;

2) ҳуқуқ-тартиботни сақлаш ҳамда мустаҳкамлаш, ҳуқуқбузарликларни аниқлаш, уларга барҳам бериш, шунингдек ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш, бартараф этиш мақсадида ҳуқуқбузарликлар умумий, махсус, якка тартибдаги ва виктимологик профилактикасини амалга ошириш ва профилактик фаолиятни мувофиқлаштиришга йўналтирилиши;

3) ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг умумназарий қоидалари, мантиқ, психология, педагогика ва бошқа фанларнинг илмий билим ва қоидаларига асосланиши;

4) ўз олдида профилактика ишини самарали ташкил этиш ва тўғри режалаштиришни мақсад қилиб олиши;

5) алоҳида профилактик тадбирларни амалга ошириш усуллари, ҳуқуқбузарликларнинг сабаб ва шарт-шароитларини аниқлаш, ҳуқуқбузар ва ҳуқуқбузарликдан жабрланувчи шахсни ўрганиш натижалари асосида уларга криминологик ва виктимологик жиҳатдан индивидуал ташхис қўйишга йўналтирилган тавсиялар бериши кабилар.

Демак, «профилактик тактика» тушунчасига нисбатан қуйидаги мазмунда таъриф бериш мақсадга мувофиқ: **«профилактик тактика бу, кам куч, восита ва вақт сарфлаб юқори самарага эришиш мақсадида ҳуқуқ-тартиботни сақлаш, мустаҳкамлаш, ҳуқуқбузарликларни аниқлаш, уларга барҳам бериш, ҳуқуқбузарликларнинг сабаб ва шарт-шароитларини аниқлаш, шахсларга профилактик таъсир кўрсатиш ҳамда профилактик фаолиятни мувофиқлаштиришда қўлланиладиган ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг умумназарий қоидалари, мантиқ, психология, педагогика ва бошқа фанларнинг илмий билимлардан фойдаланишга асосланган ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг тактик усуллари ва методларини режалаштириш мажмуидир».**

Шу ўринда, «тактика» тушунчасига моҳиятан яқин, аксарият ҳолатларда ёнма-ён қўлланиладиган, аммо мазмунан фарқ қилувчи «стратегия» тушунчаси мазмунини ёритиш масаласига ҳам тўхталиб ўтиш ўринлидир. Чунки, бу жараён «тактика» тушунчасининг мазмун ва моҳиятини янада ойданлашишига хизмат қилади.

Ўзбек тилининг изоҳли луғатида «стратегия» тушунчасига «ижтимоий-сиёсий курашга раҳбарлик қилиш санъати, шунингдек, умуман, бошқарувни тўғри ва истиқболли режалаштириш санъати» мазмунида изоҳ берилган⁸.

Бу борада, Т.Алимардонов «Стратегия — бу таълимотни излаш, ифодалаш ва ривожлантириш тизими бўлиб, у изчиллик билан ва тўлиқ амалга оширилганда узоқ муддатли муваффақиятни таъминлайди»⁹-деб тушунтиради.

Олимнинг фикрича, «Стратегиянинг моҳияти тактик вазифаларни белгилашдан иборат. Сиёсат, стратегия ва тактика — стратегик раҳбарлик ва бошқарув жиҳатлари билан боғлиқ учта мустақил категориядир. Уларнинг фарқи шундан иборатки, стратегия тасдиқланган ва амалга ошириш учун қабул қилинган бўлса, унинг жорий қилиниши стратегиялаштирилаётган объектнинг маёғига айланади. Тактика эса стратегик вазифаларни амалга ошириш бўйича кундалик, ойлик ва йиллик (жорий) режаларни ва уларнинг ечими бўйича тадбирларни тақозо этади. Сиёсат — бу стратегия ва тактикани ягона самарали амал қилувчи тизимга агрегация ва интеграция қилинишидир»¹⁰.

Олим ўзининг ушбу илмий қарашларида нафақат стратегиянинг мазмуни ва ўзига хос хусусиятларини, балки тактика ва сиёсат билан ўзаро алоқадорлиги моҳиятини ҳам очиб беришга ҳаракат қилган.

Дарҳақиқат, стратегиянинг аҳамияти ҳақида сўз юритган С.Мирзиёева таъкидлаганидек, «муваффақиятли замонавий давлатнинг изчил ривожланишини жамиятнинг устувор йўналишлари бўйича чуқур ўйланган стратегиясиз тасаввур қилиш мумкин эмас»¹¹.

Америкалик стратег Джон Коллинзнинг фикрича, «миллий стратегия ҳам тинчлик, ҳам уруш пайтида миллий манфаатлар ва миллий мақсадларга эришиш йўлида миллатнинг барча кучини бирлаштиради. Бу борада давлатнинг умумқамровга эга сиёсий стратегияси халқаро ва ички муаммоларни бартараф этишга қаратилган ташқи алоқалар ва ички иқтисодий стратегиясини, миллий ҳарбий стратегияси ва бошқаларни ўз ичига олади. Ҳар бир таркибий қисм миллий хавфсизликка ё бевосита, ёки билвосита таъсир кўрсатади»¹².

Юқоридагилардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, стратегия:

агар изчиллик билан ва тўлиқ амалга оширилса, узоқ муддатли муваффақиятни таъминлайди; тактик вазифаларни белгилаб беради;

тасдиқланиб, амалга ошириш учун қабул қилинади, унинг жорий қилиниши эса стратегиялаштирилаётган объектнинг маёғига айланади.

Миллий стратегия эса ҳам тинчлик, ҳам уруш пайтида миллий манфаатлар ва миллий мақсадларга эришиш йўлида миллатнинг барча кучини

бирлаштиради. Шунингдек, ўзининг такибий қисмлари (давлатнинг ташқи алоқалар стратегияси, иқтисодий стратегияси, миллий ҳарбий стратегияси, жиноятчиликка қарши курашиш ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси стратегияси кабилар)га эга бўлади.

Демак, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси стратегияси деганда, давлатнинг ҳуқуқбузарликларга қарши курашиш ва профилактикасига доир давлат сиёсатини тўғри шакллантириши, аниқ тактик вазифаларни белгилаб олиши ва ҳуқуқбузарликлар профилактикасини истиқболли режалаштириши тушунилади.

Е.О.Алауханов ва З.С.Зариповлар ҳам ушбу хулосага яқин фикр юритишади. Уларнинг фикрича, «жиноятлар профилактикаси стратегияси жамиятда жиноятчиликни, унинг сабаб ва шарт-шароитларини бутунлай йўқ қилишга қаратилади»¹³. Шу билан бирга улар, жиноятчиликни олдини олишнинг стратегик мақсади энг муҳим ижтимоий қадриятларнинг хавфсизлигини таъминлаш ва уларга тажовуз қилувчи ҳар қандай таъсирларнинг олдини олиш деб тушунтиради.

Билдирилган фикрлар ва амалга оширилган хулосага таяниб айтиш мумкинки, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси стратегияси ҳуқуқбузарликлар профилактикасига доир давлат сиёсатини шакллантирувчи субъектлар томонидан ишлаб чиқилиб, ижрога йўналтирилса, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тактикаси эса айнан мазкур стратегияда белгиланган тактик вазифалар ижросини кам куч, восита ва вақт сарфлаб кўзланган натижа ва юқори самарага эришишни кафолатловчи усул ва шакллар йиғиндисидан намоён бўлади.

Стратегия пухта ишлаб чиқилган тактик вазифалар ҳамда ушбу вазифаларнинг ижросига йўналтирилган тактик ҳаракатлар, усул ва воситаларга таянади. Бунинг учун тактикага нисбатан муайян талаб қўйилади.

Хусусан, Е.О.Алауханов ва З.С.Зарипов жиноятларнинг олдини олиш тактикасига нисбатан муайян талаблар қўйилишини таъкидлаб, бу борада қуйидаги талабларни келтириб ўтишади:

биринчи талаб, қонунчиликка риоя қилиш ҳамда хато ва камчиликларга йўл қўймаслик;

иккинчи талаб, дисфункцияни бартараф этиш принципидан келиб чиқади. Бу борада режалаштирилган профилактик чоралар ва ушбу тадбирлардан кутилаётган натижалар ўртасидаги муносибликни таъминлаш лозим ҳисобланади;

учинчи талаб, профилактик тактиканинг мослашувчанлиги, яъни профилактик таъсир остига тушган объектлардаги вазият ўзгаришига қараб

ўз вақтида ўзгарувчанлик имкониятига эга бўлиш;
тўртинчи талаб, жиноятчиликни олдини олиш
тактикасининг илмийлигини таъминлаш.

бешинчи талаб, жиноятчиликни келтириб чи-
қарувчи сабаб ва шарт-шароитларнинг кўпқир-
рали ва хилма-хиллигини инобатга олиш¹⁴.

Мазкур талабларни бевосита ҳуқуқбузарлик-
лар профилактикасининг профилактик тактика-
сига нисбатан ҳам татбиқ этиш мумкин ҳисоб-
ланади. Бироқ ҳуқуқбузарликни «ҳуқуқбузарлик»¹⁵
тушунчаси доирасида қамраб олинувчи жиноят
ёки маъмурий ҳуқуқбузарлик эканлигига ҳам эъти-
бор қаратишнинг талаб этилиши мақсадга му-
вофиқдир.

Ўйлаймизки, мақолада илгари сурилган так-
лиф ва тавсиялар *биринчидан*, «ҳуқуқбузарлик-

лар профилактикаси тактикаси» тушунчасининг
мазмун ва моҳиятини очиб беришга; *иккинчи-
дан*, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси назари-
яси ва амалиётига «ҳуқуқбузарликлар профи-
лактикаси стратегияси» ва «профилактик такти-
ка» тушунчасининг татбиқ этилишига; *учинчидан*,
ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тактикасининг
назарий ва амалий жиҳатларини шакллантириш-
га; *тўртинчидан*, «ҳуқуқбузарликлар профилак-
тикаси» фанини «Умумий қоидалар» ва «Про-
филактик тактика»га бағишланган иккита бўлимга
ажратилишига; *бешинчидан*, ҳуқуқбузарликлар
профилактикаси тактикасининг илмий тадқиқот
предметида айланиши ва ушбу масалада илмий
тадқиқот йўналишларининг белгилаб олиниши-
га ўз хиссасини қўшади.



¹ Криминалистик тактика: Дарслик / Т.Б.Маматкулов, Ш.Т.Джуманов, У.Т.Тургунов ва бошқ. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2013. – Б. 5.

² Эшназаров М.Ж. «Ҳуқуқбузарликлар махсус профилактикаси» тушунчаси ва мазмуни тўғрисида // Ўз.Рес. ИИВ Академияси Ахборотномаси. Тошкент 2019. №1. – Б. 50.

³ Шаблинская Д.В. Субъекты профилактики правонарушений / 01.01.2020. <http://center.gov.by/sub-ekty-profilaktiki-pravonarushenij/>

⁴ Алауханов Е.О., Зарипов З.С. Профилактика преступлений. Учебник. Алматы. 2008. С. 87-94.

⁵ Криминалистик тактика: Дарслик / Т.Б.Маматкулов, Ш.Т.Джуманов, У.Т.Тургунов ва бошқ. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2013. – Б. 5.

⁶ Криминалистик тактика: Дарслик / Т.Б.Маматкулов, Ш.Т.Джуманов, У.Т.Тургунов ва бошқ. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2013. – Б. 5.

⁷ Ўзбек тилининг изоҳли луғати: 80000 дан ортиқ сўз ва сўз бирикмаси. Ж. III. Н-Тартибли / Таҳрир ҳайъати: Т.Мирзаев (раҳбар) ва бошқ. Ўз. Рес. ФА Тил ва адабиёт ин-ти. – Т.: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, 2006. – 688 б.

⁸ Ўзбек тилининг изоҳли луғати: 80000 дан ортиқ сўз ва сўз бирикмаси. Ж. III. Н-Тартибли / Таҳрир ҳайъати: Т.Мирзаев (раҳбар) ва бошқ. Ўз. Рес. ФА Тил ва адабиёт ин-ти. – Т.: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, 2006. – 688 б.

⁹ Алимардонов Т. Ҳаракатлар стратегияси — Ўзбекистон миллий тараққиётининг янги босқичи // <http://xs.uz/uzkr/post/harakatlar-strategiyasi-ozbekiston-millij-taraqiyotining-yangi-bosqichi>.

¹⁰ Алимардонов Т. Ҳаракатлар стратегияси — Ўзбекистон миллий тараққиётининг янги босқичи // <http://xs.uz/uzkr/post/harakatlar-strategiyasi-ozbekiston-millij-taraqiyotining-yangi-bosqichi>.

¹¹ Мирзиёева С. Чуқур ўйланган стратегия – иқтисодий ўсиш ва ҳаёт сифатини ошириш асоси // <http://uza.uz/oz/business/chu-ur-ylangan-strategiya-i-tisodiy-sish-va-ayet-sifatini-osh-15-11-2018>

¹² Квинт В.Л. Стратегиялаш назарияси ва амалиёти: дайджест. Т.: Тасвир. 2018. 160 б.

¹³ Алауханов Е.О., Зарипов З.С. Профилактика преступлений. Учебник. Алматы. 2008. С. 87.

¹⁴ Алауханов Е.О., Зарипов З.С. Профилактика преступлений. Учебник. Алматы. 2008. С. 87.

¹⁵ Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 майдаги «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги қонуни // URL: <http://www.lex.uz>.

Турғунов Ойбек Каримович,
Ўзбекистон Республикаси Миллий
гвардияси ҳарбий-техник институти
кафедра бошлиғи, ю.ф.н., доцент

САЙЛОВ КОДЕКСИ: «ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН – ЯНГИ САЙЛОВЛАР» ТОМОН ҚЎЙИЛГАН ДАДИЛ ҚАДАМ

- ◆ Мақолада Ўзбекистонда Сайлов кодексининг қабул қилиниши унинг умумэтироф этилган халқаро демократик нормаларга мослиги, Ўзбекистонда миллий сайлов қонунчилигининг такомиллашуви, Кодексда сайлов ўтказиш билан боғлиқ бўлган янги қоидалар, халқаро ташкилотларнинг таклиф ва тавсиялари ёритилган.
- ◆ В статье описывается принятие Избирательного кодекса в Узбекистане, его соответствие общепризнанным международным демократическим нормам, совершенствование национального избирательного законодательства в Узбекистане, новые правила, касающиеся выборов, предложения и рекомендации международных организаций.
- ◆ The article describes the adoption of the Electoral code in Uzbekistan, its compliance with generally recognized international democratic standards, the improvement of national electoral legislation in Uzbekistan, new rules on elections, proposals and recommendations of international organizations.

Калит сўзлар: кодекс, сайлов, сайлов комиссиялари, халқаро ташкилотлар, ҳаракатлар стратегияси, халқаро андозалар.

Ключевые слова: кодекс, выборы, избирательные комиссии, международные организации, стратегии действий, международные стандарты.

Key words: code, elections, election commissions, international organizations, action strategies, international standards.

Сайловлар демократик давлатлар тараққиёти ва фуқароларнинг сиёсий ҳуқуқлари тизимида муҳим конституциявий-ҳуқуқий институт сифатида марказий ўрин эгаллаб келган. Айнан, мазкур институт орқали фуқаролар бевосита ёки ўзлари сайлаган вакиллари тимсолида давлат ва жамиятни бошқариш имконига эгадирлар. Зеро, ҳар қандай демократик жамият ўзагини эркин ва адолатли сайловлар ташкил этади.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда демократик сайловлар ўтказиш, том маънода, муҳим ижтимоий-сиёсий анъанга айланди. Хусусан, ўн икки маротаба ўтказилган – 1994 йил 25 декабрдаги, 1999 йил 10 декабрдаги, 2004 йил 26 декабрдаги, 2009 йил 27 декабрдаги, 2014 йил 21 декабрдаги, 2019 йил 22 декабрдаги парламент сайловлари, 1991 йил 29 декабрдаги, 2000 йил 9 январдаги, 2015 йил 29 мартдаги умумхалқ президент сайловлари, 1995 йил 26 март ва 2002 йил 27 январдаги референдумлар, шунингдек, 2016 йил 4 декабрдаги навбатдан ташқари президент сайлови Ўзбекистон миллий сайлов тизими институционал шаклланишига ва мустаҳкамланишига асос бўлди. Бинобарин, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев

таъкидлаганидек, **“Сайлов жараёнларида барчамизнинг, аввало, дунёқарашимиз, сиёсий ва ҳуқуқий маданиятимиз, гражданлик позициямиз яна бир бор намоён бўлади”**. [1]

Мамлакатимизда сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш жараёнлари халқаро нормалар ҳамда демократик принципларга тўла жавоб беришида миллий қонунчилик ва сайлов амалиёти-мизнинг аҳамияти беқиёсдир. Шунинг учун давлат раҳбари 2017 йил 22 декабрда Олий Мажлисга йўллаган илк Мурожаатномасида Ўзбекистон Республикасининг Сайлов кодексини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш вазифасини кун тартибига қўйган эди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 6 ноябрда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси фаолиятини такомиллаштириш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори билан “Сайлов қонунчилиги ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар дастури” тасдиқланди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 4 октябрда қабул қилинган “Сайлов жараёнига замонавий ахборот-коммуникация технологиялари-

ни жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги - Қарори сайлов қонунчилиги соҳасида амалга оширилаётган демократик ислохотларнинг манتيкий давоми бўлди.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, Ўзбекистон Республикаси Сайлов кодексининг яратилиши, аввало сайлов қонунчилиги ва амалиётининг ҳозирги ҳолати билан бевосита боғлиқдир. Иккинчидан, бу борада қабул қилинган қонунлар ва бир қатор қонуности ҳужжатлари яхлит бир ҳужжат шаклига келтирилмаганлиги билан изоҳланади. Учинчидан эса, мавжуд бўлган бешта Қонуннинг барчасида фуқароларнинг сайлов ҳуқуқлари билан боғлиқ деярли бир хил нормалар такрорланган. Шу боис, сайловга доир қонунлар сонининг кўплиги ҳам фуқаролар томонидан уларни қўллашда муайян қийинчиликларни юзага келтираётган эди.

Сайлов кодексига бугунги кунга қадар тарқоқ ҳолда амал қилган сайлов тўғрисидаги қонунлар ва қонуности ҳужжатларини халқаро норма ва стандартлар ҳамда илғор хорижий тажриба талабларидан келиб чиқиб кодификация қилиш, сайлов жараёнига нисбатан ягона шаффоф ва самарали ёндашувлар назарда тутилган.

Бу, ўз навбатида, мазкур Кодекс қабул қилиниши натижасида ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш кўзда тутилган бешта яхлит қонун ва уларга киритилган ўзгартиришлар тўғрисидаги 17 та қонун ўз кучини йўқотди.

Уни тайёрлаш ва ишлаб чиқишда биринчи навбатда сайловлар тўғрисидаги миллий қонунчилигимиз ва сайлов амалиёти, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, сайловга доир 5 та Қонун ва Марказий сайлов комиссиясининг 40 га яқин қонуности ҳужжатлари, шунингдек, мустақиллик йилларида мамлакатмизда ўтказилган сайловлар борасидаги тўпланган амалий тажрибаларимиз асосида ҳамда сайловларга доир илғор хорижий тажрибалардан фойдаланилди.

Кодексни тайёрлаш давомида дунёдаги 50 дан ортиқ давлатлар, хусусан, Франция, Нидерландия, Канада, Италия, Швеция, Бельгия, Польша, Албания, Беларусь, Озарбайжон каби мамлакатларнинг Сайлов кодекслари ва қонунлари ўрганилди. Сайловларга доир халқаро стандартлар ва демократик принциплар, сайловга доир 10 дан ортиқ халқаро ҳужжатлар атрофлича таҳлил қилиниб, уларнинг асосий ғоя ва стандартлари Ўзбекистон Республикасининг Сайлов кодексига сингдирилди.

Шу билан бирга Сайлов кодекси халқаро ташкилотларга мустақил халқаро экспертиза учун тақдим этилди. Бу борада Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти (ЕХХТ)нинг Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси (ДИИХБ) тавсиялари, шунингдек, Европа Кенгашининг Венеция комиссияси, Мустақил Давлатлар

Ҳамдўстлиги (МДХ) Ижроия қўмитасидан тегишли хулоса ҳамда фикрлар олинган.

Янги Сайлов кодекси нафақат тарқоқ нормалар жамланмаси, балки бир қатор янгиликлар, қоида ва тартиб-тамоилларни ўз ичига олган. **Биринчидан**, Ўзбекистон экологик ҳаракати вакилларига квота ажратиш институти чиқариб ташланди. **Иккинчидан**, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашларига номзод кўрсатиш тартиби бекор қилинди. **Учинчидан**, сайловчиларнинг ягона электрон рўyxатини шакллантириш Кодекс билан тартибга солинди. **Тўртинчидан**, ягона сайлов бюллетенини жорий этиш орақали “сайлов варақаси” тушунчаси чиқариб ташланди. **Бешинчидан**, сайловлар масалалари юзасидан жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш тартиби киритилди. **Олтинчидан**, имзо йиғиш жараёнида сайловчиларга бир ёки бир нечта номзодларни ёхуд партияларни қўллаб-қувватлаб имзо қўйиши мумкинлиги белгиланди. **Еттинчидан**, овоз бериш вақти 08:00 дан 20:00 гача этиб белгиланди. Бундан ташқари, сайлов жараёнлари билан боғлиқ бир қатор янги қоидалар жорий этилди. Жумладан, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари томонидан участка сайлов комиссияси аъзолигига номзодлар бўйича таклифлар киритиш; Олий Мажлис Сенати аъзоларини сайлаш тартиби тўғрисидаги низомни бекор қилиб, Сенат аъзоларини Кодекс даражасида сайлаш масаласи киритилди. Сайлов комиссияси аъзолари учун янги талаблар жорий қилинди. Бунда номзодларнинг яқин қариндошлари ва ишончли вакиллари, шунингдек, номзодларга бевосита бўйсунувчи шахслар сайлов комиссиясининг аъзолари бўлиши мумкин эмаслиги белгиланди.

Бундан ташқари, ижтимоий хавфи катта бўлмаган ва унча оғир бўлмаган жиноятларни содир этган шахсларнинг сайловда иштирок этишини чекловчи нормалар чиқариб ташланди. Сайлов округларини тузишда сайлов округларидаги сайловчилар сонининг йўл қўйиладиган максимал четга чиқиши 10 фоиздан ошмаслиги шартли белгиланди.

Шу билан бирга, Марказий сайлов комиссияси аъзоларига алоҳида талаблар қўйилди ҳамда улар мақоми бўйича Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенати аъзоларига тенглаштирилиб қўйилди.

Бир сўз билан айтганда, Президентимиз ташаббуси билан ишлаб чиқилган Сайлов кодекси ошкоралик, шаффофлик, ҳаққонийлик, холислик каби демократик принципларни ўзида акс эттириб, долзарб мазмун-моҳият ва улкан ҳуқуқий, ижтимоий ҳамда сиёсий аҳамият касб этади.

Маълумки, Давлатимиз раҳбари ўзларининг

2020 йил 24 январдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида 2020 йилган **“Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили”** - деб ном берди. Бугунги кунда йил номида белги-ланган соҳаларни устувор даражада ривожлантириш ва ислоҳ этиш бўйича кенг кўламли ишлар амалга ошириб келинмоқда.

Хусусан, Президентимизнинг “Сайлов жараёнига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори билан тасдиқланган “Сайловчиларнинг ягона электрон рўyxатини шакллантириш ва ундан фойдаланиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари” режаси асосида изчил иш олиб борилди. Шу маънода, 2019 йил 22 декабрда бўлиб ўтган сайловлар нафақат қонунчилик нуқтаи назаридан, балки техник-технологик жиҳатдан ҳам мутлақо янги форматда бўлиб ўтди десак муболаға бўлмайди.

Агар мустақиллик йилларида Ўзбекистон Республикаси сайлов ҳуқуқида содир бўлган ўзгаришларни илмий нуқтаи назарда таҳлил қилсак, уни тизимли модернизациялаш сифатида баҳолаш мумкин. Аммо яна шуни тан олиб айтиш керакки, Ўзбекистон сайлов тизими шаклланиш жараёнининг тугал якунланишига ҳали анча бор. Зеро, халқ ҳокимиятчилиги вакиллик асосларини барча даражаларда изчиллик билан яратиш учун қўйиладиган талабларга тўлиқ жавоб бера оладиган оптимал ҳуқуқий режимнинг вужудга келтиришда сайлов ҳуқуқини янада ривожланишининг имкониятлари тугагани йўқ. Бу тенденция нафақат Ўзбекистон, балки бошқа энг ривожланган мамлакатлар учун ҳам хосдир. Айнан шу жиҳат, мураккаб ва серқирра сайлов жараёнларини бошқа муқим юридик жараёнлардан кескин фарқлантириб туради.

Тасаввур қилайлик, агар миллий ҳуқуқ тизимини соҳалари орасида оммабоплик борасидаги рейтинг мавжуд бўлганида, сайлов ҳуқуқи шубҳасиз жамоатчилик ва ижтимоий қатламлар ўртасида танилиш ва эътироф этилиши сабабли, унда энг юқори ўринлардан бирини забт этган бўлар эди. Ана шу боис ҳуқуқ фани намояндalари томонидан, сайлов ҳуқуқи комплекс институт ҳосил этувчи конституциявий ҳуқуқ фани бевосита таъсири доирасидан аллақачон четга чиқиб кетган ва унинг соҳаости ёки келгусида алоҳида соҳа

сифатида янада юқорироқ даражадаги тузилма кўринишидаги ҳуқуқий тизимга айланиб бораётганлигига оид жиддий фикрлар пайдо бўлган.

Сайлов ҳуқуқининг ижтимоий-сиёсий мавқеи ва оммавий-ҳуқуқий тизимдаги мустақил ўрнига урғу берган ҳолда айтиш мумкинки, келгусида сайлов ҳуқуқи оммавий ҳуқуқнинг мустақил соҳаси сифатида шаклланиши эҳтимоли юқори.

Мазкур ҳодиса сайлов қонунчилигига оид қоидаларини аниқлаштириш билан чекланмасдан, балки сайлов ҳуқуқи тизимида янги элементларни шакллантиришни ҳам ўз ичига олади. Шу сабабдан сайлов тизимининг кейинги ривожланиш босқичи мамлакатимизда кўппоғонали сайлов тизимини шакллантириш билан боғлиқ бўлиши мумкин. Зеро, кўппартиявий тизим йўлидан бораётганимиз бу ўзаро бир-бири билан ғоявий чамбарчас боғлиқ вакиллик институтларини тизимли шакллантириш усулларини яқинлаштиради.

Кўппоғонали сайловлар билвосита сайловларнинг бир кўриниши бўлиб, унда тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида сайлаб олинадиган, доимий равишда фаолият юритадиган вакиллик органи сайловчилар хоҳиш-иродасининг ифодаловчиси сифатида майдонга чиқади. Ушбу орган ваколатига бошқа орган ёки мансабдор шахсни сайлаш ҳуқуқи киради. Ватанимиз ҳуқуқий тизими учун кўппоғонали сайловлар бутунлай янгилик эмас. Кўппоғонали сайлов элементларини замонавий Ўзбекистон қонунчилигида ҳам кузатса бўлади. Бизда Сенат аъзоларининг катта қисми кўппоғонали сайловлар асосида сайланиши кўпчилик томонидан эътироф этилган. Қонунга мувофиқ юқори палата вакиллари – Сенатнинг 86та аъзоси маҳаллий кенгашларнинг депутатлар корпуси томонидан сайланади.

Хулоса сифатида шуни таъкидлаш жоизки, мамлакатимиз Сайлов кодексининг ҳаётга татбиқ этилиши мамлакатимизда сайлов жараёнлари янада ошкоралик руҳида ўтишини таъминлайдиган янги, илғор амалиётни жорий этишни ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлади. Ва келгусида сайлов тизимини мамлакатдаги демократик ислохотларга ҳамоҳанг янги сиёсий талаблар, партиялар орасидаги кучли рақобат, ғоялар ва дастурлар кураши асосида ўтказиш механизмларини такомиллаштириш учун мустаҳкам пойдевор бўлади, десак муболаға бўлмайди.



1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисга йўллаган илк Мурожаатномаси. 2017 йил 22 декабрь.

2. Ўзбекистон Республикасининг Сайлов кодекси. Қонун ҳужжатлари миллий баъзаси. 26.06.2019., 03/19/544/3337-сон.

Исоқов Лукмонжон Холбоевич,
Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси
Академияси марказ прокурори юридик фанлар бўйича
фалсафа доктори (PhD)

ДАВЛАТ ТОМОНИДАН МИГРАЦИЯ ЖАРАЁНЛАРИНИ ҲУҚУҚИЙ ТАРТИБГА СОЛИШНИНГ ШАКЛЛАРИ

◆ Ушбу мақолада давлат томонидан миграция жараёнларини ҳуқуқий тартибга солишнинг шакллари кўриб чиқилади. Шунингдек, миграция соҳасидаги ҳуқуқий муносабатларни тартибга солишга қаратилган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлардан келиб чиқадиган вазифалар таҳлил қилинади.

◆ В данной статье рассмотрены формы государственного правового регулирования миграционных процессов. А также, анализируются задания, вытекающие из нормативно-правовых документов, направленных на регулирование правовых отношений в миграционной сфере.

◆ This article describes the forms of legal regulation of the migration process by government. In addition, the tasks arising from regulatory documents aimed at regulating legal relations in the migration sphere are analyzed.

Таянч сўзлар: давлат бошқаруви, дастур, доктрина, концепция, мигрант, миграция, миграция жараёни, шакл, стратегия, ҳуқуқ.

Ключевые слова: государственное управление, доктрина, концепция, миграция, миграционный процесс, мигрант, право, программа, стратегия, форма.

Key words: conception, doctrine, form, law, migrant, migration, migration process, public administration, program, strategy.

Миграцияни тартибга солиш билан боғлиқ кўп жиҳатли масалаларнинг ечими давлат бошқарувининг амалий фаолиятига жорий қилинадиган ижро ҳокимияти органларининг ушбу йўналишдаги вазифа ва функцияларини амалга оширувчи механизмнинг яратилишини талаб этади. Мазкур фаолият ўз-ўзидан амалга ошмайди, у ҳаракатда бўлиши, турли ижтимоий муносабатларда ўзини намоён этиши, яъни изчил бўлиши керак. Шу боис мақоламизда ўзига хос илмий-амалий категориялар бўлган миграция соҳасидаги давлат бошқаруви фаолиятининг ҳуқуқий шакллари кўриб чиқилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ги ПФ-4947-сонли Фармони¹ қабул қилиниши билан юртимизда давлат томонидан тартибга солишнинг механизмида давлат дастурлари, концепциялар, доктриналар, йўл хариталари, стратегиялар, келишувлар каби бошқарув фаолиятининг бир қатор ҳуқуқий шакллари қўлланилиши янада кенг тус олди. Буларнинг барчаси “Ҳаракатлар стратегияси”даги дав-

лат бошқаруви тизимини ислоҳ қилиш бўйича вазифаларнинг амалий натижасидир.

Миграция соҳасида давлат бошқаруви фаолиятининг ҳуқуқий шакллари бўйича А.Н.Жеребцовнинг илмий қарашлари эътиборни ўзига жалб қилади. Унинг таъкидлашича, шакл маъмурий-ҳуқуқий тартибга солиш жараёнининг муайян босқичларнинг мазмунини акс эттириши лозим.

Маъмурий ҳуқуқ бўйича дарсликларда одатда у ёки бу меъёрий-ҳуқуқий ҳужжат билан тасдиқланадиган турли дастурлар, “йўл хариталари”, низомлар, иш режалари каби бошқаруви шакллари келтирилади. Демак, бошқарув шакли қандай номга эга бўлмасин, албатта, муайян ҳуқуқий ҳужжат билан қабул қилинган, маъқулланган ёки тасдиқланган бўлиши лозим бўлади, шунингдек ҳар бир давлат идораси ўз фаолиятининг хусусиятлари ва ҳал этилиши кўзда тутилган масаладан келиб чиққан ҳолда ҳар томонлама самарали, мувофиқ ва муносиб ҳуқуқий шаклни танлаши мумкин.

Ҳуқуқий шакллардан “дастур” атамасининг луғавий таърифига кўра, муайян мақсад, иш-ҳаракат ёки тадбирнинг олдиндан белгилаб

Шунга қарамасдан, сўнги йилларда Ўзбекистонда ижтимоий ҳимояга муҳтож шахсларни ишга жойлаштириш ва уларнинг бандлигини таъминлашда нодавлат ташкилотларнинг аҳамияти ортиб бормоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 27 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида хорижда вақтинчалик меҳнат қилаётган фуқароларимиз ва уларнинг оила аъзоларини ҳимоя қилиш бўйича ҳам тизимли

ишлар амалга оширилганлиги, Ташқи меҳнат миграцияси масалалари бўйича республика комиссияси тузилганлиги, Ҳукумат таркибида Хорижда вақтинчалик меҳнат қилаётган Ўзбекистон фуқаролари ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва қўллаб-қувватлаш масалалари департаменти ташкил этилганлигини таъкидлаб ўтдилар¹.

Дарҳақиқат, Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг расмий сайтида эълон қилинган статистик маълумотларга кўра, 2018 йил январь-ноябрь ойларида доимий иш ўринларида аҳолининг бандлиги 334.712 тани, яқка тартибдаги тадбиркорлик соҳасида бандлик 94.659 тани, қишлоқ хўжалигида, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш ва қурилишдаги мавсумий ва вақтинча ишларда бандлар 196.458 тани, аҳолини шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжалигида ўз-ўзини банд қилиш ва оилавий тадбиркорликда 284.719 тани ташкил этган².

Ҳозирги кунда, Ўзбекистон меҳнат бозорида кўплаб хусусий бандлик агентликлари, хусусан, "Aurora Human Resources", "Best Job Consulting", "Eurasia Consulting and Engineering Services", "HR

Capital Consulting” (HRC), “Human Resurs” (Resurs Recruitment Personnel), “Professionals Performance”, “ProfiStaff”, “Планета Сердце” каби бир қатор хусусий бандлик агентликлари самарали фаолият олиб бормоқда.

Жаҳон тажрибасидан маълумки, хусусий бандлик агентликлари фаолиятини биринчи навбатда аҳолиси зич, шунингдек, ишчи кучига эҳтиёж юқори бўлган, инвестицион лойиҳалар асосида янги ишлаб чиқариш кучлари барпо этилаётган ҳудудларда йўлга қўйиш яхши самара беради.

Шу ўринда алоҳида эслатиб ўтиш жоизки, хусусий бандлик агентликлари хизматларини кўпроқ ўзи фаолият юритаётган ҳудуддаги ишчи кучи (меҳнат ресурслари), уларнинг малакаси даражаси ва компетенциялари қизиқтиради. Буюртмачи корхоналар, аввало, юқори малакали ва бой тажрибага эга ходимларни топиб беришни сўрашади. Демак хусусий бандлик агентликларининг фаолияти қандай йўлга қўйилиши Ўзбекистон учун фойдали эканлигига ҳам эътибор қаратилиши лозим.

Ўзбекистон Республикасида айни вақтда аҳоли бандлигини таъминлашда нодавлат ташкилотларнинг — хусусий бандлик агентликларининг ролини ошириш бўйича тенденция кучаймоқда. Сабаби, ушбу фаолият бозор муносабатлари шароитида ишсиз ёки иш қидираётган шахсларни ишга жойлаштиришда ўзининг самарадорлиги билан ажралиб туради.

Чунки, хусусий бандлик агентликлари фаолиятининг асосини моддий манфаат ташкил этади. Бунда хусусий бандлик агентликлари иш берувчи компаниялар ва иш қидираётган шахслар ўртасида ҳақ эвазига меҳнат воситачилигини амалга ошириб, зарур бўлган тоифадаги мутахассисларни қидириб топиш ва уларни танлаб олишда муҳим аҳамият касб этади. Шу сабабли, бугунги кунда юртимизда мазкур муносабат ривожланиб, уни ҳар томонлама тартибга солиш зарурияти юзага келмоқда.

О.Н.Аллин таъкидлаганидек, айнан рекрутинг агентликлари маданиятли меҳнат бозорини шакллантиришда муҳим аҳамият касб этади³. Олимнинг бундай фикр юритишининг сабабини таҳлил қилиб кўрамиз. Қайд этиш зарурки, рекрутинг агентликлари мутахассислари меҳнат бозори динамикасини, унинг ривожланиш истиқболларини, иш ҳақи даражасининг ва ходимларга қўйиладиган талабларнинг ўзгаришини тадқиқ қилади, ходимлар масалалари бўйича компанияларга маслаҳатлар, тавсиялар беради, бу масалада турли семинарлар, тренинглари ташкил қилади ва ўтказиши, меҳнат бозорига оид ва ходимлар билан ишлаш бўйича маълумотларни чоп этиб боради. Шу нуқтаи назардан ҳам олимнинг ушбу фикрини қўллаб-қувватлаш мумкин.

Ю.Г.Одеговнинг фикрича, рекрутинг агентликлари меҳнат бозорига турли компанияларда иш ҳақи ва устамалар даражасини тадқиқ қилиш бўйича улкан тажрибага эгадир⁴. Бизнингча, рекрутинг агентликлари кўплаб компаниялар ва иш изловчилар

билан мунтазам равишда мулоқотда бўлганликлари сабабли, улар доимо меҳнат бозори тўғрисидаги маълумотлар марказида бўлишади. Шу сабабли ҳам иш қидираётган шахслар уларни маълумотларига кўпчилик ҳолатларда ишонади.

Хусусий бандлик агентликлари фаолиятини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш билан боғлиқ хорижий мамлакатлар тажрибасига эътибор қаратилган бўлсак, Австралияда 1976 йилда қабул қилинган Employment agents act, Буюк Британияда 1973 йилда қабул қилинган Employment agencies act, Канадада 1990 йилда қабул қилинган Employment agencies act, Малайзияда 1981 йилда қабул қилинган Private employment agencies act, Сингапурда 1958 йилда қабул қилинган Employment agencies act каби хусусий бандлик агентликлари фаолиятига доир ҳуқуқий ҳужжатлар ёрдамида мазкур соҳа тартибга солинган.

Европа комиссиясининг 2016 йил учун “Европа Иттифоқи (ЕИ) доирасида ишчи кучларни ҳаракатланиши тўғрисида”ги ҳисоботида 2016 йил ҳолатига ЕИ меҳнатга лаёқатли ёшдаги 11.3 млн., 2017 йилда эса 12,4 млн. фуқаро⁵—(20 дан 64 ёшгача) Иттифоққа аъзо давлатлар ҳудудида ушбу давлатлар фуқаролигига эга бўлмаган ҳолда истиқомат қилган бўлиб, ушбу кўрсаткич Иттифоқнинг жами меҳнатга лаёқатли аҳолисининг 3,7%ни ташкил қилди⁶.

Хусусий бандлик агентликлари хорижий давлатларда рекрутинг агентликлари деб юритилади. “Рекрутинг” атамаси инглиз тилидаги “recruitment” сўзидан олинган бўлиб, “кимнидир танлаш”, “жалб қилиш”, “ҳақ эвазига хизматга ёллаш” деган маъноларни билдиради. Рекрутинг агентликлари кадрлар муаммосини ҳал қилиб беришда ўзига хос ихтисослашган самарали профессионал компаниялардир.

Бундан ташқари, рекрутинг агентликлари — бу иш қидираётган шахсларга ишга жойлашишга кўмаклашиш, шунингдек, кадрлар танлаш бўйича иш берувчиларга хизматлар кўрсатувчи қонунда белгиланган тартибда рўйхатдан ўтган тижорат ташкилотларидир. А.В.Рощиннинг фикрига кўра, рекрутинг агентлиги турли компанияларга малакали ходимларни танлаб, ишга жалб қилишда хизматлар кўрсатадиган ташкилотдир⁷.

Ўзбекистонда ушбу соҳани ҳуқуқий тартибга солиш масалалари 2017 йилда бошланган. 2017 йил октябрь ойида **Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги томонидан тайёрланган** “Аҳоли бандлигига кўмаклашиш нодавлат ташкилотлари (рекрутинг агентликлари) тўғрисида”ги қонун лойиҳаси⁸ омма муҳокамаси учун, яъни фуқаролар бу борада ўз фикрларини билдиришлари учун www.regulation.gov.uz интернет сайтига қўйилди.

Мазкур қонун лойиҳаси фуқаролар томонидан қизғин муҳокама қилинди. Сабаби, бу турдаги ижтимоий муносабат Ўзбекистон Республикаси меҳнат бозорига эндигина кириб келган ва бу тартиб-

га солиниши зарур бўлган янги соҳа ҳисобланар эди. Шу сабабдан ҳам, “Аҳоли бандлигига кўмаклашиш нодавлат ташкилотлари (рекрутинг агентликлари) тўғрисида”ги қонун лойиҳаси бир қатор таклифларни инobatта олган ҳолда қайтадан тайёрланиши кўзда тутилди.

“Рекрутинг фаолияти тўғрисида”ги қонун лойиҳаси Ўзбекистон қонунчилиги амалиётида илк бор ишлаб чиқилди, мазкур қонун лойиҳаси 1997 йил 19 июнда қабул қилинган Халқаро Меҳнат Ташкилотининг “Хусусий бандлик агентликлари тўғрисида”ги 181-сонли конвенциясининг халқаро стандартларини ва рекрутинг фаолиятини ташкил этиш ҳамда ривожлантиришнинг хориж тажрибасини инobatта олган ҳолда ишлаб чиқилган.

Лекин, кейинчалик мазкур қонун 2018 йил 16 октябрда бошқа ном билан, яъни Ўзбекистон Республикасининг “Хусусий бандлик агентликлари тўғрисида”ги қонуни қабул қилинди. Мазкур Қонун Олий Мажлис Қонунчилик палатаси томонидан 2018 йил 6 сентябрда қабул қилинган, Сенат томонидан 2018 йил 27 сентябрда маъқулланган.

Қонуннинг қабул қилиниши фуқароларни мамлакатимиз корхоналари ҳамда чет элда иш билан таъминлаш имкониятларини жиддий равишда кўпайтириш ва кенгайтириш, давлат хизмати ҳамда хусусий сектор томонидан аҳоли бандлигига кўмаклашиш механизмларини аниқ тартибга солиш, ишга жойлаштириш бўйича кўрсатилаётган хизматлар тартиби, сифати ва шартларини, хусусий бандлик агентликлари, корхоналар ҳамда иш қидираётган шахсларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини аниқлаш имконини берди.

Мазкур Қонунда хусусий бандлик агентликларининг чет элда ишга жойлаштириш бўйича фаолиятини тартибга солувчи алоҳида нормалар келтирилган. Чет элда ишга жойлаштириш масаласи бўйича хорижлик ҳамкорлар билан музокаралар олиб бориш, шартнома, битим ва баённомалар лойиҳаларини тайёрлаш, хорижий меҳнат бозорини ўрганиш, у ерда иш берувчиларни қидириш, битимлар тузиш, чет элда ишлаш истагидагилар розилиги билан улар ҳақидаги маълумотларни хорижий иш берувчилар ўртасида, шу жумладан, жаҳон интернет ахборот тармоғи орқали тарқатиш, чет элда ишлаган ва иш қидираётган шахсларнинг ижтимоий ҳимоясини таъминлаш, ватанга қайтганидан сўнг ишга жойлаштириш учун ҳудудий меҳнат органларига уларнинг рўйхатини тақдим этиш рекрутинг агентликларининг фаолият доирасига киради.

“Хусусий бандлик агентликлари тўғрисида”ги қонун нормаларидан келиб чиқиб, унда ҳуқуқий атамаларга берилган таърифлардан айримларини кўрсатиб ўтишни зарур деб топдик.

Барчага маълумки, ҳар бир ижтимоий муносабат амалий ҳаётга татбиқ этилаётганида, албатта, муайян тамойилларга, принципларга таянган ҳолда амалга оширилади. Хусусий бандлик агентлиги фаолияти ҳам бундан мустасно эмас.

“Хусусий бандлик агентликлари тўғрисида”ги қонуннинг 4-моддасига биноан, хусусий бандлик агентликлари фаолиятининг асосий принциплари қонунийлик, очиқлик ва шаффофлик, камситишга йўл қўймасликдан иборатдир.

Лицензия олувчиларни асосий мажбуриятлари сифатида хорижда ишга жойлашишдан манфаатдор бўлган шахсларни танлашда камситишга йўл қўймасликлари; Агентликка фаолияти тўғрисидаги ҳисоботни тақдим этишлари; талабгорлар билан тузиладиган шартномаларни, шунингдек, талабгорлар ва хорижий иш берувчилар билан тузиладиган шартномаларни юритишлари; Ўзбекистоннинг ёки борадиган мамлакатнинг қонун ҳужжатларига мувофиқ ноқонуний деб эътироф этилган фаолиятни амалга ошириш учун меҳнат мигрантларини юбормасликлари шартлиги белгиланган.

Ишга жойлаштириш соҳасида ахборот ва маслаҳат хизматлари хусусий бандлик агентлиги томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда буюртмачи билан тузилган рекрутинг хизматлари кўрсатишга шартнома асосида кўрсатилади. Меҳнат бозоридаги ахборот ва маслаҳат хизматлари буюртмачини меҳнат бозорини таҳлил қилиш ва ҳолати прогнози ҳамда унинг иштирокчилари, ушбу бозорнинг конъюнктураси, меҳнат тўғрисидаги қонунлар ҳақидаги ахборот билан таъминлашни, шунингдек, меҳнат бозори тўғрисида бошқа ахборот тақдим этишни ўз ичига олади.

Мазкур Қонуннинг қабул қилиниши аҳолини мамлакатимиз корхоналарида ҳамда чет элда иш билан таъминлаш имкониятларини кенгайтириш, давлат хизмати ва хусусий сектор томонидан аҳоли бандлигига кўмаклашиш механизмларини аниқ тартибга солиш, корхона ва иш қидираётган шахсларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини аниқлашга, норасмий меҳнат миграциясининг олдини олишга хизмат қилишга қаратилган.

Лекин, Қонуннинг бир йилдан ортиқ вақт мобайнида ижро этилиши жараёнида бир қатор ҳуқуқий ечимини топиш зарур бўлган муаммолар юзага келмоқда.

Бу борада юзага келган муаммолар Давлат раҳбари даражасида алоҳида таъкидлаб ўтилди, жумладан, “Бироқ чет элга ишлаш учун фуқароларни жўнатиш билан шуғулланаётган баъзи бир хусусий фирмалар одамларни алдаётгани ҳақидаги материаллар матбуот саҳифаларида эълон қилинмоқда. Департамент ушбу фирмалар фаолиятини қатъий назоратга олиши лозим. Ўзбекистон Республикаси, мамлакат ичкарисида ёки ташқарисида бўлишидан қатъи назар, ўз фуқароларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш, уларга ҳомийлик кўрсатишни бундан буён ҳам кафолатлайди ва барча чораларни кўради”.

Ушбу фикрларни айтилишига етарлича асослар бор деб ҳисоблаймиз. Ўзбекистон Республикасидан ташқарида иш қидираётган шахсларни ишга жойлаштириш мақсадида лицензияга эга бўлган 65 та хусусий бандлик агентликларидан 30 таси томо-

нидан бирорта ҳам фуқаро шу кунга қадар хорижий давлатларга ишга юборилмаган.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси матбуот хизмати хабарига кўра, “Хусусий бандлик агентликлари тўғрисида”ги Қонун асосида 88 та юридик шахс Хусусий бандлик агентлиги сифатида Меҳнат вазирлиги реестрида рўйхатдан ўтказилган. Улардан 65 тасига фуқароларни хорижда ишга жойлаштириш фаолияти билан шуғулланиш учун лицензия берилган бўлиб, бугунги кунда уларнинг 59 таси ўз фаолиятини юритмоқда¹⁰.

Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги томонидан юридик шахсларнинг реестрини шакллантириш 1 кунлик қисқа муддатда, лицензия бериш 3-5 кунда амалга оширилмоқда. 2019 йил давомида Хусусий бандлик агентликлари томонидан 1.655 нафар фуқаро чет элда, 77 нафар фуқаро республикамиз ҳудудида ишга жойлаштирилди, 33.838 нафар фуқарога маслаҳат ва ахборот хизмати кўрсатилган.

Энг ачинарлиси, Ички ишлар вазирлиги берган маълумотларга кўра, ўтган йил давомида бир нечта хусусий бандлик агентликлари томонидан фуқароларга 50 млрд. сўмдан ортиқ зарар етказилиб фирибгарлик жиноятлари содир этилган.

Ушбу маълумотлардан кўриниб турибдики, бугунги кунда айрим шахслар томонидан “Хусусий бандлик агентликлари тўғрисида”ги қонун нормалари кўпол равишда бузилган ҳолда, жиноятлар содир этилмоқда.

Ушбу ҳолатларни олдини олиш ва қонун нормаларини самарали ижро этилишини таъминлаш мақсадида қуйидаги таклифлар илгари сурилади:

биринчидан, “Хусусий бандлик агентликлари тўғрисида”ги қонун нормаларини ижро этиш натижасида юзага келган юқоридаги салбий ҳолатларни ҳисобга олган ҳолда агентликлар томонидан кўрсатиладиган хизматлар учун тўланадиган пул суммасини чегарасини белгилаш таклиф қилинади. Ху-

сусан, ишга жойлаштириш соҳасида ахборот ва маслаҳат хизматлари учун тўлов миқдори хусусий бандлик агентлиги ва иш қидираётган шахс ўртасидаги ўзаро келишувга кўра белгиланишини, бироқ қонунчиликда белгиланган базавий ҳисоблаш миқдорининг тўрт баробаридан ошмаслиги лозимлигини киритиш зарур. Бу ўз навбатида, фуқароларни алдов йўли билан кўп пул ундиришни олдини олади. Хорижий давлатларга ишга жойлаштириш хизмати учун эса ишга жойлаштириладиган давлат қонунчилигини нормаларига асосан белгиланиши таклиф қилинади;

иккинчидан, қонунга Ўзбекистон Республикасидан ташқаридаги ишни қидираётган шахсларни ишга жойлаштириш бўйича шартнома имзолангандан сўнг иш қидираётган **шахс 5 иш кун давомида** жўнатувчи ташкилот хизматлари нархининг **20 фоизидан кўп бўлмаган миқдорда олдиндан** тўловни амалга оширишини, қолган хизмат тўловлари эса иш қидираётган **шахс томонидан ишчи виза олинганидан** сўнггина амалга ошириш тартибини жорий қилиш таклиф қилинади;

учинчидан, хорижий давлатга ишга юбориш ҳақидаги шартномани Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг **махсус сайтидан рўйхатга ўтказиш тартибини** жорий қилиш зарур;

тўртинчидан, қонунинг 17-моддасида назарда тутилган хусусий бандлик агентлигининг мажбуриятлари доирасига Ўзбекистон Республикасидан ташқаридаги ишни қидираётган шахслар олдида ўз шартномавий мажбуриятларини бажармаганлиги билан боғлиқ етказилган зарарни қоплаш бўйича фуқаролик жавобгарлигини суғурталаши шартлигига оид нормани киритиш таклиф қилинади;

бешинчидан, хориждаги дипломатик ваколатхоналар томонидан кўрсатилаётган консуллик хизматлари, фуқароларга кўрсатиладиган хизматларни электрон шаклга ўтказиш зарур.



¹ <http://uza.uz/oz/politics/konstitutsiya-va-onun-ustuvorligi-u-u-iy-demokratik-davlat-v-07-12-2019>

² <https://mehnat.uz/cyrl/statistika>

³ Аллин, О.Н., Сальникова Н.И. Кадры для эффективного бизнеса. Подбор и мотивация персонала. – М.: Генезис, 2005. – С 57.

⁴ Одегов Ю.Г., Карташова, Л.В. Управление персоналом, оценка эффективности. – М.: Экзамен, 2004. – С 87.

⁵ Elena Fries-Tersch, Tugce Tugran, Agnieszka Markowska, Matthew Jones. 2018 Annual Report on intra-EU Labour Mobility. 2-nd edition. European Commission, - P. 11-12. December 2018

⁶ **Fries-Tersch E., Tugran T., Bradley H., 2016 Annual Report on intra-EU Labour Mobility. 2-nd edition. European Commission, 2017. - P. 10-12.**

⁷ Рошин, А.В. Услуги по подбору персонала в России. – М.: Агентство США по международному развитию, 1996. – С 35.

⁸ <https://regulation.gov.uz/ru/documents/1732>

⁹ <http://uza.uz/oz/politics/konstitutsiya-va-onun-ustuvorligi-u-u-iy-demokratik-davlat-v-07-12-2019>

¹⁰ http://parliament.gov.uz/uz/events/committee/29043/?sphrase_id=5088032

Махмудов Фируз Бахтиёр ўгли,
Тошкент давлат юридик университети
хузуридаги Професионал ўқитиш
маркази директори ўринбосари,
ТДЮУ мустақил изланувчиси

КОРРУПЦИЯ ВА МАНФААТЛАР ТЎҚНАШУВИНИНГ ЮРИДИК ТАБИАТИ: НАЗАРИЙ-ҲУҚУҚИЙ ТАҲЛИЛ

- ◆ Мазкур мақолада коррупция ва манфаатлар тўқнашувининг юридик табиати назарий-ҳуқуқий жиҳатдан таҳлил қилинган. Коррупция ва манфаатлар тўқнашувини бартараф этишга оид таклифлар билдириб ўтилган.
- ◆ В данной статье теоретически и юридически анализируется правовая природа коррупции и конфликта интересов. Были высказаны предложения по устранению коррупции и конфликтов интересов.
- ◆ This article analyzes the legal nature of corruption and conflict of interests. Moreover, there are some proposals for the elimination of corruption and conflict of interests.

Калит сўзлар: коррупция, манфаатлар тўқнашуви, давлат хизматчиси, давлат фуқаролик хизмати, хусусий сектор.
Ключевые слова: коррупция, конфликт интересов, государственный служащий, государственная гражданская служба, частный сектор.

Key words: corruption, conflict of interests, civil servant, public civil service, private sector.

Коррупция ва унинг барча кўринишлари мамлакатнинг иқтисодий ривожланиши, давлат бошқаруви тизимининг самарали ишлашида асосий тўсиқлардан бири бўлиб, мамлакатда қонун устуворлиги ва адолат принциплари бузилишига, фуқароларнинг давлат органлари ва ташкилотларига ишончининг йўқолишига, жиноятчиликнинг авж олишига, хуфиёна иқтисодиёт ва бошқа шу каби салбий ҳодисаларнинг юзага келишига шароит яратиб беради.

Сўнги йилларда коррупцияга қарши курашиш, унинг турли кўринишларига барҳам бериш борасида кенг кўламли ислохотлар амалга ошириладиган бўлса-да, жамиятда коррупция кўрсаткичлари ҳали ҳам юқориликча қолмоқда. Хусусан, “Ижтимоий фикр” жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази томонидан ўтган йилда ўтказилган коррупция бўйича сўров натижаларига эътибор қаратадиган бўлсак, сўровда қатнашганларнинг 66,5 фоизи Ўзбекистонда коррупция сингари салбий ҳолат тарқалган, деб ҳисоблайди. Қарийб 17 фоиз иштирокчи коррупция ҳамма соҳаларни қамраб олган, деган фикрда. 29 фоиз респондент эса мансабдорларнинг ҳар иккинчиси коррупционер, деб ҳисоблайди. Демак, рейтинг ва сўровнома натижалари коррупция, яъни шахснинг ўз мансаб ёки ваколатидан шахсий манфаати ёхуд ўзга шахслар манфаатларини кўзлаб моддий ёки номоддий наф олиш мақ-

садида қонунга хилоф равишда фойдаланиши, шунингдек, бундай фойдани қонунга хилоф равишда тақдим этиши бўйича кўрсаткичлар юқориликча кўрсатмоқда.

Бундан ташқари, коррупциянинг энг оғир кўринишларидан ҳисобланган манфаатлар тўқнашуви, яъни шахсий (бевосита ёки билвосита) манфаатдорлик шахснинг мансаб ёки хизмат мажбуриятларини лозим даражада бажаришига таъсир кўрсатаётган ёхуд таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ҳамда шахсий манфаатдорлик билан фуқароларнинг, ташкилотларнинг, жамиятнинг ёки давлатнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ўртасида қарама-қаршилик юзага келадиган вазиятлар ҳам борки, мамлакатда коррупция ва унинг турли кўринишларига қарши курашиш бўйича амалий чора-тадбирларни янги босқичга олиб чиқишни талаб этади.

Шундан келиб чиққан ҳолда, давлатимиз раҳбари Олий Мажлисга йўлланган Мурожаатномасида коррупциянинг оқибатлари билан курашишдан кўра барвақт олдини олишга ўтиш кераклигини таъкидлаб, унга қарши курашишга масъул бўладиган алоҳида органни тузишни таклиф қилди.

Умуман олганда, мамлакатимизда бугунги кунда коррупция ва унинг бир кўриниши бўлган манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш бўйича самарали иш олиб бориш нафақат давлат органлари, балки

кенг жамоатчилик ва олимларнинг ҳам олдида турган асосий вазифаларидан биридир. Шу жиҳатдан, коррупция ва манфаатлар тўқнашувини илмий-назарий жиҳатдан таҳлил қилиш ва уларни бартараф этиш бўйича амалий таклифлар ишлаб чиқиш мазкур илмий мақоланинг мақсадини ҳам ташкил этади.

Қайд этиш керакки, давлат ва жамиятнинг турли соҳалари шиддат билан ривожланаётган бугунги шароитда коррупция ўзининг турли кўринишлари билан намоён бўлмоқда. Аксарият ҳолатларда коррупцияга пора олиш, пора бериш, шундай ҳаракатларда воситачилик қилиш, умуман олганда, пул ёки моддий қимматликлар билан боғлиқ ҳолда баҳо берилади. Бугунги кунда коррупциянинг электрон коррупция, непотизм, кронизм, манфаатлар тўқнашуви каби турли шакллари ҳам кўп учрамоқда.

Бу борада Н.Муродов ҳам тўғри таъкидлаганидек, бугунгача коррупция дейилганда, аҳолининг кўпчилик қисми Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг (210-моддаси) пора олиш, (211-моддаси) пора бериш, (212-моддаси) пора олиш-беришда воситачилик қилишни назарда тутувчи диспозицияларни тушунишарди. Ваҳоланки, шахснинг мансаб ёки хизмат мажбуриятларини лозим даражада бажаришига таъсир кўрсатаётган ёхуд таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ҳамда шахсий манфаатдорлик билан фуқароларнинг, ташкилотларнинг, жамиятнинг ёки давлатнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ўртасида қарама-қаршилик, гуруҳлар манфаатлари йўлидаги ҳаракатлар, ходимларни пора ва бошқа ҳақ эвазига оғдириш йўлидаги ҳаракатларга эътибор кам. Аслида эса мана шу қайд этилган кейинги ҳолатлар жамият учун олди-бердидан ҳам кўра анча хавфлироқдир [1].

Коррупциянинг турли кўринишлари, хусусан, манфаатлар тўқнашуви билан боғлиқ илмий ва ҳуқуқий таҳлиллардан олдин дастлаб, коррупция тушунчасига тўхталиш мақсадга мувофиқдир.

Коррупция атамасининг тарихан келиб чиқишига эътибор қаратадиган бўлсак, ушбу термин латинча “*corruptio*” сўзидан олинган бўлиб, пора эвазига оғдириб олиш, порага сотилиш, айниш каби маъноларни англатади.

Ўзбекистон юридик энциклопедиясида берилган таърифга кўра, коррупция (латинча “*corruptio*” – айниш, порага сотилиш) бу – сиёсат ёки давлат бошқаруви соҳасидаги ижтимоий хавфли ходиса, давлат функцияларини бажариш ваколатига эга бўлган (ёки уларга тенглаштирилган) шахсларнинг ноқонуний тарзда моддий ва бошқа бойликлар, имтиёзларни олишда ўз мақоми ва у билан боғлиқ имкониятлардан фойдаланиши, шунингдек бу бойлик ва имтиёзларни жисмоний ёки юридик шахслар қонунга хилоф равишда эгаллашига имкон беришидир [2].

“Юридик атамалар қомусий луғати”да коррупция тушунчасига “давлат функцияларини бажариш ваколатига эга бўлган (ёки уларга тенглаштирил-

ган) шахсларнинг ноқонуний тарзда моддий ва бошқа бойликлар, имтиёзларни олишда ўз мақоми ва у билан боғлиқ имкониятлардан фойдаланиши, шунингдек бу бойлик ва имтиёзларни жисмоний ёки юридик шахслар қонунга хилоф равишда эгаллашига имкон бериши”, деб таъриф берилган.

Юқоридаги фикрларга қўшилган ҳолда коррупция ҳолатига давлат хизматчиси ваколатларини сотиб олиниши-сотилиши билан тавсифланадиган, шунингдек шахсий манфаатларни кўзлаб хизмат ваколатларидан фойдаланишини ҳам тушуниш мумкин.

Коррупция атамасига ҳуқуқшунос олимларнинг берган таърифларига тўхталадиган бўлсак, бу борада таърифларнинг турличалигини кўриш мумкин.

Н.Кузнецова коррупция атамасига давлат аппарати ва нодавлат тузилмаларнинг ходимларини пора эвазига оғдиришдан иборат бўлган ижтимоий хавфли ходиса сифатида таъриф беради [3].

Г.Саттаров эса коррупцияни мансаб мавқеини фарз ниятда суиистеъмол қилиш, деб баҳолагани [4], К.Тожибоев коррупция жиноятининг келиб чиқиш асосига эътибор қаратиб, коррупция давлат бошқарувининг имкониятларидан фойдаланиш, уни ўз манфаатларига бўйсундирган ҳолда ташкил этиш натижасида вужудга келади [5], деб ҳисоблайди.

Илмий таҳлилни коррупциянинг бир кўриниши бўлган манфаатлар тўқнашуви билан боғлиқ фикрлар билан давом эттирадиган бўлсак, давлат фуқаролик хизматчилари коррупция билан боғлиқ ҳуқуқбузарликни пул муомаласи олди-бердиси билан эмас, манфаатлар тўқнашувининг асосий мазмунини ташкил этадиган бошқа ҳаракат ёки ҳаракатсизликлари орқали ҳам содир этишлари мумкинлигини айтиб ўтиш лозимдир. Давлат хизматчисига ишониб топширилган мулкни ортиқча сарфлаб юборилиши, мансаб лавозимидан фойдаланган ҳолда ўзи ёки бошқа танишлари учун имтиёзли йўлланмалар, хориж сафарлари, дам олиш ёки даволаниш имтиёзларига эга бўлиши, имтиёзли кредитлар олиши ва бошқа шу каби ҳолатлар айнан фикримизга мисол бўла олади.

Ҳуқуқшунос олим Б.Исмаилов манфаатлар тўқнашувини маиший коррупция сифатида баҳолаб, коррупциянинг турли кўринишлари ҳақида тўхталиб, мансабдор шахслар ва давлат хизматчиларининг кундалик иш фаолиятида, фуқаролар билан муносабатларида манфаатлар тўқнашуви – маиший коррупция кўп содир бўлишини айтиб ўтади. Ушбу фикрга тўлалигича қўшилган ҳолда ҳақиқатдан ҳам, пул олди-бердиси эмас, шахсий манфаатдорликда намоён бўладиган ўзга хатти-ҳаракатлар – манфаатлар тўқнашуви давлат хизматчисининг лавозим йўриқномаси билан унга бириктирилган ҳар бир вазифаларини бажаришида юзага келиши мумкинлигини таъкидлаш мумкин.

Бундан ташқари, Б.Исмаилов коррупциянинг ҳокимият вакилларининг тадбиркорлик субъект (бизнес-

мен)лари билан муносабатларида учрайдиган иш-билармонлик коррупцияси, демократик жамиятларда сиёсий ҳукмрон доиралар ҳамда одил судлов тизими фаолиятида кўзга ташланадиган олий ҳокимият органлари коррупцияси каби кўринишларини ҳам санаб ўтади [6].

Шунингдек, айрим олимлар коррупциянинг пора олиш, пора бериш ва хизмат мавқеини суистеъмол қилиш каби одатдаги шаклларида ташқари, манфаатлар тўқнашуви кўринишида намоён бўладиган қуйидаги вазиятларни фарқлаш кераклигини таъкидлайдилар:

мансабдор шахслар, давлат хизмати ходимлари, депутатларнинг тижорат фаолиятида шахсий ёки корпоратив наф кўриш учун бевосита иштирок этиши;

давлат пул маблағларини ўзлаштириш ниятида тижорат тузилмаларига ўтказиш учун ўз хизмат мавқеидан фойдаланиш;

ўз корпоратив (сиёсий, диний, миллий ва ш.к.) гуруҳига давлат ресурслари ҳисобидан имтиёзлар бериш;

шахсий ёки корпоратив наф кўриш мақсадида оммавий ахборот воситаларига тазйқ ўтказиш учун ўз хизмат мавқеидан фойдаланиш;

мансабдор шахслар ва давлат хизмати ходимлари шахсий бойиш мақсадида тижорат тузилмаларида сохта шахслардан ва қариндошларидан фойдаланиши;

шахсий ёки корпоратив наф кўриш мақсадида ахборотни манипуляция қилиш (бузиб кўрсатиш, бермаслик, бериш муддатларини чўзиш ва ш.к.) учун хизмат мавқеидан фойдаланиш;

муайян гуруҳ манфаатларида норматив ҳужжатлар қабул қилиш ҳақидаги қарорларни илгари суриш;

айрим номзодларнинг сайлов фондларига давлат молиявий ва моддий ресурсларини тақдим этиш [7].

Бундан ташқари, давлат фуқаролик хизматининг хусусиятларидан келиб чиқиб, манфаатлар тўқнашуви билан боғлиқ ҳолатлар давлат хизматчисининг инвестицион лойиҳаларда, танлов ва давлат харидларида, шунингдек турли фондларда иштирок этишида юзага келади.

Шу ўринда фикримизни коррупция ва манфаатлар тўқнашувини олдини олиш бўйича амалга оширилиши лозим бўлган чора-тадбирлар таҳлили билан давом эттирамиз. Юқорида манфаатлар тўқнашуви давлат хизматчисининг инвестицион лойиҳаларда, танлов ва давлат харидларида, турли фондларда иштирок этишида ҳам юзага келиши айтиб ўтилди. Бу борада давлат хизматчилари фаолиятида манфаатлар тўқнашувини юзага келишини олдини олишга қаратилган чеклов ва тақиқ институтларини қайта кўриб чиқиш, уларнинг ягона ва намунавий рўйхатини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқдир.

Бундан ташқари, коррупция ва унинг бир кўриниши бўлган манфаатлар тўқнашувини олдини олишда давлат фуқаролик хизматида шаффофлик механизmlарини жорий этиш долзарб масала. Хусусан, фуқароларга давлат хизмати фаолияти билан мунтазам танишиб бориши, давлат хизматчиларининг даромадини кузатиб бориши, давлат фуқаролик хизматида ишга қабул қилиш ва иш ҳақлари тўғрисида маълумотларга эга бўлиши, шахс ва жамият манфаатларига тегишли бўлган қарорлар билан танишиб бориши шаффофликни таъминлашда асосий меъзонлардир.

Бирлашган миллатлар ташкилотининг Коррупцияга қарши Конвенциясида ҳам давлат органларида хизматлар кўрсатиш жараёни ошқора ва шаффофлиги таъминланган бўлиши, шахсий ва ўзга шахслар манфаатларига асосланган совға ва меҳмондўстлик муносабатлари давлат хизматчисининг расмий ҳаракатлар ва қарорлар қабул қилишига таъсир кўрсатмаслиги зарурлиги белгиланган [8].

Шу билан биргаликда, айрим олимлар декларация тизими турли ижтимоий гуруҳларнинг манфаатлар тўқнашувини, яъни мансабдор шахс шахсий манфаатлари йўлида бевосита ёки билвосита жамият манфаатларига зид равишда ҳаракат ёки ҳаракатсизлигини олдиндан назорат қилиш учун аҳамиятга эгаллигини таъкидлайдилар.

Қайд этиш керакки, бугунги кун амалиётида манфаатлар тўқнашувини тартибга солиш, уни келиб чиқишини олдини олиш, умуман олганда, манфаатлар тўқнашуви вақтида ҳаракат қилиш тартиблари хусусий секторда яхши ривожланмоқда. Деярли ҳар бир хусусий корхоналар, жамиятлар ўз фаолиятидан келиб чиқиб, манфаатлар тўқнашувини тартибга солувчи махсус низомлар қабул қилган. Шу сабабли манфаатлар тўқнашувини олдини олишга қаратилган хусусий сектор соҳасининг айрим тажрибаларини давлат хизматида ҳам татбиқ этиш мумкин. Бу борада хусусий секторда фаолият юритувчи ҳар бир корхонанинг манфаатлар тўқнашувини олдини олиш ва тегишли вазиятларда қандай ҳаракат қилиш лозимлиги махсус низомлар билан тартибга солинганлигини, ҳақиқий манфаатлар тўқнашуви тўғрисидаги маълумотларни ошқор қилган ходимларни мукофотлашиш тартиби белгиланганлигини, шунингдек манфаатлар тўқнашуви тўғрисида хабар бериш тўғрисидаги шахсни таъқиб қилинишдан ҳимоялаш механизmlари яратилганлигини ижобий баҳолаш мумкин.

Шу ўринда, давлат фуқаролик хизматидаги, шунингдек ташкилотлар фаолиятидаги манфаатлар тўқнашуви, уларнинг юзага келиш сабаблари ҳамда уларни ҳал этиш тартибининг таҳлили натижасида қуйидаги **хулосаларни чиқариш мумкин:**

— коррупцияга қарши курашиш, манфаатлар тўқнашувини бартараф этиш ва ҳал этиш давлат ва маҳаллий ҳокимият органлари, фуқаролик жамияти институтлари ва фуқароларнинг энг муҳим вазифаларидан бири бўлган мураккаб ташкилий ва ҳуқуқий

масала ҳисобланади;

— мамлакатда манфаатлар тўқнашуви тушунчасига нисбатан тор ёндашув мавжуд бўлиб, асосий эътибор коррупция масаласига қаратилган;

— давлат фуқаролик хизматчилари томонидан хизматда ўзини тутиши, манфаатлар тўқнашувини бартараф этиш ва ҳал этишга оид белгиланган талабларга, шу жумладан тақиқ ва чекловларга амал қилиниши бўйича мониторинг тизими қониқарли даражада эмас.

Юқорида таҳлил қилинган қоидалар, илмий олимларнинг қарашлари, шунингдек бугунги кун амалиётидан келиб чиқиб, самарали давлат хизматини ташкил этиш, бу борада коррупция ва манфаатлар тўқнашувини бартараф этиш юзасидан қуйидаги таклиф ва тавсияларни билдириш ўринлидир:

Биринчидан, “Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида”ги Қонунни қабул қилиш ва унда манфаатлар тўқнашуви билан боғлиқ қоидаларни, хусусан, манфаатлар тўқнашуви тушунчаси ва унинг келиб чиқиш типик (намунавий) вазиятларини ҳамда уларни ҳал этишнинг намунавий йўллариини белгилаш, манфаатлар тўқнашувини олдини олиш мақсадида давлат хизматчилари учун ўрнатилган тақиқ ва чеклов чегаралари ва турларини аниқлаштириш. Бундай тажриба қатор хорижий мамлакатларда хусусан, Россия Федерацияси, Украина ва бошқа давлатлар қонунчилигида белгиланган бўлиб, коррупция ва манфаатлар тўқнашувини олдини олиш бўйича янги ҳуқуқий асосларни яратади;

Иккинчидан, Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида манфаатлар тўқнашувини жиноий-ҳуқуқий норма сифатида белгилаш. Бу нафақат манфаатлар тўқнашуви тушунчасининг юридик табиатини очиқ беради, балки нормада санкциянинг назарда тутилиши коррупция ва унинг турли кўринишлари

кўпайишининг олдини олади;

Учинчидан, хусусий сектор тажрибасидан келиб чиқиб, манфаатлар тўқнашуви вақтида ҳаракат қилиш тартиби тўғрисидаги низомларни ишлаб чиқиш ва давлат хизмати тизимига ҳам татбиқ этиш. Низомда давлат ташкилотларининг фаолият хусусиятларидан келиб чиқиб, коррупция ва манфаатлар тўқнашуви келиб чиқадиган вазиятлар ва улар юз берганда давлат хизматчиси қандай ҳаракатланиши бўйича тартибларни белгилаш мақсадга мувофиқ.

Тўртинчидан, фаолиятни электронлаштириш, соҳага рақамли технологияларни кенг жорий этиш, давлат хизматчиларини ишга қабул қилишни танлов асосида ўтказиш ва жараёни онлайн трансляциясини амалга ошириш, давлат хизматлари марказлари орқали кўрсатиладиган давлат хизматлари сонини кўпайтириш. Бу давлат фуқаролик хизмати муносабатларида инсон омилини камайтириш орқали коррупция ва манфаатлар тўқнашувини бартараф қилишга имкон беради;

Бешинчидан, давлат фуқаролик хизматчилари фаолиятининг очиқ ва шаффофлигини таъминлаш. Бунда,

1) Жамоатчилик назоратини ошириш, фуқароларнинг давлат хизматчилари билан муносабатларида кўрсатиладиган давлат хизматларининг хусусиятидан келиб чиқиб, мобил қурилмалардан тўлиқ фойдаланишлари, аудио-видео ёзувларини амалга оширишларига имконият яратиш;

2) Ташкил этилиши таклиф этилаётган Жамоатчилик палатасининг асосий фаолият йўналишларидан бири сифатида коррупция ва манфаатлар тўқнашувини олдини олиш вазифаларини белгилаш, давлат органларининг фаолиятларини кенг жамоатчилик фикрлари асосида таҳлил қилиш ва уларга баҳо бериш амалиётини йўлга қўйиш лозим.



1. Н.Муродов. Коррупцияга доир тўққиз асосий масала. -Т.: Ўзбекистон ахборот агентлиги. 2019. - 2 б.
2. Ўзбекистон юридик энциклопедияси. - Т.: Адолат. 2009. -Б. 64.
3. Н.Ф.Кузнецова. Криминология - М.: МГУ, 1994. - С. 58.
4. Г.А.Сатаров. Россия и коррупция: кто кого? Российская газета. 1998. С. 2
5. К.Тожибоев. Мансаб мавқеини суиистеъмол қилиш йўли билан ўзгалар мулкни талон-торож қилганлик учун жавобгарлик. – Т.: ТДЮИ, 2004. - Б. 13.
6. Б.И.Исмаилов, Б.И.Исмаилов. Хорижий давлатларда мансабдор шахслар активларини декларация қилиш. -Т.: Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратура Академияси. 2019. -10 б.
7. Основы борьбы с организованной преступностью/Под ред. В.С.Овчинского и др. 2-ое изд. перераб. – С 116.: ИНФРА-М, 2003. - С. 190-191.
8. Техническое руководство по осуществлению Конвенции ООН против коррупции, Нью-Йорк, 2010 год, с. 30.

Абдурахманов Улугбек Баходурович,
начальник отдела Академии
Генеральной прокуратуры

ПОНЯТИЕ ПРИНУДИТЕЛЬНОГО ТРУДА: МЕЖДУНАРОДНЫЕ СТАНДАРТЫ И ЗАКОНОДАТЕЛЬСТВО РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

◆ Статья посвящена понятию «принудительный труд», его выражению в международных правовых актах и национальном законодательстве, а также в ней проанализировано соответствие национального законодательства международным стандартам.

◆ Мақола «мажбурий меҳнат» тушунчаси, унинг халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар ва миллий қонунчиликда ифода этилишига бағишланган бўлиб, бу борада миллий қонунчиликнинг халқаро стандартларга мувофиқлиги таҳлил қилинган.

◆ The article is devoted to the concept of «forced labor», it's expression in international legal acts and national legislation, and it analyzes the compliance of national legislation with international standards.

Калит сўзлар: мажбурий меҳнат, мажбурий меҳнатни тақиқлаш, халқаро стандартлар, конвенция, меҳнатга оид миллий қонунчилик, халқаро стандартлар ва миллий қонунчиликнинг ўзаро нисбати.

Ключевые слова: принудительный труд, запрещение принудительного труда, международные стандарты, конвенция, национальное законодательство о труде, соотношение норм международных стандартов и национального законодательства.

Key words: forced labor, prohibition of forced labor, international standards, convention, national labor law, correlation of international standards and national law.

На сегодняшний день принудительный труд в различных своих формах и проявлениях можно обнаружить во всех странах, как в развивающихся, так и промышленно развитых.

Проблема принудительного труда весьма актуальна и для Узбекистана в связи с безработицей, внутренней и внешней трудовой миграцией и скрытыми трудовыми правоотношениями.

Однако, несмотря на широкое распространение данного явления, до сих пор в законодательстве различных государств отсутствует единый подход к определению понятия принудительного труда, в основном используются разные терминологии для его обозначения.

Ученый В.В.Жернаков исследуя сущность принудительного труда через такие категории, как «необходимый труд» и «принуждение к труду» указал, что в самом широком (социально-философском) понимании принудительный труд может отождествляться с понятием «необходимый труд». Необходимый или вынужденный труд — это труд, мотивы которого, находясь снаружи по отношению к «его» человека, с необходимостью и закономерностью подводят его к выполнению работы. Его принудительный характер не зависит от степени легкости, с которой субъект откликается на внешние обстоятельства и выполняет работу.

Объединяет необходимый и принудительный труд внешнее воздействие — обстоятельства психологического, экономического, правового и иного подобного характера, приводящие к деятельности в форме труда. Но принудительный труд отличается от необходимого по следующим признакам:

1) в необходимом труде нет «автора» принуждения — ими являются объективные обстоятельства, тогда как в принудительном труде существует субъект принуждения — лицо или орган, в компетенцию которого входит организация труда;

2) в необходимом труде нет такого элемента механизма его обеспечения, как санкции. Он осуществляется благодаря осознанию необходимости или полезности труда; принудительный же труд сопровождается механизмом принуждения, который является его обязательным элементом и характеризуется наличием юридической связи между «полномочным» и «обязанным» субъектами;

3) необходимый труд имеет утилитарный характер — человек получает пользу, он необходим для самого субъекта. Принудительный же труд не всегда носит такой характер и преимущественно используется в интересах государства, общества, работодателя. Он является необходимым не для трудящегося, а для остальных субъектов;

4) необходимый труд характеризуется значительной степенью совпадения внешних и внутренних факторов, приводящих к его выполнению, тогда как в принудительном труде их фактически нет.

Правовая характеристика принудительного труда заключается в том, что им является работа, выполняемая не по добровольно принятому обязательству, а под влиянием возможности применения наказания. Требовать выполнения принудительного труда может только полномочный субъект, то есть тот, кто наделен правом применения мер уголовно-правового, дисциплинарного, имущественного или иного подобного характера по отношению к принуждаемому.¹

Как отмечается в Глобальном докладе МОТ «Глобальный альянс против принудительного труда», «...в том, что касается реальных знаний и осознания проблем современного принудительного труда, мы, как представляется, по-прежнему видим лишь верхушку этого устрашающего айсберга... Принудительный труд в той или иной форме применяется на всех континентах, практически во всех странах, независимо от формы их экономики. ... принуждение и насилие приобретают все новые формы... при этом во всех странах мира, как представляется, две проблемы носят почти всеобщий характер. Во-первых, за немногими исключениями, принудительный труд не имеет четкого определения, что затрудняет задачу правоохранительных органов по выявлению соответствующих случаев и наказанию преступников. Во-вторых, и в силу этого, пример какой бы страны вы ни взяли, весьма немногочисленны случаи наказания лиц, прибегающих к принудительному труду. Таким образом, укореняется этот порочный круг: отсутствие четкого законодательства, ограниченность ресурсов для проведения судебных расследований или полное отсутствие таковых, недостаточное осознание проблем и ограниченность просветительской деятельности, а поэтому и отсутствие стремления добиться принятия четкого законодательства и т.д.»²

В связи с глобальным пониманием проблем принудительного труда и возрастающим значением необходимых мер по предупреждению этого негативного явления мировое сообщество осознает необходимость выработки единых подходов к определению понятия принудительного труда.

С этой точки зрения предлагаем проанализировать понятие принудительного труда в трудовом законодательстве Республики Узбекистан через призму норм общепризнанных международных правовых актов, приоритет которых над национальным законодательством признан Конституцией Республики Узбекистан и в которых затронуты вопросы труда, свободы труда и запрещения принудительного труда.

Так, во Всеобщей декларации прав человека право на труд провозглашено как важнейшее право человека.

Согласно части 1 статьи 23 Декларации каждый человек имеет право на труд, на свободный выбор работы, на справедливые и благоприятные условия труда и на защиту от безработицы.³ Впоследствии в более расширенном виде оно было изложено в Международном пакте «Об экономических, социальных и культурных правах» (1966 г.). В данном пакте право на труд понимается как право каждого человека на получение возможности зарабатывать себе на жизнь трудом, который он свободно выбирает или на который он свободно соглашается.⁴

Считается необходимым подчеркнуть, что в указанных выше международных правовых актах подчеркивается, что право на труд несовместимо с принудительным трудом, однако наиболее полно и конкретно нормы, касающиеся принудительного труда впервые закреплены в документах Международной организации труда (далее — МОТ).

На сегодняшний день Узбекистан ратифицировал 17 конвенций МОТ и один протокол, в частности две основополагающих Конвенция МОТ №29 «О принудительном или обязательном труде» 1930 года⁵ (далее — Конвенция МОТ №29) и Конвенция МОТ №105 «Об упразднении принудительного труда» 1957 года⁶ (далее — Конвенция МОТ № 109), а также Протокол 2014 года к Конвенции №29.⁷

Первым огромным успехом в области установления единообразия в вопросе содержания понятия принудительный труд является Конвенция МОТ №29, закрепившая рамочное определение понятия принудительного или обязательного труда. Небезынтересно, что, по данным официального сайта МОТ, по состоянию на 14 марта 2020 года данную Конвенцию ратифицировало 178 государств.⁸

Так, согласно статье 2 Конвенции МОТ №29 под принудительным или обязательным трудом понимается всякая работа или служба, требуемая от какого-либо лица под угрозой какого-либо наказания, для которой это лицо не предложило добровольно своих услуг.

При этом данное понятие «принудительный труд» не включает в себя:

- всякую работу или службу, требуемую в силу законов об обязательной военной службе и применяемую для работ чисто военного характера;
- всякую работу или службу, являющуюся частью обычных гражданских обязанностей;
- всякую работу или службу по приговору суда при условии, что она будет производиться под надзором и контролем государственных властей и что указанное лицо не будет передано в рас-

поряжение частных лиц или компаний;

— работу или службу в условиях чрезвычайных обстоятельств, ставящих под угрозу жизнь или нормальные жизненные условия всего или части населения;

— мелкие работы общинного характера при условии, что население или его представители имеют право высказывать свое мнение относительно целесообразности этих работ.

Безусловно, Конвенция МОТ №29, сформулировав понятие принудительного труда, его основные признаки и исключения, когда обязательное привлечение к труду принудительным трудом не является, дала прочную основу развитию внутреннего законодательства государств-участников в сфере запрета принудительного труда.

Между тем Конвенция МОТ №29 не дает самостоятельных определений «принудительный труд» и «обязательный труд», рассматривая их как составляющие части одного понятия. В этой связи буквальное толкование этих терминов позволяет сделать вывод об их синонимичности в рамках указанной Конвенции.

Интерес по данному вопросу вызывает мнение О.И.Новиковой, которая считает, что такой подход объединения терминов можно рассматривать как недостаток юридической техники Конвенции МОТ №29, поскольку понятие «обязательный труд» вряд ли следует считать идентичным понятию «принудительный труд».

Если перевести термины «forced labour» и «compulsory labour», используемые в оригинальном тексте Конвенции МОТ № 29, с английского языка на русский, то их дословный перевод будет «принудительный труд». Прилагательное «compulsory» только в третьем значении переводится как «обязательный». Таким образом, именно языковые различия, по мнению О.И.Новиковой, явились причиной того, что понятия «принудительный труд» и «обязательный труд» стали ошибочно выделяться.

Однако в последующем, разделяя позицию С.П.Маврина о синонимичности данных терминов, О.И.Новикова соглашается с мнением В.В.Федина, что в рамках трудового права разграничение понятий «принудительный труд» и «обязательный труд» будет непоследовательным, поскольку в большинстве международных правовых актов в сфере труда эти термины используются как тождественные⁹.

Несколько иного мнения относительно этих понятий придерживается М.В.Швецова, которая разграничивая их, предлагает внести изменения в статью 4 ТК РФ, дополнив ее понятием обязательного труда, а именно «обязательный труд — выполнение работы, не являющейся юридической обязанностью, для которой работник не предлагал и не предлагает добровольно использовать

свою способность к труду»¹⁰ Швецова М.В. О правовом регулировании принудительного и обязательного труда.

Анализируя мнения ученых, считаем, что утверждение С.П.Маврина и В.В.Федина о синонимичности понятий «принудительный труд» и «обязательный труд» вполне обоснованы и что в рамках трудового права их разграничение будет не последовательным.

Если Конвенция МОТ №29 призвана обеспечить свободу труда применительно к трудовым отношениям, то Конвенция МОТ №105, по мнению С.А.Иванова, выходит за рамки трудовых отношений и имеет общедемократический характер; в этой Конвенции понятие принудительного труда более объемно и конкретно.¹¹

Согласно статье 1 Конвенции МОТ №105, государства, ее ратифицировавшие, обязуются упразднить принудительный или обязательный труд и не прибегать к какой-либо его форме в качестве:

— средства политического воздействия или воспитания или в качестве меры наказания за наличие или за выражение взглядов или идеологических убеждений, противоположных установленной политической, социальной или экономической системе;

— метода мобилизации и использования рабочей силы для нужд экономического развития;

— средства поддержания трудовой дисциплины;

— средства наказания за участие в забастовках;

— меры дискриминации по признакам расовой, социальной или национальной принадлежности.

Таким образом, Конвенция МОТ №105, в отличие от Конвенции МОТ №29, устанавливает абсолютный запрет принудительного труда.

После обретения независимости нормы о запрещении принудительного труда были отражены в старой редакции Закона Республики Узбекистан «О занятости населения» (1992 г.), в статье 2 которого предусматривался запрет за административное принуждение к труду в какой-либо форме, за исключением случаев, установленных законодательством Республики Узбекистан.¹²

Далее нормы касательно запрещения принудительного труда получили отражение в Конституции Республики Узбекистан, в статье 37 которой предусмотрено, что каждый имеет право на труд, на свободный выбор работы, на справедливые условия труда и на защиту от безработицы в порядке, установленном законом.

Запрещается принудительный труд иначе как в порядке исполнения наказания по приговору суда, либо в других случаях, предусмотренных законом.¹³

Необходимо отметить, что Конституция Республики Узбекистан в отличие от Закона Республики Узбекистан «О занятости населения» допускает, что именно законом могут быть установлены иные виды работ, которые не считаются принудительными.

Однако, впервые определение понятия «принудительный труд» было закреплено в Трудовом кодексе Республики Узбекистан, согласно статье 7 которого принудительный труд, т. е. принуждение к выполнению работы под угрозой применения какого-либо наказания (в том числе в качестве средства поддержания трудовой дисциплины) запрещается.

Не считается принудительным трудом работа, выполнение которой требуется:

- на основании законодательных актов о военной или альтернативной службе;
- в условиях чрезвычайного положения;
- вследствие вступившего в законную силу приговора суда;
- в других случаях, предусмотренных законом.

Рассмотрев основные международные правовые акты по вопросу запрещения принудительного труда, можно сделать вывод, что определение принудительного труда, изложенное в статье 7 Трудового кодекса Республики Узбекистан, не соответствует в полной мере. При внимательном прочтении данной статьи обращают на себя внимание неполнота формулировки самого понятия «принудительный труд» по сравнению с определением, содержащимся в Конвенции МОТ №29. Так, указанная Конвенция дает определение принудительного или обязательного труда через два взаимосвязанных элемента:

- работа под угрозой какого-либо наказания и
- для которой лицо не предложило добровольно своих услуг.

В определении, указанном в статье 7 ТК Республики Узбекистан, принудительный труд определяется только через первый признак: принудительным трудом является принуждение к выполнению работы под угрозой применения какого-либо наказания (в том числе в качестве средства поддержания трудовой дисциплины), тогда как вторая составляющая, а именно добровольность выполнения работы отсутствует.

Впервые в Узбекистане вопросы соответствия национального законодательства международным стандартам о запрещении принудительного труда комплексно изучены М.Ю.Гасановым. Так, в составленном им обзоре законодательства в данной сфере, подробно описаны и обоснованы несоответствия норм национального законодательства международным правовым актам.

Так, Трудовой кодекс Республики Узбекистан выйдя за рамки, обозначенные международно-правовыми документами, предусмотрел, что при-

нудительный труд допускается и в других предусмотренных законом случаях, в то время как в Международном пакте о гражданских и политических правах и Конвенции МОТ №29 закреплён исчерпывающий перечень исключительных случаев, когда возложение на человека обязанности выполнить определенную работу не считается принудительным трудом.¹⁴

Очередное несоответствие, с учетом мнений ученых Н.Л.Лютова и Е.С.Герасимовой¹⁵ выражается в том, что согласно п.а статьи 2 Конвенции МОТ №29 термин «принудительный или обязательный труд» для целей этой Конвенции не включает в себя, в частности, любую работу или службу, требуемую в силу законов об обязательной воинской службе и применяемую для работ чисто военного характера. В соответствии же с частью второй статьи 7 ТК не считается принудительным трудом работа, выполнение которой требуется на основании законодательных актов о военной или альтернативной службе. Таким образом, в Трудовом кодексе не учтено требование Конвенции МОТ №29 о том, что принудительным трудом не считается выполнение не любых работ, а только работа чисто военного характера.

Разделяя в этом позицию М.Ю.Гасанова, предлагаем закрепить данное положение в трудовом законодательстве.

Разнообразное применение в национальном законодательстве терминологии «принудительный труд» приводит к значительным затруднениям и в правоприменительной практике.

Отсутствие четкого определения понятия принудительного труда и критериев его выявления является основным аргументом, препятствующим привлечению виновных лиц к ответственности.

Так, если в Конституции Республики Узбекистан, Трудовом кодексе и Законе «О занятости населения» вполне обоснованно применяется термин «запрещение принудительного труда», то в статье 51 Кодекса Республики Узбекистан об административной ответственности и статье 148² Уголовного кодекса Республики Узбекистан предусматривается ответственность за «административное принуждение к труду».

По нашему мнению, второй из приведенных выше терминов не охватывает всех аспектов принудительного труда. Под административным принуждением понимается применение к гражданину принудительных мер государственными органами или их должностными лицами. В отличие от этого термин «принудительный труд» охватывает и те случаи, когда принуждение человека к труду имело место в частной организации или явилось результатом неправомерных действий другого физического лица.

Подводя итог сравнительно-правовому анализу

понятия принудительного труда, следует признать отсутствие в национальном законодательстве четкого определения понятия «принудительный труд», которое соответствовало бы международным конвенциям и позволяло бы идентифицировать данное явление в реальной жизни.

Итак, с учетом мирового опыта в определении понятия принудительного труда, а также необходимости приведения национального законодательства в соответствие с международными стандартами, принимая во внимание мнения ученого М.Ю.Гасанова предлагается:

— дать широкое определение понятия «угроза применения какого-либо наказания» как угрозы применения к физическому лицу любых мер материального, физического либо психического воздействия, вынуждающих данное лицо осуществлять трудовую деятельность при отсутствии его добровольного согласия;

— для обеспечения соответствия статьи 7 Трудового кодекса п.п.«а» п.2 статьи 2 Конвенции МОТ №29, абзац второй части второй статьи 7 Трудового кодекса изложить в следующей редакции: «на основании законодательных актов о во-

енной службе для выполнения работ чисто военного характера или законодательных актов об альтернативной службе»;

— учитывая, что, ратифицированные Республикой Узбекистан международные договоры закрепляют исчерпывающий перечень исключений из правила о запрещении принудительного труда, исключить из статьи 7 Трудового кодекса последний абзац части второй, предусматривающий возможность привлечения человека к труду «в других случаях, предусмотренных законом»;

— обеспечить в национальном законодательстве единообразное применение терминов. Учитывая, что термин «административное принуждение к труду» не охватывает всех аспектов принудительного труда, внести изменения в Кодекс Республики Узбекистан об административной ответственности и Уголовный кодекс, исключив из наименования и содержания соответствующих статей слово «административное». Внесение данной поправки позволит четко определить, что любое деликтоспособное лицо, виновное в использовании принудительного труда, несет за это ответственность.



¹ Гражданский процесс зарубежных стран: учеб. Пособие/ под ред. Д-ра юрид. Наук А.Г. Давтян. – М.: ТК Велби, Изд-во Проспект, 2008. 221-бет.

² Ўша манба, 293-бет.

³ [Http://www.consultant.ru/document/cons_doc.](http://www.consultant.ru/document/cons_doc)

⁴ [Http://www.pravoved.in.ua/section-kodeks/98/](http://www.pravoved.in.ua/section-kodeks/98/)

⁵ Гражданский процесс зарубежных стран: учеб. Пособие/ под ред. Д-ра юрид. Наук А.Г. Давтян. – М.: ТК Велби, Изд-во Проспект, 2008. 131-бет.

⁶ Фуқаролик процесси: ўқув қўлланма/ М.М. Мамасиддиқов. – Тошкент: Baktria press, 2014. 140-бет.

⁷ Гражданский процесс зарубежных стран: учеб. Пособие/ под ред. Д-ра юрид. Наук А.Г. Давтян. – М.: ТК Велби, Изд-во Проспект, 2008. 221-бет.

⁸ Гражданское процессуальное право России. Под ред. П.В. Алексия и Н.Д.Амаглобели. – М.: Закон и право, 2005. 178-бет.

⁹ Фокина М.А. Свидетельские показания в состязательном гражданском судопроизводстве. – Саратов, 1996. — С. 60.

¹⁰ Гражданский процесс в вопросах и ответах: учебное пособие/ под общ. ред. Л.В. Тумановой. -М.: Проспект, 2015. 100-бет.

¹¹ [Http://www.consultant.ru/document/cons_doc.](http://www.consultant.ru/document/cons_doc)

¹² [Http://www.pravoved.in.ua/section-kodeks/98/](http://www.pravoved.in.ua/section-kodeks/98/)

Турдиев Бобир Собирович,
Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси
Академияси катта ўқитувчиси

ЖИНОЯТ ИШЛАРИНИ ҲАМКОРЛИК ВА КЕЛИШУВ ТАРТИБИДА ҲАЛ ЭТИШНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ

- ◆ Мақолада жиноят ишларини суддан ташқари тартибда ҳал этиш механизмлари ҳамда унинг назарий-ҳуқуқий асослари таҳлил қилинган.
- ◆ В статье проанализированы механизмы разрешения уголовных дел внесудебном порядке и его теоретико-правовые основы.
- ◆ The article analyzes mechanisms of non-trial resolution of criminal cases and their theoretical-legal basis.

Калит сўзлар: суддан ташқари тартибда ҳал этиш, ҳамкорлик институти, келишув битими, ҳуқуқбузарлик тўғрисида ихтиёрий арз қилиш.

Ключевые слова: разрешение во внесудебном порядке, институт сотрудничества, соглашение о сотрудничестве, добровольное сообщение о правонарушении.

Key words: non-trial resolution, institute of cooperation, cooperation agreement, voluntary disclosure.

Бугунги глобаллашув шароитида бир қатор ривожланган хорижий давлатларда жиноят процессида янги институтлар шаклланаётганлиги, бир давлатдаги мазкур институтлар бошқа давлатда жорий этилишига туртки бўлаётганлиги, уларнинг тобора оммалашиб бораётганлигини кўриш мумкин. Шундай институтлардан бири жиноят процессида ҳамкорлик (келишув) ёки жиноий ишларни суддан ташқари тартибда ҳал этиш институти ҳисобланади.

Мазкур институт хорижий олимлар ва тадқиқотчилар ўртасида тобора кенг муҳокама этилаётганлиги ва унинг турли жабҳалари тадқиқ этилаётганлигини кўриш мумкин.

Мамлакатимизда ҳам Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 майдаги ПҚ-3723-сон Қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигини такомиллаштириш концепциясида жиноят процессининг янги шакл ва тартиб-таомилларини жорий этиш, шу жумладан судга қадар ва суд босқичида соддалаштирилган иш юритиш тартиб-тамомилларини янада ривожлантириш бўйича бир қатор вазифалар қўйилган.

Миллий қонунчилигимизда фуқаролик ва иқтисодий суд ишларини юритишда¹ келишув бити-

ми ёки медиатив келишув² ёхуд келишмовчиликларни кўриб чиқиш натижалари бўйича тавсиявий тусдаги ҳулоса чиқарувчи солиқ низоларини судгача ҳал қилиш кенгаши³ каби институтлар назарда тутилган.

Жиноят ишини юритишда шахснинг ўз қилмишига амалда пушаймон бўлганлиги, жиноятни фош қилишда ҳамкорлик қилганлиги ҳамда ярашилганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан ёки жазодан озод қилиш назарда тутилган. Бироқ, Жиноят кодексида мазкур институтларни қўллаш билан боғлиқ аниқ механизмлар белгиланмаган, жиноят ишларини юритишда шахс ҳамкорлик қилганда жиноий жавобгарликдан ёки жазодан озод этиш институтлари етарли даражада ривожланмаган. Айни пайтда, юридик шахсларнинг жиноий жавобгарлиги белгиланмаган, улар билан боғлиқ жиноят ишларини кўриб чиқишда келишув институти мавжуд эмас.

Аксинча, хорижий давлатларда жиноят ишлари бўйича айбини бўйнига олиш, ҳамкорлик ва келишув институтларининг тобора такомиллашиб бораётганлиги, уларнинг турлича кўринишлари ва шакллари мавжудлигини кўриш мумкин.

Жиноят ишларини тарафлар (айбланувчи ва айблов тарафи) ўртасида ишни келишув битими

ёки ҳамкорлик битими тузиш орқали ҳал этиш ҳамкорлик институти айрим манбаларда баҳслашмаслик бўйича келишув⁴ (*"negotiated non-contention"*), корпоратив итоаткорлик дастури (*"corporate leniency program"*)⁵ ва бошқа аталар билан ҳам аталади. Мазкур келишувлар ҳар иккала тараф учун ўзаро манфаатли бўлиб, аксар масалалар томонлар келишуви (музокаралари)га мувофиқ ҳал қилинади.

Халқаро адвокатлар уюшмаси томонидан хорижий тусдаги коррупция жиноятларини кўриб чиқиш бўйича 66 та давлат амалиёти ўрганилганда, уларнинг 57 тасида коррупцион ишларни ҳал этиш бўйича маълум бир шаклдаги ҳамкорлик ёки келишув институти мавжудлиги аниқланган⁶.

Ҳамкорлик битими институти айбини бўйнига олишдан фарқ қилиб асосий мақсад айбини бўйнига олиш эмас балки ҳамкорлик қилувчи шахс маълумотлари асосида бошқа айбдор шахсларни, шу жумладан юқори мартабали ёки жиноий гуруҳ (уюшма) раҳбарларини қўлга олиш, далилларни қўлга киритиш, жиноий активларни қайтариш ҳисобланади⁷.

Мазкур йўналишда олиб борилаётган излашлар корпоратив жиноятларни, шу жумладан коррупция ва бошқа иқтисодий жиноятларни аънавий тартибда жиноий таъқиб этиш ўрнига келишув орқали ҳал этишга афзаллик берилаётганлиги ва улар ўрин алмашинаётганлиги, жиноятчиликни назорат қилишда корпоратив жиноятларни музокаралар орқали тартибга солиш тенденцияси ошаётганлиги қайд этилган. Бунда ишонтириш ва ҳамкорлик стратегияларидан фойдаланилиши қайд этилган⁸.

Ҳамкорлик (келишув) институтининг бир неча шакллари ва турлари мавжуд бўлиб, уларнинг турли давлатларда турлича аталишини кўриш мумкин. Хусусан, келишув (ҳамкорлик) битими (*"cooperation agreements"*) ёки ишни суддан ташқари тартибда ҳал этиш (*"non-trial resolution"*) институтининг АҚШда *"Deferred Prosecution Agreements"* ва *"Non-Prosecution Agreements"*, Буюк Британияда *"Deferred Prosecution Agreements"* ва *"civil recovery orders"*, Италияда *"patteggiamento"* (келишув, музокара), Нидерландияда *"transactie"* (битим), Канада *"Remediation Agreements"* ёки *"Accord de réparation"*, Францияда *"Convention judiciaire d'intérêt public"* (*"CJIP"*), Россияда *"судгача ҳамкорлик тўғрисидаги битим"* ва Қозоғистонда *"ҳамкорлик тўғрисидаги битим"* каби шакллари мавжуд.

Келишув битими прокурор ва корпорация ўртасида тузилган суд томонидан тасдиқланган расмий ва ихтиёрий келишув бўлиб, унга кўра айрим шартлар эвазига жиноят иши тўхта-

тиб турилади ёки кейинга қолдирилади. Келишув битимининг эҳтимолий шартлари сифатида молиявий жарима, жабрланувчиларга компенсация тўлаш, хайрия фондларига хайрия қилиш, ноқонуний олинган даромадларни қайтариш, ички назорат (комплаенс) тизимини йўлга қўйиш, тергов/суриштирув жараёнида ҳамкорлик қилиш, тергов-суриштирув харажатларини қоплаб бериш, айрим фаолият турлари билан шуғулланишни тақиқлаш, молиявий ҳисобот тақдим этиш мажбурияти ва компаниянинг қонунийликка риоя этилишининг (комплаенс) мониторингини амалга оширишни ўз ичига олиши мумкин⁹.

Келишув битимининг *"Deferred Prosecution Agreements"* шакли якуний айблов ҳисобланмайди, у фақат маълум бир шартлар асосида жиноий таъқиб қилишни тўхтатиб туришни англатади¹⁰.

Юқоридагидан фарқли равишда *"Non-Prosecution Agreements"* шаклидаги битим тузилганда жиноий айблов билан судга мурожаат қилиш ёки келишувни суд тартибда тасдиқлаш талаб этилмайди, юридик шахс шартнома шартларига амал қилса жиноят иши батамом тугатилади ва судга айблов тақдим этилмаслигини назарда тутати¹¹.

Келишув институтининг кенг жорий этилишига АҚШда *Arthur Andersen* аудиторлик компаниясининг жиноий жавобгарликка тортилиши натижасида компаниянинг бутунлай қулаши ва 28000 нафар ишчи-хизматчиларнинг ўз ишидан айрилишига олиб келган ҳолат " *Arthur Andersen эффекти*"¹² туртки бўлган.

Мазкур ҳодиса АҚШ Адлия департаментининг корпоратив жиноятларни кўриб чиқиш бўйича сиёсатини қайтадан кўриб чиқиш, юридик шахсларни жавобгарликка тортишнинг оқибатлари жисмоний шахсларниқидан фарқ қилиши, юридик шахсларни жавобгарликка тортишда жисмоний шахсларга нисбатан бошқача ёндашиш лозимлигидан келиб чиқиб, янги механизмларни ишлаб чиқиш зарурати натижасида корпоратив жиноятларни ҳал этишда келишув институти қўлланила бошланган¹³.

Келишув институт бўйича олиб борилган тадқиқотларда юридик шахсларни жавобгарликка тортиш механизми заифлиги сабабли келишув институти зарурлиги¹⁴, корпоратив жиноятларга қарши курашишда келишув битимидан самарали қурол сифатида фойдаланишни қўллаб-қувватлаш¹⁵ лозимлиги, умуман олганда келишув барча учун манфаатли эканлиги¹⁶ қайд этиб ўтилган.

Бошқа бир тадқиқотда корпорацияларнинг ҳаддан ташқари катталашиб бориши сабабли уларни жиноий жавобгарликка тортиш мурак-

каблиги ва иқтисодий жиҳатдан қўлланиладиган жазо чораларининг салбий оқибатлари кўлами катталиги эҳтимоли прокуратура идораларини келишув институти механизмларидан фойдаланишга олиб келганлиги қайд этилган¹⁷.

Шу каби, коррупцион жиноятларни аниқлаш ва фош этиш бўйича тадқиқотларда бундай қилмишларни кўриб чиқиш муҳити ўзгараётганлиги, асосий ўринда жазоловчи сифатида турувчи ягона шахс — давлат ўрнига, давлат ва хусусий ҳамкорлик ҳамда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга қаратилган модел кенг оммалашаётганлиги ва бу модел халқаро стандартлардан бирига айланаётганлиги қайд этилган¹⁸.

Буни келишув институти жорий этиш бўйича Сингапур¹⁹, Ҳиндистон²⁰, Индонезия²¹ ва бошқа давлатларда олиб борилган бир қатор тадқиқотлар мисолида ёхуд сўнгги 5 йилда бир қатор давлатларда — Буюк Британия (2013 йил), Бразилия (2014 йил), Испания (2015 йил), Франция (2016 йил), Аргентина, Сингапур ва Японияда (2018 йил) ҳамкорлик битими институти жорий этилганлиги²² мисолида ҳам кўриш мумкин.

Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилотининг (ИХТТ) тадқиқотида АҚШдаги катта корпорацияларнинг томонлар келишуви орқали айбини бўйнига олиши ва ҳамкорлик қилиши мисолида келишув институтининг бир қатор афзалликлари келтириб ўтилган. Жумладан, ошқоралик, мутаносиблик, аниқлик, мақсадга мувофиқлик, тугалланганлик ва ҳамкорлик унинг афзалликлари²³ сифатида келтириб ўтилган.

ИХТТнинг 2014 йилдаги ҳисоботларига кўра Коррупцияга қарши конвенция кучга киргандан буён муваффақиятли ҳал этилган ишларнинг 69 фоизи келишув орқали ҳал этилган. Агар хорижий элемент аралашган коррупция ҳолатларини тергов-суриштирув ишлари катта ресурс ва бошқа давлатлардан ҳуқуқий ёрдам сўрашни талаб этиши инobatга олинadиган бўлса, келишув битимлари орқали айбдор тарафнинг ўзи ҳамкорлик қилиши ва барча далилларни топишга кўмаклашиши²⁴ жиноят ишлари бўйича иш юришида ресурсларни тежаш имконини беради.

Айрим тадқиқотчилар томонидан жиноят ишлари бўйича келишув институтига танқидий ёки салбий ёндашиш ва баҳо бериш ҳолатлари ҳам мавжуд.

Хусусан, юридик шахсларни жиноий таъқиб қилгандан кўра улар билан келишувга эришиш афзаллигини қайд этган ҳолда, жиноят учун жавобгарлик муқаррарлиги, ижтимоий холислик ва адолат тамойилларини таъминлаш учун бундай қилмишларни келишув битимлари орқали ҳал этишдан кўра жиноят ишини умумбелгиланган тартибда ҳал этиш афзаллиги, акс ҳолда қону-

нийлик тамойилидан чекиниш юз бериши²⁵ таъкидланган.

Айни бир хил жиноятлар бўйича катта корпорациялар билан келишув битимлари тузган ҳолда, кичик ва ўрта компанияларни умумбелгиланган тартибда жиноий жавобгарликка тортиш эҳтимоли юқорилиги, катта ва кичик компанияларни турлича жавобгарликка тортиш тенглик ва қонунийлик тамойилларидан чекинишга олиб келади²⁶. Шу каби, келишув институти бўйича жиноят ишини ҳал этишнинг хуфиёна тизими, катта корпорацияларни жиноий жавобгарликка тортишнинг мураккаблиги важи билан икки хил стандартларни қўллаш салбий ҳолат ҳисобланади²⁷.

Бошқа бир тадқиқотчи томонидан агар қонунчилик ва далиллар йўл қўйса, жиноий жавобгарликка тортиш чоралари кўрилиши, жиноий таъқиб ўрнига келишув институти имкониятларидан фойдаланишга афзаллик бермаслик, келишув институтидан фақат маъмурий ёки фуқаровий тартибда чоралар кўриш имкони бўлмаган кичик аҳамиятли ишларда қўллаш билан чекланиш, жиддий жиноий ишларда мазкур институтни қўлламаслик лозимлиги таъкидланган²⁸.

Гарчи жиноят ишларини, шу жумладан коррупцион жиноятларни суддан ташқари тартибда ҳал этиш танқид қилинаётганлигига қарамай энг катта коррупцион ишлар бир нечта юрисдикцияларни қамраб олади ва уларни суддан ташқари тартибда ҳал этиш ва фош этиш осонроқ ҳисобланади. Жумладан, ундирилган жарималарнинг миқдори бўйича энг катта 10 та коррупцион ишлардан 8 тасида масала суддан ташқари тартибда ҳал этилган. Шунингдек, хорижий элементи бор коррупция жиноятларининг АҚШда 96 фоизи, Буюк Британияда ва Германияда 79 фоизи суддан ташқари тартибда келишув орқали ҳал этилган²⁹.

Тадқиқотчилар томонидан келишув институтини қўллашни янада такомиллаштириш юзасидан ҳам бир қатор тавсиялар келтириб ўтилган.

Хусусан, келишув битимлари бўйича прокурорларнинг масъулиятини ошириш ва суднинг назорат механизмларини кучайтириш³⁰, келишув битимлари натижасида қўлланиладиган санкциялар компаниянинг обрўсига жазо сифатида камроқ таъсир қилиши, бунда ахборотнинг етарли эмаслиги қурол сифатида фойдаланилиши мумкинлиги сабабли жамоатчиликка кўпроқ ахборот тақдим этиш³¹, хорижий элемент аралашган жиноятлар бўйича икки томонлама жавобгарликка тортишнинг (бир давлатда келишув битими, иккинчисида жиноий жавобгарликка тортиш) олдини олиш йўллари ишлаб чиқиш зарур³² эканлиги қайд этилган.

Кўплаб давлатларда юридик шахслар жавобгарлиги ва келишув институти жорий этилаётганлиги сабабли келишув битими институтини тўғри йўлга қўйиш муҳимлиги, ушбу институтни жазони енгиллаштириш сифатида қўлламаслик кераклиги, мазкур институт тўғри қўлланилганда у жиноятларнинг олдини олиши, акс ҳолда корпоратив жиноятлар содир этилиши хавфи янада ошиши, натижада жамоатчиликнинг жиноят ҳуқуқий тизимига ишончи заифлашиши таъкидланган³³.

Айни пайтда, юридик шахсларни кенг доирадаги жиноий жавобгарликка тортиш моделини қўллаш, нафақат юқори лавозимли ходимлари балки барча қўйи ва юқори бўғин ходимлари қилмиши учун жавобгарликка тортилиши кераклиги келишув битими институтини тизимлаштирилган ҳолда йўлга қўйиш учун муҳимлиги³⁴ илгари сурилган.

Аксинча, хабар бермаган ва ҳамкорлик қилмаган компаниялар учун жазо санкциялари миқдоран катта бўлиши, ҳамкорлик қилмаган ёки ихтиёрий хабар бермаган юридик шахслар томонидан содир этилган ҳуқуқбузарликларни фош этиш самарали механизмлари бўлиши лозим. Бундай механизмлар ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятини етарли даражада ресурслар ва молиявий ресурслар ажратилиши, фуқаролар, компания ходимлари томонидан содир этилган ноқонуний ишлар тўғрисида хабар беришни (*"whistleblowing"*) рағбатлантириши ва уларни ҳимоя қилишга қаратилган қонун ҳужжатлари мавжуд бўлиши лозим. Бундай механизмлар компанияни ҳуқуқбузарлик ҳолати ҳақида хабар берувчи шахслардан олдинроқ хабар беришга мажбур қилиши ёки хабар берилгандан кейин ҳам уларни ҳамкорлик қилишга мажбур қилиши³⁵ қайд этилган.

Келишув институтининг бир қатор ўзига хос тамойиллари ва жиҳатлари мавжуд. Жараённинг шаффофлиги ва изчиллиги келишув институтининг энг асосий тамойилларидан³⁶ ҳисобланади. АҚШ ва бир қатор давлатлар қонунчилигида айбдор шахснинг бошқа шахсларнинг жиноятини фош этишда ҳамкорлик қилишни рад этиши жиноятни оғирлаштирувчи ҳолат ҳисобланмаслигининг³⁷ мустаҳкамланганлиги яна бир муҳим тамойиллардандир.

Жиноят ишларини келишув орқали ҳал этишда суд ҳокимиятининг иштироки даражаси ҳар бир давлатда турлича белгиланган. Хусусан, айрим давлатларда (Англия, Франция, Япония, АҚШ, Словения, Испания) келишув битими лойиҳаси судга тасдиқлаш учун тақдим этилади. Бошқа давлатларда (Ҳорватия, Норвегия, Исроил, Нидерландия, Швейцария) келишув битими судга тақдим этилиши, унинг тасдиқланиши устидан суд

назорати ёки суд ҳокимияти иштироки умуман назарда тутилмаган³⁸.

Шунингдек, келишув битимлари татбиқ этиладиган шахслар доираси (юридик ёки жисмоний шахсларга) ва татбиқ этиладиган қилмишлар (жиноят ишлари) доирасига қараб ҳам фарқ қилади. Жумладан, АҚШда юридик ва жисмоний шахсларга, Буюк Британия, Франция ва Сингапурда фақат юридик шахсга нисбатан қўлланилади.

Келишув институти бошқа айрим институтлар билан ҳам чамбарчас боғланган бўлиб, келишув институти уларнинг жорий этилиши ёки ривожлантирилишини тақозо этади. Булар юридик шахсларнинг жиноий жавобгарлиги, ички назорат (комплаенс) дастури, ҳуқуқбузарлик ҳақида ихтиёрий хабар бериш, ҳамкорлик ва хабар берувчиларни ҳимоя қилиш институтлари шулар жумласидандир.

Булардан ички назорат институти корпоратив жиноятчиликка қарши курашиш ва унинг олдини олиш бўйича проактив усул ҳисобланиб, келишув битимларининг 75 фоизда комплаенс дастурларини янада кенгайтириш ёки янгиларини жорий этиш³⁹ назарда тутилган.

Ҳамкорлик қилувчи (ўзи ҳам жиноят иштирокчиси) ва жиноят ҳақида хабар берган (одатда берган хабар учун мукофот олади) шахсларнинг ҳуқуқий мақоми, уларга тақдим этиладиган ҳуқуқий ва бошқа кафолатлар бир-биридан фарқ қилишини инobatга олган ҳолда уларни жиноят ишига ҳар томонлама пухта ўйлаб аниқлик кiritилгандан сўнг жалб этиш мақсадга мувофиқ⁴⁰ ҳисобланади.

Юқоридаги таҳлиллардан келиб чиқиб, мамлакатимизда суд-ҳуқуқ тизимини янада такомиллаштириш бўйича қуйидагилар **таклиф қилинади:**

Биринчидан, жиноят қонунчилигида ҳамкорлик институтини амалга ошириш тартибини мустаҳкамлаб қўйиш мақсадга мувофиқ. Бунда жиноят иштирокчиси ёки уюшган гуруҳ ёхуд жиноий уюшма аъзоси бўлган шахсларнинг жиноятнинг олдини олиш, жиноятни очиш ёки унинг иштирокчиларини аниқлаш, жиноят иши бўйича далилларни мустаҳкамлаш, жиноий даромадларни аниқлаш ва уларни қайтаришга кўмаклашиш ёхуд жиноят иши бўйича бошқа зарур ахборотни тақдим этиш юзасидан прокурор билан ҳамкорлик битимини тузиш, ҳамкорлик даражаси, унинг ўз вақтида берилганлиги, тақдим этилган маълумотнинг ишончлилиги ва тергов (суриштирув) учун аҳамиятига қараб ҳамкорлик қилувчи шахсларга маълум бир ҳуқуқий кафолатларни тақдим этиш каби механизмларни жорий этиш таклиф қилинади.

Иккинчидан, миллий қонунчилигимизда юридик шахслар билан боғлиқ, шу жумладан бир неча чет эл давлатини қамраб олган жиноят ишларини кўриб чиқишда келишув институтини киритиш мақсадга мувофиқ.

Учинчидан, келишув институтини жорий этиш ўзи билан бирга бир қатор бошқа институтларни ҳам жорий этиш ёки янада такомиллаштиришни тақозо этади. Булар юридик шахсларнинг жиноий жавобгарлиги, юридик шахсларда ички назорат (комплаенс) тизими, ҳуқуқбузарлик ҳақида ихтиёрий хабар бериш, ҳамкорлик қилувчи ва хабар берувчи шахсларни ҳимоя қилиш тизими шулар жумласидандир.

Ўзбекистон шароитида мазкур институтларни босқичма-босқич жорий этиш, бунда дастлаб

иқтисодий ва (ёки) коррупцион тусдаги жиноятлар учун юридик шахсларнинг жиноий жавобгарлигини жорий этиш ва келишув битимларини тузиш механизмларини қонунчилигимизда мустақамлаш таклиф қилинади.

Мазкур чора-тадбирларни амалга ошириш жиноят процессининг янги шакл ва тартиб-таомилларини жорий этиш ҳамда мавжудларини такомиллаштириш, жиноий судлов ишларини соддалаштириш, жиноий қилмишлар тўғрисида ихтиёрий хабар бериш, улар бўйича ҳамкорлик қилиш ҳамда жиноятчиликнинг олдини олиш ва камайтиришга қаратилган механизмлар имкониятларидан унумли фойдаланишни янада рағбатлантиришга хизмат қилади.



¹ Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодекси. 17-боб. Яраштириш тартиб-таомиллари (166-169-моддалар). Ўзбекистон Республикасининг Иқтисодий процессуал кодекси. 16-боб. Яраштириш тартиб-таомиллари (130-134-моддалар).

² Ўзбекистон Республикасининг “Медиация тўғрисида”ги Қонуни. ЎРҚ-482-сон, 2018 йил 3 июль. Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси. Расмий манба нашри №03/18/482/1447

³ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 9 октябрдаги 812-сон қарори. Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси. Расмий манба нашри №09/18/812/2020.

⁴ Lord, N., & King, C. (2018). Negotiating non-contention: Civil recovery and deferred prosecution in response to transnational corporate bribery. *Corruption in commercial enterprise: Law, theory and practice*, 234-257.

⁵ Hammond, S. D. The US Model of Negotiated Plea Agreements: A Good Deal with Benefits for All, address before the OECD Competition Committee Working Party No. 3. Paris, France (October 17, 2006).

⁶ Makinwa, A., & Swreide, T. (2018). Structured criminal settlements: Towards global standards in structured criminal settlements for corruption offences. The International Bar Association (IBA), Anti-Corruption Committee, Structured Criminal Settlements Sub-Committee.

⁷ Strang, Robert R. “Plea bargaining, cooperation agreements, and immunity orders”. UNAFEI Resource Material Series No. 92, Mar. 2014.

⁸ Lord, N., & King, C. (2018). Negotiating non-contention: Civil recovery and deferred prosecution in response to transnational corporate bribery. *Corruption in commercial enterprise: Law, theory and practice*, 234-257.

⁹ King, C., & Lord, N. (2018). Negotiated justice and corporate crime: the legitimacy of civil recovery orders and deferred prosecution agreements. Springer. <https://doi.org/10.1007/978-3-319-78562-2>

¹⁰ Schuberlein, J. (2019). Prosecuting corporate corruption in Europe. Electronic copy available at: <https://knowledgehub.transparency.org/assets/uploads/helpdesk/Prosecuting-Corporate-Corruption-in-Europe.pdf>

¹¹ Nasar, J. A. (2017). In Defense of Deferred Prosecution Agreements. *NYUJL & Liberty*, 11, 838.

¹² Henning, P. J. (2007). The Organizational Guidelines: RIP?. *Yale Law Journal Pocket Part*, 116, 312.

¹³ Nasar, J. A. (2017). In Defense of Deferred Prosecution Agreements. *NYUJL & Liberty*, 11, 838.

¹⁴ Campbell, L. (2019). Trying corporate actors—why not prosecute?. Electronic copy available at: <https://ssrn.com/abstract=3332134>

¹⁵ Nasar, J. A. (2017). In Defense of Deferred Prosecution Agreements. *NYUJL & Liberty*, 11, 838.

¹⁶ Hammond, S. D. The US Model of Negotiated Plea Agreements: A Good Deal with Benefits for All, address before the OECD Competition Committee Working Party No. 3. Paris, France (October 17, 2006).

¹⁷ Garrett, B. (2014). *Too big to Jail*. Harvard University Press.

¹⁸ Makinwa, A., & Swreide, T. (2018). Structured criminal settlements: Towards global standards in structured criminal settlements for corruption offences. The International Bar Association (IBA), Anti-Corruption Committee, Structured Criminal Settlements Sub-Committee.

¹⁹ Eunice, C. H. U. A. (2018). Deferred prosecution agreements in Singapore?. Available at: https://ink.library.smu.edu.sg/sol_research/2533.

²⁰ Billimoria, P., Marwaha, V., & Mehta, J. (2017). Combating Corporate Corruption in India through Deferred Prosecution Agreements. ORF Special report, 49, November 2017, www.orfonline.org

²¹ Santoso, T., Nelson, F. M., & Ginting, A. (2017). The Idea of Preventing Corporate Corruption Through Deferred Prosecution Agreement (DPA) in Indonesia. In *ADVED 2017-3rd International Conference on Advances in Education and Social Sciences*.

-
- ²² Makinwa, A., & Sureide, T. (2018). Structured criminal settlements: Towards global standards in structured criminal settlements for corruption offences. The International Bar Association (IBA), Anti-Corruption Committee, Structured Criminal Settlements Sub-Committee.
- ²³ Hammond, S. D. The US Model of Negotiated Plea Agreements: A Good Deal with Benefits for All, address before the OECD Competition Committee Working Party No. 3. Paris, France (October 17, 2006).
- ²⁴ Makinwa, A., & Sureide, T. (2018). Structured criminal settlements: Towards global standards in structured criminal settlements for corruption offences. The International Bar Association (IBA), Anti-Corruption Committee, Structured Criminal Settlements Sub-Committee.
- ²⁵ King, C., & Lord, N. (2018). Negotiated justice and corporate crime: the legitimacy of civil recovery orders and deferred prosecution agreements. Springer. <https://doi.org/10.1007/978-3-319-78562-2>
- ²⁶ Lord, N., & King, C. (2018). Negotiating non-contention: Civil recovery and deferred prosecution in response to transnational corporate bribery. *Corruption in commercial enterprise: Law, theory and practice*, 234-257.
- ²⁷ Bourjaily, G. (2015). DPA DOA: How and Why Congress Should Bar the Use of Deferred and Non-Prosecution Agreements in Corporate Criminal Prosecutions. *Harv. J. on Legis.*, 52, 543.
- ²⁸ David M. Uhlmann (2013), *Deferred Prosecution and Non-Prosecution Agreements and the Erosion of Corporate Criminal Liability*, 72 *Md. L. Rev.* 1295 Available at: <http://digitalcommons.law.umaryland.edu/mlr/vol72/iss4/15>
- ²⁹ Schuberlein, J. (2019). Prosecuting corporate corruption in Europe. Electronic copy available at: <https://knowledgehub.transparency.org/assets/uploads/helpdesk/Prosecuting-Corporate-Corruption-in-Europe.pdf>
- ³⁰ Lichy, A. (2014). The 'Too Big to Jail' Effect and the Impact on the Justice Department's Corporate Charging Policy.
- ³¹ Mungan, M. C. (2019). Optimal non-prosecution agreements and the reputational effects of convictions. *International Review of Law and Economics*, 59, 57-64.
- ³² Mark Surguy, Hannah Nichols (2013). *Deferred Prosecution Agreements - the new tool for tackling corruption*. Special Report: White-Collar Crime, *Financier Worldwide Magazine*.
- ³³ Arlen, J. (2019). The Potential Promise and Perils of Introducing Deferred Prosecution Agreements Outside the US. NYU School of Law, Public Law Research Paper, (19-30), 19-29.
- ³⁴ Arlen, J. (2019). The Potential Promise and Perils of Introducing Deferred Prosecution Agreements Outside the US. NYU School of Law, Public Law Research Paper, (19-30), 19-29.
- ³⁵ Arlen, J. (2019). The Potential Promise and Perils of Introducing Deferred Prosecution Agreements Outside the US. NYU School of Law, Public Law Research Paper, (19-30), 19-29.
- ³⁶ Lord, N., & King, C. (2018). Negotiating non-contention: Civil recovery and deferred prosecution in response to transnational corporate bribery. *Corruption in commercial enterprise: Law, theory and practice*, 234-257.
- ³⁷ United States Sentencing Commission, *Guidelines Manual*, § 5K1.2 (Nov. 2018) <https://www.ussc.gov/sites/default/files/pdf/guidelines-manual/2018/GLMFull.pdf>.
- ³⁸ Makinwa, A., & Sureide, T. (2018). Structured criminal settlements: Towards global standards in structured criminal settlements for corruption offences. The International Bar Association (IBA), Anti-Corruption Committee, Structured Criminal Settlements Sub-Committee.
- ³⁹ Nasar, J. A. (2017). In *Defense of Deferred Prosecution Agreements*. *NYUJL & Liberty*, 11, 838.
- ⁴⁰ Brian A. Jacobs and Nicole L. Buseman, Morvillo Abramowitz Grand Iason & Anello P.C. (2017). *Practical law litigation Evaluating Whether an Individual or Entity Should Cooperate in a Federal White Collar Criminal Investigation*. Thomson Reuters.

Комилов Авазбек Бокижонович,
Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси
Академияси катта ўқитувчиси

ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИ ҲУҚУҚИЙ ҲИМОЯ ҚИЛИШ БЎЙИЧА ПРОКУРОР НАЗОРАТИНИНГ АҲАМИЯТИ

◆ Мазкур мақолада тадбиркорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишда прокурор назоратининг аҳамияти ёритилган. Прокуратура органлари томонидан 2010-2019 йилларда тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини муҳофаза қилиш бўйича амалга оширилган ишлар таҳлил қилинган.

◆ В данной статье рассмотрена важность прокурорского надзора по защите прав предпринимателей. Проведен анализ работ, осуществленных органами прокуратуры в 2010-2019 годах по охране прав и законных интересов субъектов предпринимательства.

◆ This article highlights the significance of prosecutorial supervision on the protection of the rights of entrepreneurs. Also, analysed the works carried out by prosecution bodies on the protection of the rights and legitimate interests of entrepreneurs for 2010-2019.

Калит сўзлар: тадбиркорлик фаолияти, тадбиркорлик фаолияти субъекти, ишбилармонлик муҳити, прокурор назорати.

Ключевые слова: предпринимательская деятельность, субъект предпринимательской деятельности, деловая среда, прокурорский надзор.

Key words: entrepreneurial activity, subject of entrepreneurial activity, business environment, prosecutorial supervision

Бугунги кунда ҳар қандай давлат иқтисодиётининг тараққий этиши тадбиркорлик соҳаси билан чамбарчас боғлиқ. Ўз навбатида, давлат ҳам тадбиркорликнинг ҳеч қандай тўсиқларсиз, эмин-эркин ривожланиши учун қулай шароит яратишни ўз олдига энг асосий вазифалардан бири сифатида қўяди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев таъбири билан айтганда, “Бизнинг яна бир муҳим вазифамиз - кичик бизнес ва тадбиркорлик соҳасини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, мамлакатимиз иқтисодий қудратини, юртимизда тинчлик ва барқарорлик, ижтимоий тотувликни мустаҳкамлашдан, бу соҳа улушини янада ошириш учун қулай шарт-шароитлар яратиб беришдан иборат. Нега деганда, тадбиркор нафақат ўзини ва оиласини, балки халқни ҳам, давлатни ҳам боқади. Мен такрор бўлса ҳам, айтишдан ҳеч қачон чарчамайман, яъни “Халқ бой бўлса, давлат ҳам бой ва қудратли бўлади”¹.

Юқоридаги фикрнинг мантикий давоми сифатида профессор О.Оқюлов ва бошқалар: “Ижтимоий йўналтирилган замонавий бозор иқтисодиётида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ниҳоятда муҳим ўрин эгаллайди. Энг аввало, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик бозор конъюктураси ўзгаришларига тез мослаша олишга, ис-

теъмолчиларнинг талаб-эҳтиёжлари қандай ўзгаришига қараб иш тута билишга қодирдир. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик рақобатчилик муҳитини шакллантирадики, бусиз бозор иқтисодиётини тасаввур қилиб бўлмайди. Иккинчидан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик янги иш ўринлари жадаллик билан барпо этилишини, аҳолининг бандлиги ўсишини ва унинг даромадлари ошиб боришини таъминлайди. Учунчидан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ички бозорни товарлар ва хизматлар билан бойитишнинг муҳим манбаи ҳисобланади”, деб таъкидлашади².

Худди шу каби, рус тадқиқотчилари А.Халилин ва бошқалар қайд этганидек, замонавий иқтисодиёт бутунлай ва тўлиқ тадбиркорликдан иборат ҳамда унга боғлиқдир. Айнан тадбиркорлар, бизнес эгалари туфайли ўрта синф вакилларидан иборат қатламнинг ўсиши юз бермоқда, иш ўринлари яратилмоқда, солиқ тушумлари ҳисобига мамлакат бюджети кўпаймоқда³. Мамлакат иқтисодида тадбиркорлик соҳасининг ўрни ва роли нақадар муҳим эканлигига оид фикрлар тадқиқотчилар Г.Суфьянова ва С.Бывальцевалар томонидан ҳам илгари сурилган⁴.

Тадбиркорлик фаолияти нафақат иқтисодий

тараққиёт, балки умуман давлат тараққиётининг ўзига хос двигатели бўлиб майдонга чиқади. Европа иттифоқи статистика хизматининг маълумотларига кўра, Европада савдо ташкилотларининг 98 фоизи кичик ва ўрта бизнес тоифасига мансуб, уларнинг 70 фоизи ишчилар сони 9 нафардан ошмайдиган кичик корхоналарга тўғри келади. Европада кичик ва ўрта бизнес соҳасида меҳнат қилаётган ходимлар сони тахминан 67 фоиз атрофида бўлиб, улар фаолиятдан келадиган даромад деярли 4 трлн. евро ни ташкил этади⁵.

Ўзбекистон Республикасида ҳам тадбиркорлик фаолиятининг тўсқинликсиз амалга оширилишини таъминлаш, бизнес юритиш учун қулай шарт-шароит яратиш ва республиканинг инвестициявий жозибдорлигини оширишга қаратилган кенг қўламли ислохотлар тизимли равишда амалга оширилмоқда. Ушбу саъй-ҳаракатлар, ўз-ўзидан, мамлакатда ишбилармонлик муҳитининг ривожланишига ҳамда Ўзбекистоннинг халқаро миқёсдаги рейтингига ижобий таъсир кўрсатмоқда.

Шу сабабли, прокуратура органларининг бутун диққат-эътибори мазкур жараёнларда “локомотив” ролини бажаришга, қонунлар ижроси устидан қатъий назорат ўрнатиш орқали тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва қонуний манфатларини ҳимоя қилишга, шу жумладан, тадбиркорларнинг ҳуқуқий ҳимояланганлик даражасини кучайтириш, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан тадбиркорларга босим ўтказилишининг олдини олиш, тадбиркорлар фаолиятига ноқонуний аралашув, уларни ноқонуний текширишга йўл қўймаслик кабиларга қаратилмоқда. Ўз-ўзидан равшанки, бунда қонунлар ижроси устидан прокурор назорати алоҳида аҳамиятга эга ҳисобланади.

Маълумки, қонунлар ижроси устидан прокурор назорати прокуратура органларининг муҳим функцияларидан биридир⁶. Прокурор назоратининг бошқа давлат органлари томонидан амалга ошириладиган турли ижтимоий контроль шакллари билан фарқи унинг мақсадли йўналганлиги ва прокурорда қонунбузарликларни аниқлаш ҳамда бартараф этиш бўйича ҳуқуқий воситалар мавжудлиги билан белгиланади. Агар давлат контроли (назорати) органлари учун қонунлар ижроси устидан контроль қўллаб вазифаларни ечиш бўйича фаолият шакллари билан биттаси бўлса, қонунлар ижроси устидан прокурор назорати прокуратура учун фаолиятнинг асосий мазмуни саналади⁷. Профессор Б.Пўлатов қонунлар ижроси устидан назорат асосини асосан прокуратура органларининг давлат органлари ва бошқарув соҳаларида қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан назорати ташкил этишини таъкидлайди⁸. Ўзбекистон Республикаси “Прокуратура тўғрисида”ги Қонунининг 20-моддасига асо-

сан, вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ҳамда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг ҳарбий қисмлари, ҳарбий тузилмалари, ҳокимлар ва бошқа мансабдор шахслар томонидан қонунларнинг ижро этилиши, шунингдек улар томонидан қабул қилинаётган ҳужжатларнинг Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларига мувофиқлиги қонунлар ижроси устидан прокурор назоратининг предмети⁹. Шу боис ҳам, А.Шмелев қайд этганидек, қонунлар ижроси ва ҳуқуқий ҳужжатлар қонунийлиги устидан прокурор назоратини амалга ошириш учун бошқа қонун ҳужжатларида бунга кўрсатма берилиши шарт эмас. Чунки, ушбу фаолият махсус норматив-ҳуқуқий ҳужжат – “Прокуратура тўғрисида”ги Қонун билан тўлиқ қамраб олинади. Шу билан бирга, таъкидлаш лозимки, тадбиркорлик фаолиятида қонунлар ижроси ва ҳуқуқий ҳужжатлар қонунийлиги устидан прокурор назоратини амалга оширишда кўпинча прокуратурага бошқа федерал қонунлар билан “Россия Федерацияси прокуратура тўғрисида”ги Қонунда назарда тутилмаган қўшимча ваколатлар юклатилади¹⁰.

Шундан келиб чиққан ҳолда, прокуратура органлари томонидан Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари, Бош прокурор буйруқ ва кўрсатмалари ҳамда Бош прокуратура ҳайъат қарорлари талабларидан келиб чиққан ҳолда, тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш ва унинг кафолатлари тўғрисидаги қонунчилик ижроси устидан назорат борасида эътиборга молик ишлар амалга ошириб келинмоқда. Тадқиқотчи Н.Субанова тўғри таъкидлаганидек, бугунги кунда тадбиркорлик фаолияти субъектларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш прокурор назоратининг долзарб йўналиши бўлиб қолди¹¹.

Шу ўринда айрим тадқиқотчиларнинг тадбиркорларни ҳуқуқий ҳимоя қилишга қаратилган қонунлар ижроси устидан прокурор назорати борасида билдирган фикрлари билан танишиш фойдадан холи бўлмайди.

Хусусан, Н.Субанова тадбиркорлик фаолияти субъектларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга оид қонунчилик ижросини таъминловчи прокурор назоратини руҳсат бериш тизими ижроси устидан прокурор назоратининг ажралмас қисми сифатида кўради¹².

Тадқиқотчи З.Гадаборшеванинг қайд этишича, прокурорлар барча рус қонунчилиги ижроси устидан назоратни амалга оширадилар. Модомики, тадбиркорлик фаолиятига доир қонунчилик ушбу қонунчиликнинг таркибий қисми ҳисобланар экан, табиийки, у прокурор назорати соҳасига

киради. Айни пайтда, шуни инобатга олиш керакки, прокурорлар фақатгина тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи қонунларнигина эмас, балки ваколатли органлар ва мансабдор шахслар томонидан қабул қилинган ҳамда қайд этилган категорияга кирувчи қонунларни қўллаш механизми белгилаб берувчи қонуности ҳужжатлар ижроси устидан ҳам назоратни амалга оширадилар¹³. Бундан ташқари, қайд этилган категорияга кирувчи қонунчилик ижроси устидан прокурор назорати предмети мазмунига прокурорнинг тадбиркорлар ҳуқуқларини тартибга солувчи амалдаги қонунчилик қоидалари бажарилишини текшириш бўйича фаолияти; тадбиркорлик фаолиятининг турли соҳаларидаги хўжалик юритувчи субъектлар ҳуқуқларига риоя этилиши; Россия Федерацияси субъектларининг ҳокимият органлари ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан чиқарилаётган тадбиркорлар ҳуқуқларига дахлдор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қонунийлиги юзасидан фаолияти киради¹⁴.

А.Казарина эътироф этишича, тадбиркорлик фаолиятини таъминлаш ва тадбиркорлик фаолияти субъектларининг ҳуқуқларига риоя этилиши қонунийлиги устидан прокурор назоратининг универсаллиги шундаки, прокурор, нафақат, “Прокуратура тўғрисида”ги Қонун, балки бошқа қонунчилик билан прокуратурага берилган барча ҳуқуқий имкониятлар спектрдан фойдаланади. Конкрет воситалар доираси ғоят кенг бўлиб, ўз ичига назорат, маъмурий, процессуал ва бошқа прокурор ваколатларини қамраб олади¹⁵.

Тадқиқотчи А.Мариничева мазкур назоратнинг ҳуқуқий табиатини таҳлил қилар экан, унинг комплекс универсал характер касб этиб, бир томондан, шубҳасиз, қонунлар ижроси устидан назоратнинг бир қисми – унинг йўналишларидан бири эканлигини, бошқа томондан эса фуқароларнинг тадбиркорлик фаолиятига бўлган конституцион ҳуқуқларининг рўёбга чиқишини таъминлаш соҳасида инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларига риоя этилиши устидан назоратнинг ажралмас қисми ҳисобланишини, назоратнинг мураккаб тармоқли характери унинг ўзига хослигини ифодалашини, яъни тадбиркорлик фаолиятини таъминлаш қонунийлиги устидан назорат қисмида у умумий тартибда амалга оширилса, тадбиркорларнинг ҳуқуқий аҳволи қонунийлигини таъминлаш соҳасида ташаббус тартибда амалга оширилишини баён этади¹⁶.

Шу ўринда, тадқиқотчи Н.Субанованинг фикрлари бирмунча мунозарали эканлигини таъкидлаш ўринли бўлади. Чунки, тадбиркорларни ҳуқуқий ҳимоя қилишга қаратилган қонунлар ижроси устидан прокурор назоратининг алоҳида предмети ва доираси мавжудлиги, тадбиркорлик фаолияти ва тадбиркорлар ҳуқуқларини муҳофа-

за қилиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солувчи ҳуқуқий асосларга эгаллиги, мазкур назоратнинг комплекс универсал характер касб этиши каби ўзига хос хусусиятларга эга эканлиги билан ҳам рухсат бериш тизими ижроси устидан прокурор назоратининг бир қисми сифатида кўрилиши мақсадга мувофиқ эмас, бизнингча.

Тўпланган тажриба шуни кўрсатмоқдаки, тадбиркорликнинг келгусидаги ривожланиши давлатнинг фаол қўллаб-қувватловисиз юз бериши мумкин эмас. Шундай қўллаб-қувватлаш шакллари билан бири прокуратуранинг тадбиркорлар ҳуқуқлари ва тадбиркорлик манфаатларини умумий ҳимоя қилиш бўйича фаолияти ҳисобланади. Прокурор назорати ўз кучини мамлакатда қонунийликни таъминлашга йўналтира бориб, унга хос бўлган воситалар билан иқтисодиётга кучли барқарор таъсир кўрсатиш, шу жумладан, тадбиркорлик позициясини мустаҳкамлаш имкониятига эга¹⁷.

Шунингдек, иқтисодий фаолият эркинлигини таъминлаш – умумдавлат миқёсидаги вазифа бўлиб, унинг ечимида барча давлат органлари ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари иштирок этиши лозим. Бироқ, амалиёт шуни кўрсатмоқдаки, ўзларининг асоссиз, инсофсиз, ноқонуний ҳаракатлари билан айнан улар кўпинча иқтисодий фаолият эркинлигини бузмоқда, хўжалик юритувчи субъектлар учун маъмурий тўсиқлар яратмоқда. Шу сабабли, ҳуқуқбузарликларни аниқлаш ва иқтисодий фаолият эркинлигига нисбатан таҳдидларни бартараф этиш бўйича масъулиятнинг сезилари юки прокуратура зиммасига юклатилганлиги маълум бўлади¹⁸. А.Паламарчук тўғри эътироф этганидек, Россия Федерацияси Конституцияси, қонунлари ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар давлатнинг иқтисодий фаолият эркинлигини таъминлаш бўйича мажбуриятини ўрнатади. Мазкур вазифани комплекс ҳал қилиш давлат ҳокимияти ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари зиммасига, ҳуқуқбузарликларни аниқлаш ва иқтисодий хавфсизлик эркинлигига бўлган таҳдидларни бартараф этиш – прокуратура органларига юклатилган¹⁹.

Рақамларга мурожаат этадиган бўлсак, прокуратура органлари томонидан 2015-2019 йилларда 98 мингга яқин ҳолатда тадбиркорлар ҳуқуқларининг бузилиши аниқланган. Улардан 5.997 таси ортиқча йиғим ундириш ва қонунга зид равишда ҳисобот, маълумот ҳамда ҳужжатлар талаб қилиш, 4.478 таси тадбиркорлар манфаатларини поймол қилувчи қарорлар қабул қилиш, 3.566 таси тадбиркорларнинг мурожаатларини қонунда белгиланган тартибда ва муддатда кўриб чиқмаслик, 3.221 таси тадбиркорларни ҳомийлик ва бошқа тадбирларга мажбурий жалб этиш, 1.553 таси уларнинг қонуний фаолиятига асоссиз аралашуш, ноқонуний текшириш, 1401 таси тадбиркорларга ер майдон-

ларини ноқонуний ажратмаслик, уларни муҳандислик коммуникация тармоқларига уламаслик ва улардан асоссиз узиш, тадбиркорларнинг хусусий мулкка бўлган ҳуқуқларини бузиш ҳамда 1014 таси лицензиялаш ва рухсат бериш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш, имтиёз ва преференциялар қўлланмаслик ёки қўллашга тўсқинлик қилиш каби ҳолатларни ташкил этган.

Шу ўринда алоҳида қайд этиш жоизки, бизнесга, Ўзбекистон Республикасида тадбиркорларни ҳуқуқий ҳимоя қилишга қаратилган қонунлар ижроси устидан прокурор назоратининг ўзига хос жиҳатларидан бири унинг нафақат давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат органлари ҳамда маҳаллий ижро ҳокимияти органлари томонидан тадбиркорларга нисбатан ноқонуний хатти-ҳаракатлар содир этиш, тадбиркорлар олдига сунъий тўсиқлар қўйиш, улар фаолиятига ноқонуний аралашув ҳолатларини олдини олиш, ҳуқуқбузарликларни аниқлашгина эмас, балки тадбиркорлик субъектлари олдига турган муаммоларни ўрганиб, уларга амалий жиҳатдан ёрдам беришга қаратилганлигидадир.

Агар ўтиш даврида прокурор назоратига қонунлар ижроси устидан олий давлат назоратининг (контроли) асосий шакли сифатида ёндашиш умумқабул қилинган бўлса, ҳозирги кунда прокуратура органлари давлатнинг контроль эмас, балки тобора ҳуқуқни муҳофаза қилиш функциясини амалга оширишга йўналганлиги кўпроқ намоён бўлмоқда²⁰.

Шунга кўра, тадқиқотчи Н.Бутнинг, ҳозирги пайтда прокуратура яқин ўтмишдаги репрессив услублардан иқтисодий фаолият эркинлиги ва ҳўжалик юритувчи субъектлар ҳуқуқларини ҳимоялашга ўтганлиги ҳамда ўтиш имкони мавжудлигини исботлаганлиги, прокурорлар янги ижтимоий-ҳуқуқий шароитларда амалга оширган ишлар муваффақияти ўз тасдиғини топганлиги ҳақидаги фикрига қўшилмаслик мумкин эмас²¹.

Чунончи, Ўзбекистон Республикаси прокуратура органлари томонидан 2010 йилда 433 нафар, 2012 йилда 1.839 нафар, 2013 йилда 1.527 нафар, 2017 йилда 10.689 нафар, 2018 йилда 15.937 нафар ва 2019 йилда 15961 нафар тадбиркорларга амалий ёрдам кўрсатилганлигини эътироф этмасликнинг иложи йўқ.

Жумладан, 2010 йилда прокуратура органлари томонидан тадбиркорлар фойдасига қарздорлик ундирилишида (174 нафар), тадбиркорларга давлат рўйхатидан ўтишда (87), кредит ажратилишида (59), лицензия ва рухсатномалар берилишида (16), ер майдони ажратилишида (10) ҳамда коммуникация-муҳандислик тармоқларига уланишда (8) ёрдам берилган.

Шу каби, 2013 йилда прокуратура органлари

томонидан тадбиркорларга давлат рўйхатидан ўтишда (432 нафар), лицензия ва рухсатномалар берилишида (187), тадбиркорлар фойдасига қарздорлик ундириб берилишида (179), ер майдони ажратилишида (110), коммуникация-муҳандислик тармоқларига уланишда (46) ҳамда бошқа масалаларда (573) амалий кўмак берилган.

Таҳлиллар прокуратура органларининг бу борадаги фаолияти, айниқса, 2017 йилдан бошлаб жиддий тарзда жонланганлигини кўрсатади.

Мисол учун, 2017 йилда прокуратура органлари томонидан тадбиркорларга кредит ажратилишида (2.466 нафар), коммуникация-муҳандислик тармоқларига уланишда (814), ер майдони ажратилишида (500), лицензия ва рухсатномалар берилишида (173), кадастр ҳужжатлари расмийлаштирилишида (120), бино ажратилишида (51) ҳамда бошқа масалаларда (2.214) амалий ёрдам кўрсатилган.

2018 йилда прокуратура органлари томонидан тадбиркорларга коммуникация-муҳандислик тармоқларига уланишда (3.045 нафар), кредит ажратилишида (2575), ер майдони ажратилишида (806), лицензия ва рухсатномалар берилишида (443), бино ажратилишида (109), кадастр ҳужжатлари расмийлаштирилишида (183), бинонинг ижарага берилишида (79) ҳамда бошқа масалаларда (8.697) кўмаклашилган.

2019 йилда прокуратура органлари томонидан тадбиркорларга коммуникация-муҳандислик тармоқларига уланишда (2.425 нафар), кредит ажратилишида (3.126), лицензия ва рухсатномалар берилишида (646), ер майдони ажратилишида (545), бино ажратилишида (253) ҳамда бошқа масалаларда (8.966) ёрдам берилган.

Эътиборли жиҳати шундаки, кўрсатилган амалий ёрдамлар натижасида 2017 йилда 3.325 та, 2018 йилда 4.963 та ва 2019 йилда 15.446 та янги тадбиркорлик субъектлари ташкил этилиб, 2017 йилда нисбатан 2019 йилда 464 фоизга ошган бўлса, 2017 йилда 1.803 та, 2018 йилда 3.191 та ва 2019 йилда 11981 та фаолият кўрсатмаётган тадбиркорлик субъектларининг фаолияти тикланиши таъминланиб, ўсиш кўрсаткичи 664 фоизни ташкил этган.

Жумладан, Жиззах тумани прокуратураси томонидан кўрсатилган амалий ёрдам натижасида “Норкул ота” фирмаси раҳбари Н.Асамовага чорва фермаси қуриш учун ҳоким қарори билан 3 гектар ер майдони ажратилиши таъминланган.

Худди шундай, прокуратура органлари аралашуви билан “Sirdaryo Universal Oyuna” МЧЖга 5 гектар ва Нишон туманида фаолият кўрсатаётган тадбиркор Т.Хўжамкуловга ҳудуддаги заҳира ерлардан 22 гектар ер майдони ажратилган.

Якка тартибдаги тадбиркор А.Ботировнинг мурожаатида кўра, унга паррандачилик билан

шуғулланиш учун “Андижон” муқобил машина трактор паркиннг бўш турган биноси бириктириб берилган.

Когон шаҳридаги “Когонстройтранссервис” МЧЖ раҳбари М.Ибрагимовнинг мурожаатига кўра, унинг “Бухорогазсаноатқурилиш” очиқ акциядорлик жамиятидан 99 млн. сўмлик дебитор қарзини ундириб берилиши таъминланган.

Хазорасп туманидаги “Шохрух Дилнура савдо сервис” МЧЖ раҳбари О.Мадаминовага тадбиркорлик фаолиятини янада кенгайтириши учун 100 млн. сўм кредит маблағи олиншида амалий ёрдам берилган.

Прокуратура органлари томонидан кўрсатилган амалий ёрдамлар натижасида, 2010 йилда 442 та, 2012 йилда 1.126 та, 2013 йилда 1.415 та, 2017 йилда 11.921 та, 2018 йилда 15.546 та ва 2019 йилда 43.282 та янги иш ўринларни ташкил этилиб, бу кўрсаткич йилдан йилга ўсиб борган.

Масалан, Термиз шаҳар прокуратураси томонидан кўрсатилган амалий ёрдам натижасида “Камзул-Сайдил” МЧЖ раҳбари С.Маматраимовга қандолат ва макарон маҳсулотлари ишлаб чиқариш техникаси ҳамда хом-ашё сотиб олиш учун “Ўзмиллийбанк” Термиз амалиёт бошқармасидан 500 млн. сўм миқдорида кредит ажратилиб, 38 та иш ўрни яратилган.

Гурлан тумани прокуратураси аралашуви би-

лан “Сердар шойс” МЧЖ раҳбари С.Кимсановга пойабзал ишлаб чиқариш фаолиятини кенгайтириш мақсадида “Агробанк” АТБ Гурлан филиалидан 400 млн. сўм миқдорида кредит ажратилиши натижасида, 16 та иш ўрни ташкил этилган.

Ўзбекистон Республикасида тадбиркорларни ҳуқуқий ҳимоя қилишга қаратилган қонунлар ижроси устидан прокурор назоратининг яна бир ўзига хос хусусияти – амалдаги тадбиркорлик фаолиятини тартибга солувчи қонун ҳужжатлари талабларини бузган тадбиркорларни фақат жазолаш эмас, балки уларга ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш, қонун талабларини тушунтириш орқали қонуний фаолият кўрсатишга ундаш, охир-оқибат тадбиркорлар томонидан яратилган мавжуд иш ўринларини сақлаб қолиш ҳисобланади.

Мисол учун, Яккасарой туманида фуқаро Ф.Бекова белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтмасдан тикувчилик цехи очиб, фаолият кўрсатганлиги аниқланиб, кўрсатилган амалий ёрдам натижасида “Адҳам текстиль” масъулияти чекланган жамияти ташкил қилинган ва 14 нафар фуқаро иш билан таъминланган.

Шу каби, Косонсой туманида яшовчи фуқаро С.Султонов ва Ю.Пўлатовлар белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтмасдан калава ипларини ишлаб чиқариш фаолияти билан шуғулланганликлари аниқланиб, кўрсатилган амалий ёрдам натижасида “Рангли тола жилоси” хусусий корхо-

¹ Ш.М.Мирзиёев. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқ, - Тошкент: «Ўзбекистон», 2016. – Б. 15.

² Оқюлов О., Отахонов Ф.Х. Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини мустақамлаш муаммолари. Монография / Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган фан арбоби, академик, юридик фанлар доктори, профессор Ҳ.Р.Раҳмонкулов таҳрири остида. – Тошкент: ТДЮИ нашриёти, 2010. – Б. 5.

³ Халиулин А.Г., Асвойнов Д.А. Прокурорский надзор как гарант юридической защиты в сфере предпринимательской деятельности // Universum: “Экономика и юриспруденция: электрон. научн. журн. 2017, № 1 (46). URL: <http://7universum.com/ru/economy/archive/item/5332>.

⁴ Суфьянова Г.Н. Прокурорский надзор за соблюдением прав субъектов предпринимательской деятельности // Экономика и социум, 2017, №6 (35); Бывальцева С.Г. Защита прав субъектов предпринимательской деятельности как направление деятельности прокуратуры // Бизнес, менеджмент и право, 2012, №1.

⁵ Иванников Ю.В. Эффективность прокурорского надзора в сфере защиты субъектов предпринимательской деятельности и возможные пути его совершенствования // “Молодой ученый”, 2019, № 37 (275). – С. 15.

⁶ Шмелев А.В. Особенности осуществления прокурорского надзора за предпринимательской деятельностью // Вестник Саратовской государственной юридической академии, 2017, №6 (119). – С. 234.

⁷ Субанова Н.В. Теоретические и прикладные основы прокурорского надзора за исполнением законов о разрешительной системе: Дисс. ... док. юрид. наук. – М.: Академия Генеральной прокуратуры Российской Федерации, 2014. – С 140.

⁸ Прокурор назорати: дарслик / Б.Х.Пўлатов; масъул муҳаррирлар: Т.А.Умаров, А.Т.Алламуратов ва бошқ. – Т.: «O'zbekiston», 2009. – Б 131. (624 б.)

⁹ Ўзбекистон Республикасининг «Прокуратура тўғрисида»ги Қонуни. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2001 й., 20-сон, 139-модда, (интернет манба: <http://lex.uz/docs/106197>, мурожаат этилган сана 03.01.2020 й.).

¹⁰ Шмелев А.В. Особенности осуществления прокурорского надзора за предпринимательской деятельностью // Вестник Саратовской государственной юридической академии, 2017, №6 (119). – С. 234.

¹¹ Субанова Н.В. Прокурорский надзор как средство укрепления законности в сфере экономики // Журнал российского права, 2012, №1. – С. 57.

¹² Субанова Н.В. Теоретические и прикладные основы прокурорского надзора за исполнением законов о разрешительной системе: Дисс. ... док. юрид. наук. – М.: Академия Генеральной прокуратуры Российской Федерации, 2014. – С 111-112.

наси ташкил қилиниши ҳамда 3 нафар фуқаронинг иш билан банд қилиниши таъминланган.

Умуман олганда, тадқиқотчи А.Мариничева таъбири билан айтганда, прокуратура тадбиркорлик фаолияти субъектларининг ҳуқуқий аҳволи ва тадбиркорлик муҳитининг қонунийлик ҳолатини кафолатлаш механизмида ҳал қилувчи роль ўйнайди, уни нафақат муҳофаза қилади, шу билан бирга, унинг ҳимояси ва тикланишини таъминлайди. Бунинг устига, бундай мавқе прокуратура органларига тадбиркорлик фаолиятини оммавий тартибга солиш функциясини амалга оширувчи аксарият кўпчилик органлар ва мансабдор шахслар фаолияти қонунийлиги устидан назорат олиб бориш имконини беради, шунингдек, прокурор назорати билан қамраб олинмайдиган бошқа шахслар фаолиятини мувофиқлаштирувчи бўлиб олдинга чиқади²².

Яқуний ҳулорсалар сифатидан эса бизнингча, қуйидаги фикрларни илгари суриш мумкин бўлади:

биринчидан, Ўзбекистон иқтисодиётининг асосини тадбиркорлик ташкил этади. Тадбиркорлик иқтисодиётнинг юқори суръатлар билан ўсишида, янги иш ўринлари ташкил қилинишида ва аҳоли даромадлари ошишида муҳим роль ўйнайди. Шу сабабли, тадбиркорларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва уларнинг ҳуқуқий ҳимоясини таъминлаш алоҳида аҳамият касб этади. Шунга кўра,

прокурор назоратини амалга оширишда тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқ ва эркинликларининг самарали ҳимоясини таъминлаш Ўзбекистон Республикаси прокуратура органларининг энг муҳим вазифаларидан бири саналади.

иккинчидан, мамлакатимизда тадбиркорлик ривожини учун яратилаётган қулай шарт-шароитларга қарамай, тадбиркорлар, барибир, ҳуқуқий ҳимояга муҳтож бўлиб қолмоқдалар, улар ўз фаолиятларини амалга оширишда турли хил тўсиқ ва муаммоларга дуч келмоқдалар. Шу боис, бугунги кунда тадбиркорларни ҳуқуқий ҳимоя қилишга қаратилган қонунлар ижроси устидан прокурор назоратига зарурат сақланиб турибди ва у қонунлар ижроси устидан прокурор назоратининг ҳозирги пайтда энг долзарб аҳамиятга эга йўналишларидан биридир.

учинчидан, тадбиркорларни ҳуқуқий ҳимоя қилишга қаратилган қонунлар ижроси устидан прокурор назоратининг ўзига хос хусусияти унинг кенг қамровлилиги, шу билан бирга, тадбиркорлик фаолияти соҳасида фақатгина қонун бузилиши ҳолатлари ва ҳуқуқбузарликларни аниқлаш, айбдорларга нисбатан жазо муқаррарлигини таъминлашдан иборат бўлмасдан, тадбиркорларга қонуний фаолият кўрсатишларида ёрдамлашиш, улар олдидаги муаммоларнинг бартараф этилишида амалий кўмак беришдан иборатлигида кўрилади.



¹³Гадаборшева З.Б. Предмет прокурорского надзора за исполнением законодательства в сфере предпринимательской деятельности // "Российский следователь", 2013, №9. // <http://center-bereg.ru/b1642.html> / Мурожаат этилган сана 24.02.2020 й.

¹⁴Гадаборшева З.Б. Предмет прокурорского надзора за исполнением законодательства в сфере предпринимательской деятельности // "Российский следователь", 2013, №9. // <http://center-bereg.ru/b1642.html> / Мурожаат этилган сана 24.02.2020 й.

¹⁵Казарина А.Х. Предмет и пределы прокурорского надзора за исполнением законов (сфера предпринимательской и иной экономической деятельности) // Институт повышения квалификации руководящих кадров Генпрокуратуры РФ, – М., 2005. – С 76. (180 с.)

¹⁶ Мариничева А.Ю. Прокурорский надзор за законностью обеспечения предпринимательства и соблюдением прав субъектов предпринимательской деятельности // Уголовная юстиция, 2019, №13. – С. 123.

¹⁷Белецкий В.М. Прокурорский надзор за исполнением законов, регулирующих предпринимательскую деятельность: Автореф. дисс. ... канд. юрид. наук. – М.: Научно-исследовательский институт проблем укрепления законности и правопорядка при Генеральной прокуратуре Российской Федерации, 1996. – С. 8.

¹⁸ Бут Н.Д. Теоретические, правовые и организационные основы прокурорского надзора за исполнением законов о свободе экономической деятельности в Российской Федерации: Автореф. дисс. ... док. юрид. наук. – М.: Академия Генеральной прокуратуры Российской Федерации, 2011. – С. 5.

¹⁹ Прокурорский надзор за исполнением законов о защите прав предпринимателей: научно-методическое пособие / под общей редакцией А.В.Паламарчука. – М., 2014. – С. 9. (192 с.)

²⁰ Субанова Н.В. Теоретические и прикладные основы прокурорского надзора за исполнением законов о разрешительной системе: Дисс. ... док. юрид. наук. – М.: Академия Генеральной прокуратуры Российской Федерации, 2014. – С 142.

²¹ Бут Н.Д. Теоретические, правовые и организационные основы прокурорского надзора за исполнением законов о свободе экономической деятельности в Российской Федерации: Автореф. дисс. ... док. юрид. наук. – М.: Академия Генеральной прокуратуры Российской Федерации, 2011. – С. 5.

²² Мариничева А.Ю. Прокурорский надзор за законностью обеспечения предпринимательства и соблюдением прав субъектов предпринимательской деятельности // "Уголовная юстиция", 2019, № 13. – С. 123.

Исмоилов Фарход Исмоилович,
сотрудник Института СГБ Республики Узбекистан

К ВОПРОСУ ВВЕДЕНИЯ ИНСТИТУТА ПРИОСТАНОВЛЕНИЯ И ВОЗОБНОВЛЕНИЯ ПРОВЕДЕНИЯ ДОСЛЕДСТВЕННОЙ ПРОВЕРКИ В УГОЛОВНО-ПРОЦЕССУАЛЬНОЕ ЗАКОНОДАТЕЛЬСТВО РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

✦ *Анализируются проблемные вопросы сроков проведения доследственной проверки, установленных статьей 329 Уголовно-процессуального кодекса Республики Узбекистан, даны предложения по устранению процессуально-правовых пробелов, возникающих в ходе проведения доследственной проверки.*

✦ *Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 329-моддасида кўрсатилган терговга қадар текширувни ўтказиш муддатларига доир муаммоли масалалар таҳлил қилинган, терговга қадар текширувни ўтказиш давомида юзага келадиган процессуал-ҳуқуқий камчиликларни бартараф қилиш юзасидан таклифлар берилган.*

✦ *The article analyzes the problematic issues of the terms of the preliminary investigation, established by article 329 of the Criminal Procedure Code of the Republic of Uzbekistan, and offers amendments for eliminating procedural juridical gaps in the preliminary investigation process.*

Ключевые слова: Уголовно-процессуальный кодекс Республики Узбекистан, доследственная проверка, уголовное судопроизводство, срок дополнительной проверки.

Калит сўзлар: Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси, терговга қадар текширув, жиноят процесси, кўшимча текширув муддати.

Key words: The Criminal Procedure Code of the Republic of Uzbekistan, pre-investigation check, criminal proceedings, period of additional check.

В связи с совершенствованием института дознания в Республике Узбекистан, в уголовный процесс введен самостоятельный институт – доследственная проверка, который, по сути, заменил институт возбуждения уголовного дела¹.

Доследственная проверка является формой досудебного производства и начальной стадией уголовного процесса.

Согласно статье 320² УПК Республики Узбекистан доследственная проверка включает в себя мероприятия по проверке заявлений, сообщений и иных сведений о преступлениях, а также принятие решения по результатам их рассмотрения.

В соответствии со статьей 321 УПК Республики Узбекистан дознаватель, следователь, прокурор и должностное лицо органа, осуществляющего доследственную проверку, в пределах своей компетенции обязаны возбудить уголовное дело о преступлении во всех случаях, когда к тому имеются поводы и достаточные основания.

Согласно статье 329 Уголовно-процессуально-

го кодекса Республики Узбекистан срок доследственной проверки составляет **10 суток**. Этот срок исчисляется с момента получения заявлений, сообщений и иных сведений о преступлении и до момента принятия решения о возбуждении уголовного дела или об отказе в возбуждении, либо направления материалов доследственной проверки прокурору в соответствии со статьей 587 вышеуказанного Кодекса.

В пределах указанного срока, могут быть истребованы дополнительные документы, объяснения, а также произведены задержание лица, личный обыск, осмотр места происшествия, экспертиза, назначена ревизия, даны поручения о проведении оперативно-розыскных мероприятий. Производство во время доследственной проверки других следственных действий запрещается.

В исключительных случаях, срок доследственной проверки может быть продлен прокурором **до одного месяца** по мотивированному постановлению дознавателя, следователя или должностного лица

органа, осуществляющего доследственную проверку, при наличии одного из следующих обстоятельств: назначены экспертиза, служебное расследование, ревизия или иная проверка, требующие продолжительного времени для их производства;

необходимо истребовать объяснения лиц, находящихся в отдаленных местностях или уклоняющихся от явки по вызовам;

установлены новые обстоятельства, без дополнительной проверки которых невозможно принятие решения;

не истек установленный соответствующей статьей Особенной части Уголовного кодекса срок для добровольного возмещения причиненного материального ущерба и (или) устранения последствий преступления.

Проведение доследственной проверки сверх срока указанного в статье 329 Уголовно-процессуального кодекса является нарушением закона, поскольку по его истечении необходимо принять одно из решений, предусмотренных статьей 330 УПК Республики Узбекистан.

Однако, согласно статье 187⁷ УПК Республики Узбекистан срок проведения, например, такого следственного действия как ревизия составляет 30 календарных дней. При этом, предусмотрено продление указанного срока по соответствующему ходатайству постановлением дознавателя, следователя, прокурора с согласия Генерального прокурора или его заместителя либо определением суда:

в отношении субъектов предпринимательства еще **на 30 суток**;

в отношении государственных органов и организаций, а также хозяйствующих субъектов с долей государства в уставном фонде в размере 50 процентов и более, на срок, не превышающий сроки дознания, предварительного следствия и разбирательства уголовного дела в судебном заседании, установленные УПК.

В соответствии с пунктом 6 Типового положения о порядке проведения судебной экспертизы государственным судебно-экспертным учреждением или иным предприятием, учреждением, организацией, утвержденного постановлением Кабинета Министров Республики Узбекистан от 5 января 2011 года № 5, срок производства экспертизы установлен с учетом сложности экспертизы **в пределах 30 дней**. При этом допускается возможность дополнительного продления указанного срока.

Таким образом, максимальный срок доследственной проверки до одного месяца, установленный статьей 329 УПК Республики Узбекистан, не согласуется с положениями статьи 187⁷ УПК Республики Узбекистан и с пунктом 6 вышеуказанного Типового положения, предусматривающим возможность его продления более одного месяца.

Следует отметить, что срок доследственной проверки до одного месяца также может быть нарушен по объективным обстоятельствам, например, в

рамках международного запроса о выполнении того или иного процессуального действия на территории иностранного государства.

На сегодняшний день, уголовно-процессуальное законодательство республики не предлагает никакого механизма по разрешению данной проблемы.

Изучение зарубежного опыта показывает, что во многих странах стадия возбуждения уголовного дела (институт доследственной проверки) отсутствует как самостоятельная стадия уголовного судопроизводства. Например, в ФРГ, США, Франции начало уголовного преследования не облекается в процессуальную форму и связано с поступлением информации о совершенном преступлении. Согласно законодательству указанных стран прокурор, руководствуясь принципом целесообразности, возбуждает уголовное преследование только в том случае, если обнаружено лицо, совершившее преступление и собраны доказательства. При этом не выясняются вопросы вины в полном объеме, а лишь исследуется достаточность подозрений. Исследование всех обстоятельств уголовного дела в вышеуказанных странах, как правило, проводится исключительно судом, а не органом расследования.

По этому пути пошли и законодатели Украины. С принятием Уголовно-процессуального кодекса, вступившего в силу 20 ноября 2012 г., стадия возбуждения уголовного дела была упразднена².

Вступивший в силу 1 января 2015 г. Уголовно-процессуальный кодекс Республики Казахстан, также практически отказался от стадии возбуждения уголовного дела³.

Следует отметить, что аналогичная правовая коллизия имеется в законодательстве Российской Федерации. В этой связи, ряд российских ученых обращают внимание на факты искусственного продления правоохранительными органами сроков доследственной проверки путем неоднократных отмен вынесенных постановлений об отказе в возбуждении уголовных дел⁴.

Так, российский эксперт Стуконог И.В. отмечает, что некоторые работники правоохранительных органов, при невозможности завершить доследственную проверку в установленный срок, ссылаясь на неоконченную ревизию (не полученные по запросу документы, неоконченную оценку ущерба и т.д.) выносят постановления об отказе в возбуждении уголовного дела, одновременно направляя материал прокурору с ходатайством об отмене вышеуказанного решения. Прокурор, получив такой материал, вынужден согласиться с доводами ходатайства и, как правило, удовлетворяет его и отменяет решение, возвращая материал для производства дополнительной проверки. В результате, в отдельных случаях сроки проверки растягиваются на многие месяцы. В качестве примера, указывается доследственная проверка по факту необоснованного взыскания членских взносов председателем гаражного общества «Ока-2», прове-

денная ОВД по Московскому району г.Калининграда. В период с июня 2007 года по май 2010 года в рамках указанной доследственной проверки органом дознания более 8 раз принимались незаконные решения об отказе в возбуждении уголовного дела⁵.

На наш взгляд, одним из эффективных инструментов решения рассматриваемого вопроса является введение **института приостановления и возобновления проведения доследственной проверки** в уголовно-процессуальное законодательство Республики Узбекистан. Указанный институт достаточно успешно применяется, в частности, в уголовно-процессуальном законодательстве Республики Беларусь.

Так, в соответствии со статьей 173 УПК Республики Беларусь проведение проверки по заявлению или сообщению о преступлении может быть приостановлено мотивированным постановлением органа дознания, следователя или прокурора при наличии одного из следующих оснований:

неполучения ответа на международный запрос; неполучения результатов экспертизы либо проверки финансово-хозяйственной деятельности.

При этом, предельный общий срок приостановлений проверки по заявлению или сообщению о преступлении не может превышать трех месяцев.

Таким образом, в уголовном судопроизводстве Республики Беларусь исключены пробелы, относительно сроков проверки заявлений (сообщений) о преступлениях.

Кроме того, уголовно-процессуальное законодательство Республики Беларусь устанавливает конкретный **срок дополнительной проверки** заявления, сообщения и иных сведений о преступлениях, после отмены прокурором решения об отказе в возбуждении уголовного дела. Так, согласно части 5 статьи 173 УПК Республики Беларусь при отмене постановления органа дознания, следователя или нижестоящего прокурора об отказе в возбуждении уголовного дела, для проведения дополнительной проверки устанавливается срок до 10 суток.

Исходя из вышеизложенного, в настоящее время в уголовно-процессуальном законодательстве Республике Узбекистан возникает, на наш взгляд, острая необходимость внесении нормы о продлении максимального срока доследственной проверки. Эта мера, в некоторой степени, будет идти в противовес реформам, проводимым в судебной сфере, касающимся либерализации уголовного и уголовно-процессуального законодательства, в связи с тем, что в них просматривается тенденция сокращения предельных сроков, например, предварительного следствия - с одного года до семи месяцев, а также введение упрощенного порядка досудебного производства в виде дознания до одного месяца.

Представляется, что предлагаемый институт приостановления и возобновления проведения доследственной проверки можно ввести по аналогии по-

ложений статьей 364 и 371 УПК Республики Узбекистан, регламентирующих институт приостановления и возобновления предварительного следствия.

По нашему мнению, введение института приостановления и возобновления проведения доследственной проверки и установления срока дополнительной проверки материалов доследственной проверки после отмены прокурором постановления об отказе в возбуждении уголовного дела, позволит восполнить имеющиеся процессуально-правовые пробелы и будет способствовать совершенствованию уголовного судопроизводства Республики Узбекистан.

В этой связи, предлагается:

1. Внести в статью 329 Уголовно-процессуального кодекса Республики Узбекистан дополнения, изложив текст в следующей редакции:

«Статья 329. Порядок рассмотрения заявлений, сообщений и иных сведений о преступлениях

Заявления, сообщения и иные сведения о преступлениях должны быть зарегистрированы и разрешены немедленно, а при необходимости проверить законность повода и достаточность оснований к возбуждению уголовного дела - не позднее десяти суток. Этот срок исчисляется с момента получения заявлений, сообщений и иных сведений о преступлении и до момента принятия решения о возбуждении дела или об отказе в возбуждении, либо направления материалов доследственной проверки прокурору в соответствии со статьей 587 настоящего Кодекса.

В пределах срока, указанного в части первой настоящей статьи, проводится доследственная проверка, в ходе которой могут быть истребованы дополнительные документы, объяснения, а также произведены задержание лица, личный обыск и выемка в соответствии с частью второй статьи 162 настоящего Кодекса, осмотр места происшествия, экспертиза, назначена ревизия, даны поручения о проведении оперативно-розыскных мероприятий. Производство во время доследственной проверки других следственных действий запрещается.

В исключительных случаях срок доследственной проверки может быть продлен прокурором до одного месяца по мотивированному постановлению дознавателя, следователя или должностного лица органа, осуществляющего доследственную проверку, при наличии одного из следующих обстоятельств:

1) назначены экспертиза, служебное расследование, ревизия или иная проверка, требующие продолжительного времени для их производства;

2) необходимо истребовать объяснения лиц, находящихся в отдаленных местностях или уклоняющихся от явки по вызовам;

3) установлены новые обстоятельства, без дополнительной проверки которых невозможно принятие решения;

4) не истек установленный соответствующей статьей Особенной части Уголовного кодекса Республики Узбекистан срок для добровольного возмещения причиненного материального ущерба и (или) устранения последствий преступления.

«В срок проведения доследственной проверки не включается время, в течение которого она была приостановлена по основаниям, предусмотренным настоящим Кодексом.

При отмене постановления дознавателя, следователя и прокурора, а также должностного лица органа, осуществляющего доследственную проверку об отказе в возбуждении уголовного дела и направлении материалов для проведения дополнительной проверки прокурор устанавливает срок до двадцати суток».

2. Дополнить Уголовно-процессуальный кодекс Республики Узбекистан **статьей 329¹** и изложить её в следующей редакции:

Статья 329¹. Приостановление и возобновление проведения доследственной проверки

«Проведение доследственной проверки может быть приостановлено по мотивированному постановлению дознавателя, следователя, прокурора или должностного лица органа, осуществляющего доследственную проверку, при наличии одного из следующих обстоятельств, препятствующих принятию решения, предусмотренного пунктами 1-3 статьи 330 настоящего Кодекса, если:

1) затянuloсь проведение экспертизы или ревизии;

2) задерживается ответ по международному запросу.

Предельный общий срок приостановлений доследственной проверки не может превышать трех месяцев.

Производство действий, указанных в части вто-

рой статьи 329 настоящего Кодекса, за исключением экспертизы и ревизии по приостановленной доследственной проверке не допускается.

Приостановленная доследственная проверка возобновляется по мотивированному постановлению дознавателя, следователя, прокурора или должностного лица органа, осуществляющего доследственную проверку, когда:

1) устранены обстоятельства, предусмотренные частью первой настоящей статьи в качестве оснований к приостановлению доследственной проверки;

2) возникла необходимость производства дополнительных действий, указанных в части второй статьи 329 настоящего Кодекса.

Постановление о приостановлении доследственной проверки может быть отменено как несоответствующее закону и возобновлено мотивированным постановлением прокурора.

При возобновлении доследственной проверки одновременно возобновляется течение срока доследственной проверки.

О приостановлении и возобновлении проведения доследственной проверки в течение двадцати четырех часов уведомляется заявитель. Копии постановлений о приостановлении и возобновлении проведения доследственной проверки в течение двадцати четырех часов направляются прокурору.

Постановление о приостановлении проведения доследственной проверки может быть обжаловано прокурору».

Заключение к статье.

Проведенное исследование направлено на восполнение имеющихся правовых пробелов и совершенствование уголовно-процессуального законодательства Республики Узбекистан.



¹ Закон Республики Узбекистан «О внесении изменений и дополнений в некоторые законодательные акты Республики Узбекистан» от 6 сентября 2017 года № ЗРУ-442 // Ведомости палат Олий Мажлиса Республики Узбекистан, 2017 г., № 9, ст.506.

² Богатова Е.В. Стадия возбуждения уголовного дела в системе обеспечения прав человека // <https://cyberleninka.ru/article/n/stadiya-vozbuzhdeniye-ugolovnogo-dela-v-sisteme-obespecheniya-prav-cheloveka/viewer>

³ Деришев Ю.В., Нурмагамбетов А.С. Реформа досудебного производства по новейшему уголовно-процессуальному законодательству Республики Казахстан. <https://cyberleninka.ru/article/n/reforma-dosudebnogo-proizvodstva-po-noveyshemu-ugolovno-protsessualnomu-zakonodatelstvu-respubliki-kazakhstan/viewer>

⁴ Медведева В.Е., Ястребова Т.И. Доследственная проверка в рамках стадии возбуждения уголовного дела // <https://cyberleninka.ru/article/n/dosledstvennaya-proverka-v-ramkah-stadii-vozbuzhdeniya-ugolovnogo-dela/viewer>

⁵ Стуконог И.В. Соблюдение разумных сроков на стадии возбуждения уголовного дела // <https://cyberleninka.ru/article/n/soblyudenie-razumnyh-srokov-na-stadii-vozbuzhdeniya-ugolovnogo-dela/viewer>

Мамажанов Аброрбек Мирабдуллаевич,
Тошкент давлат юридик университети ўқитувчиси

РУҲИЙ ҲОЛАТИ БУЗИЛГАН ШАХСЛАР ЖИНОИЙ ЖАВОБГАРЛИГИНИНГ РИВОЖЛАНИШИ ТАРИХИ: ХОРИЖИЙ ТАЖРИБА

- ◆ Мақолада хорижий тажриба мисолида ақли расоликни истисно этмайдиган тарзда руҳий ҳолати бузилган шахслар жиноий жавобгарлигининг ривожланиш тарихи ёритилган.
- ◆ В статье освещена история развития уголовной ответственности лиц с психическими расстройствами, не исключаям вменяемости на примере зарубежного законодательства.
- ◆ The article highlights the history of criminal liability of persons with mental disorders, which does not exclude sanity, based on the example of foreign legislation.

Ключевые слова: Вменяемость, ограниченная вменяемость, психическое расстройство, история развития, зарубежный опыт.

Таянч сўзлар: Ақли расолик, чекланган ақли расолик, руҳий ҳолатнинг бузилиши, ривожланиш тарихи, хорижий тажриба.
Key words: Sanity, limited sanity, mental disorder, development history, foreign experience.

Ақли расоликнинг ва жавобгарликнинг ҳуқуқий тоифаларини назарий асослаш тарихий равишда ирода эркинлиги ҳақидаги фалсафий таълимотдан келиб чиққан. Кантнинг сўзларига кўра, инсон ўз хатти-ҳаракатларини эркин белгилайди. Айбланиш — бу шахсни содир этилган жиноятнинг сабабчиси сифатида тан олиш, жавобгарликнинг асоси — ақлли мавжудод сифатида шахснинг ирода эркинлиги борлигидадир, аммо ақли норасо шахс эркин иродага эга бўлмайди [1].

Гегелнинг фикрига кўра, эркин ирода таърифи мавжуд бўлмаган жойда айбдорлик йўқ, чунки айбловнинг умумий шартини бу тафаккур қилиш ва ироданинг диалектик бирлигидадир («ирода-бу фикрлаш, ўзини тирик воқеликка айлантириш»; айбдорлик фақат «субъект билган ва хоҳлаган» пайтда мавжуд бўлади). Ахлоқлик, тентаклик ва ҳоказолар тафаккур қилиш ва ирода эркинлигини йўқ қилади [2].

Биринчи марта ақли норасоликнинг қонуний формуласи Франциянинг 1810 йилги жиноят кодексига (кейинги матнда ЖК) ирода эркинлиги ҳақидаги фалсафий қарашларнинг таъсири остида пайдо бўлди: «агар шахс қилмишни содир этиш пайтида ақлдан озган бўлса, унинг қилмишида ҳеч қандай жиноят ёки ҳуқуқбузарлик аломатлари бўлмайди» [3]. Ҳуқуқий талқин ақли норасоликнинг фақатгина тиббий мезонларини камраб олган эди («ақлдан озиш»). Франция ЖКда шахс жазоланиши учун «ҳаракатни содир этишда унинг иродасининг фаоллиги даражасини» белгилаш керак, агар уни содир этган шахс «ўзининг интеллектуал қобилиятдан тўлиқ фойдаланмаган бўлса», жиноятнинг белгилари мавжуд бўлмайди деган қоида мутаҳкамланди ҳамда ушбу норма кейинчалик кўпгина Европа давлатларининг ЖКларида ҳам ўз аксини топди (1813 йилги Бавария

ЖК, 1840 йилги Брауншвейг ЖК, 1841 йилги Саксен-Алтенбург ЖК, 1863 йилги Белгия ЖК). Мисол учун, 1871 йилдаги Германия ЖКда шахс оғир руҳий касаллик туфайли тафаккур қилиш эркинлигини йўқотиш натижасида жиноят содир этса, жазога тортилмаслиги тўғрисидаги қоида белгилаб қўйилди [4].

1841 йилдаги Гессен ЖКда ва 1845 йилдаги Бавария ЖКда «ўзини англаш ёки қилмишни жазога сазоворлигини тушуниш қобилияти ёхуд ирода эркинлиги бутунлай йўқотилмаган, аммо сезиларли даражада пасайган» ҳолатлар жазони енгиллаштирувчи ҳолат сифатида белгилаб қўйилди. Кейинчалик шунга ўхшаш нормалар 1864 йилда Швеция, 1871 йилда Мексика, 1886 йилда Дания, 1889 йилда Финляндия жиноят қонунчилигида ҳам ўрнатилди.

Юқоридаги қонунлар классик жиноят ҳуқуқи мактаби (И.Бентҳам, А.Феурбах) таъсири остида бўлиб, унинг услубий асослари идеализм ва индетерминизм фалсафасидан иборат бўлган. Ушбу мактаб таълимотига кўра, идеализм онгнинг материяга нисбатан устунлигини тан олади. Индетерминизм жавобгарликнинг асоси сифатида ирода эркинлигидан келиб чиқади ва онг, инсон танлови ва хулқ-атвор соҳасидаги “механик” детерминизмнинг сабабий принциплари таъсири ради этади [5]. А.Бернер айбловнинг асосини ички ҳиссиёт ва ниятларга мувофиқ амалга ошириладиган шахснинг иродаси ва эркинлиги деб ҳисоблаган. Шу билан бирга у инсоннинг маънавий ҳаёти ташқи «сабаблар» ва «табиат қонунлари» билан белгиланмайди деган хулосага келган [6].

Классик мактаб вакиллари жиноятчиликнинг манбаини ёвуз ирода ташкил этади деган хулосада бўлишган. Руҳий хасталик ирода эркинлигини чеклайди, шу туфайли шахс камроқ ёвуз иродага эга бўлади. Эркинликнинг камайиши айбнинг камайишини

ва натижада жазонинг камайишини олдиндан белгилаб беради. Ақли норасо шахснинг ёвуз иродаси эркин тарзда ўзи томонидан бошқарилмайди, шу сабабдан у жазога тортилмаслиги лозим.

Ушбу мактаб тарафдорлари ақли расолик ва айб тушунчаларини бирлаштириб, жазони енгиллаштирувчи ҳолат сифатида чекланган ақли расолик тоифасини киритдилар.

Классик мактаб вакиллари фикрларига қарши бўлган жиноят ҳуқуқининг антропологик мактаби намоедалари (Ч.Ломброзо, Э.Ферри, Р.Гарофало) қарашларининг фалсафий асоси эса материализм ва детерминизмлардан иборат бўлган. Ушбу мактабнинг ривожланиши мия фаолияти, руҳий касалликлар ва жиноятчилик даражаси ўртасидаги боғлиқликни ўрганган бир қатор тадқиқотлар туфайли юзага келди.

Френолог Ж.Галл фикрича, «Бош суюқнинг конфигурацияси ақлий ва ахлоқий хусусиятларнинг марказлари бўлган мия фаолияти бузилишини келтириб чиқаради» [7]. Ф.Вуазен жиноятчиларнинг мия фаолияти тузилишидаги камчиликлар ҳақида, Маю ва Дегин жиноятчилик ва ақлий аномалиялар, эпилепсия ўртасидаги боғлиқлик тўғрисидаги фикрларни билдириб ўтишган [8].

Ч.Ломброзо жиноят атавизм ёки касаллик (эпилепсия, ахлоқсизлик)нинг натижаси деб ҳисоблаган. Унинг фикрига кўра, ҳар қандай жиноятчи ўзига хос антропометрик ва руҳий хусусиятларга эга бўлган, бу туфайли у муқаррар равишда жиноят содир этадиган махсус тип ҳисобланади, жиноятчилар ахлоқий жиҳатдан ақлдан озган, бундан ҳимояланиш учун уларга узоқ муддатли қамоқ жазоси қўлланилиши керак [9]. Кейинчалик, Ч.Ломброзо Э.Ферри таъсири остида ўз нуқтаи назарини тўғрилаб, жиноий мойилликларнинг ихтиёрий равишда амалга оширилишини ва ижтимоий омилларнинг жиноятчилик сабаби сифатида муҳим ролини тан олди [10].

Классик ҳамда антропологик мактаблар қарашларидан фарқ қилган социологик мактабнинг (Ф.Лист, А.Принс, Т.Ван Гамел) методологик асоси эмпирик тадқиқотларни ҳақиқий билимнинг ягона манбаи сифатида тан олган позитивизм бўлган. Социологик мактаб тарафдорлари ушбу соҳада ирода эркинлиги ҳаддан ташқари метафизик тушунча сифатида қабул қилиниши, жиноий ҳаракатлар ижтимоий ва биологик омиллар билан белгиланиши ҳамда бунда ижтимоий омиллар биринчи ўринда туриши лозим деган фикрда бўлишган [11].

Юқоридаги мактабларнинг турли хил қарашлари хорижий мамлакатлар жиноят қонунчилигида ақли расоликни истисно этмайдиган тарзда руҳий ҳолати бузилган шахсларнинг жиноий жавобгарлиги масаласига ҳар хил ёндашувлар пайдо бўлишига асос бўлиб хизмат қилди.

Германия Федератив Республикасининг ЖКга биноан «агар ўз қилмишини ҳуқуққа хилофлигини англаш ёки ушбу ўй билан ҳаракат қилиш қобиляти сезиларли даражада камайган бўлса, жазо енгиллаштирилиши мумкин» (21-§) [12]. Жамият учун хавф тугдирса, суд шахсни руҳий касалликлар шифохонасига жойлаштириш тўғрисида қарор қабул

қилади (63-§). Эҳтиёт чораси жазодан олдин ёки кейин тўлиқ ёки қисман бажарилиши мумкин. Бундан ташқари, бундай чора «хавфсизлик ва тузатиш чораси» деб номланади ва шартли равишда озод қилиш кўп жиҳатдан бундай чоранинг самарадорлигига боғлиқ (67-§).

Швейцариянинг 1937 йилги ЖКнинг 11-моддасига биноан суд ўз хоҳишига кўра жазони енгиллаштириши мумкин, аммо хавфсизлик чоралари зарур бўлса, жазо енгиллаштирилмайди. Бундай чоралар нафақат амбулатория шароитида доволанишни, балки тиббий муассасага жойлаштиришни ҳам ўз ичига олади. Кодекснинг 43-моддасига биноан, муассасада доволаниш муддати давомида озодликдан маҳрум қилиш жазоси ижроси кечиктирилади. Агар доволаниш муддати тугаса ёки самараси бўлмаса, судья бекор қилинган жазоларни давом эттириш ёки қанча вақт давом этиш кераклиги тўғрисида қарор қабул қилади. Агар ҳукми ижро этиш муассасадаги доволанишнинг самарадорлигига жиддий таҳдид солиши мумкинлиги ҳақида асос бўлса, судья жазони бекор қилиши мумкин. Бундан ташқари, қонунда жазо ҳамда хавфсизлик чораларининг аниқ мақсадларини белгиланмаган ҳамда қонунни қўлловчи ушбу чораларни ўз хоҳишига кўра бирлаштириши мумкин [13].

Хавфсизлик чоралари тушунчасидан расман воз кечган 1992 йилги Франция ЖКда бошқача ёндашув мавжуд. ЖКнинг 122¹-моддасига биноан, «жиноят содир этилган пайтда шахснинг ҳаракатини бошқариш қобилятини пасайтирган ёки унинг ҳаракатларини бошқариш қобилятига ҳалақит берадиган ҳар қандай руҳий ёки руҳий касалликка дучор бўлган шахс жиноий жавобгарликка тортилади, аммо суд жазони белгилаш ва уни ижро этиш тартибини белгилашда ушбу вазиятни ҳисобга олади. Бундай ҳолатларда, озодликдан маҳрум қилиш жазоси миқдори 1/3 қисмига, умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазоси 30 йилгача бўлган муддатга қисқартирилади. Бироқ, суд қонунбузарлик соҳасидаги махсус асосланган қарор билан ушбу муддатларни камайтирмаслик тўғрисида қарор қабул қилиши мумкин [14].

«Камайган ақли расолик» атамаси Германия, Швейцария, Беларусь [15]; «чекланган ақли расолик» — Украина, Литва, Латвия, Эстония, Арманистон, Грузия, Тожикистон; «ақли расоликни истисно этмайдиган тарзда руҳий ҳолат бузилиши» — Қозоғистон, Қирғизистон, Озарбайжон; «Айбдор, аммо руҳий касал» — Пенсильвания, «ярим ақли расолик» — Боливия [16], терминологик тушунчаси берилмаган ҳолда — Франция ЖКларида учрайди.

Хорижий мамлакатлар жиноят қонунчилигида «тиббий мезон» тушунчаси қуйидаги турли хил талқинларга эга: Германия Федератив Республикасида — «руҳий ҳолатнинг бузилиши, онг ҳолатининг чуқур бузилиши, ақли заифлик, бошқача оғир тарзда руҳий ҳолатнинг бузилиши» [17], Швейцарияда — «онгнинг бузилиши, руҳий фаолиятнинг бузилиши, ақлий ривожланишнинг сустлиги» [18], Францияда — «руҳий ҳолатнинг ёки асаб ва руҳиятнинг бузилиши», Италияда — «истисно қилмайдиган, аммо сезиларли даражада пасайган руҳий ҳолат» [19], Пенсильва-

нияда — «рухий ҳолатнинг бузилиши ёки норасолик», Австрияда — «рухий хасталик», Японияда — фақат «ақли заифлик» [20], Беларусьда — «рухий ҳолатнинг бузилиши (касаллик) ёки ақлий заифлик» [21], Украина ва Қозоғистонда — «рухий ҳолатнинг бузилиши» [22].

Юридик мезон ҳам, ўз навбатида, турлича талкин этилган: 1) «тўлиқ бўлмаган ўлчов» — Украина («у ўз ҳаракатларини (ҳаракатсизлигини) тўлиқ амалга ошира олмаган» ва (ёки) уларни бошқара олмаган»), Беларусь («ўз ҳаракатларининг аҳамиятини тўлиқ англай олмаган ёки уларни бошқара олмаган»); 2) сезиларли даражада пасайиш — Италия («англаш ва хоҳиш қобилятини сезиларли даражада камайтирилган») [23], Пенсильвания («ўз қилмишини ҳуқуққа хилофлигини англаш ёхуд қилмишини қонун талабларига мослаштириш қобиляти етарли даража эмаслиги») [24]; ГФР (қилмишни ҳуқуққа хилофлигини англаш қобиляти сезиларли даража пасайиши); 3) «англаш ва бошқариш қобилятининг пасайиши (бузилиши)» — Франция [25] ва Швейцарияда [26].

Ақли расоликни истисно этмайдиган тарзда рухий ҳолатнинг бузилиши жиноий жазо тайинлашда энгиллаштирувчи ҳолат сифатида баҳоланиши мумкин: 1) Беларусьда — «ҳукм чиқаришда ҳисобга

олиниши мумкин» [27], Украинада — «ҳукм чиқаришда суд эътиборига олинадиган» [28]; 2) жазони мажбурий равишда юмшатишни талаб қилмайдиган ўхшаш ёндашув — Албания, Литва, Эстония, Польша; «Жазони энгиллаштириш мумкин» — Германияда, Австрияда [29], 3) жазони энгиллаштирадиган вазиёт сифатида — Италия, Туркия, Боливия, Арманистон, Литва, Латвия, Туркменистон; 4) «жазодан озод қилинадиган, истисно ҳолатлар бундан мустасно» — Дания [30].

Ўзбекистон Республикаси ЖКда ақли расоликни истисно этмайдиган тарзда рухий ҳолатнинг бузилиши тўғридан-тўғри энгиллаштирувчи ҳолат сифатида кўрсатилмаган (ЖКнинг 55-моддаси), лекин қонун энгиллаштирувчи ҳолатларни чеклаб қўймайди, шунинг учун ҳам суд жазо тайинлашда қонунчиликда назарда тутилмаган бошқа ҳолатларни ҳам энгиллаштирувчи ҳолат деб топиши мумкин. Бизнинг фикримизча, ақли расоликни истисно этмайдиган тарзда рухий ҳолатнинг бузилиши тўғридан-тўғри энгиллаштирувчи ҳолат сифатида киритилиши лозим. Чунки биринчидан, бу ҳолатда айбдорнинг тафаккурий ва иродавий имкониятлари нисбатан чекланган бўлиб, айбдор ўз қилмишлари оқибатини тўлиқ англаш имкониятига эга бўлмайди, иккинчидан инсонпарварлик принципига тўлиқ мос келади.



[1] Кант И. Сочинения в шести томах. Том 4, 1-часть. М., 1965. С. 289.

[2] Гегель Г. Философия права. М., 1990. С. 89, 165.

[3] Французский уголовный кодекс 1810 года / Под ред. М.М.Исаева, пер. Н.С.Лапшина. М., 1947. С. 115.

[4] Куванова Ю.А. Психическое расстройство, не исключающее вменяемости: история, теория, практика: дис. ... канд. юрид. наук: 12.00.08. М., 2001. С. 39.

[5] Философский энциклопедический словарь. М.: Советская энциклопедия. Гл. редакция: Л. Ф.Ильичёв, П.Н.Федосеев, С.М.Ковалёв, В.Г.Панов. 1983. С. 205.

[6] Бернер А.Ф. Учебник уголовного права. Т. 1. Часть Общая. СПб. 1865. С. 62.

[7] Фейнберг Ц.М. Учение о вменяемости в различных школах уголовного права и в судебной психиатрии. М., 1946. С. 41.

[8] Иншаков С.М. Зарубежная криминология. М., 1997. С. 56.

[9] Фейнберг Ц.М. Учение о вменяемости в различных школах уголовного права и в судебной психиатрии. М., 1946. С. 41.

[10] Иншаков С.М. Зарубежная криминология. М., 1997. С. 56.

[11] Фейнберг Ц.М. Учение о вменяемости в различных школах уголовного права и в судебной психиатрии. М., 1946. С. 41.

[12] Strafgesetzbuch (StGB). Neugefasst durch Bek. v. 13.11.1998 I 3322; // URL: <https://www.gesetze-iminternet.de/stgb/index.html#BJNR001270871BJNE008802307>

[13] Schweizerisches Strafgesetzbuch vom 21. Dezember 1937 // URL: http://www.wipo.int/wipolex/ru/text.jsp?file_id=444703

[14] Code Penal de la France. // URL: <https://www.legifrance.gouv.fr/affichCode.do?cidTexte=LEGITEXT000006070719&dateTexte=20180113>

[15] Беларусь Республикаси жиноят кодекси №275-3, //http://base.spinform.ru/show_dofwx?rgn=1977

[16] Додонов В.Н. Сравнительное уголовное право. Общая часть: Монография / Под. общ. ред. С.П.Щербы. М., 2009.С. 159.

[17] Strafgesetzbuch (StGB). Neugefasst durch Bek. v. 13.11.1998 I 3322 // URL: <https://www.gesetze-im-internet.de/stgb/index.html#BJNR001270871BJNE008802307>

[18] Schweizerisches Strafgesetzbuch vom 21. Dezember 1937 // URL: http://www.wipo.int/wipolex/ru/text.jsp?file_id=444703

[19] Бураева С.К. Уголовная ответственность лиц с отклонениями в психике, не исключающими вменяемости: дис.... канд. юрид. наук: 12.00.08. Иркутск. 2002. С. 23.

[20] Додонов В.Н. Сравнительное уголовное право. Общая часть: Монография / Под. общ. ред. С.П.Щербы. М., 2009.С. 159.

[21] Беларусь Республикаси жиноят кодекси №275-3, //http://base.spinform.ru/show_dofwx?rgn=1977

[22] Украина Республикаси жиноят кодекси № 2341-III // URL: http://kodeksy.com.ua/ka/ugolovnyj_kodeks_ukraini.htm; Қозоғистон Республикаси жиноят кодекси № 226-V // URL: http://online.zakon.kz/m/Document/?doc_id=31575252#sub_id=170000

[23] Бураева С.К. Уголовная ответственность лиц с отклонениями в психике, не исключающими вменяемости: дис. ... канд. юрид. наук: 12.00.08. Иркутск. 2002. С. 23.

[24] Додонов В.Н. Сравнительное уголовное право. Общая часть: Монография / Под. общ. ред. С.П.Щербы. М., 2009.С. 159.

[25] Code Penal de la France. // URL: <https://www.legifrance.gouv.fr/affichCode.do?cidTexte=LEGITEXT000006070719&dateTexte=20180113>

[26] Schweizerisches Strafgesetzbuch vom 21. Dezember 1937 // URL: http://www.wipo.int/wipolex/ru/text.jsp?file_id=444703

[27] Беларусь Республикаси жиноят кодекси №275-3, //http://base.spinform.ru/show_dofwx?rgn=1977

[28] Украина Республикаси жиноят кодекси № 2341-III // URL: http://kodeksy.com.ua/ka/ugolovnyj_kodeks_ukraini.htm

[29] Бураева С.К. Уголовная ответственность лиц с отклонениями в психике, не исключающими вменяемости: дис. ... канд. юрид. наук: 12.00.08. Иркутск. 2002. С. 23.

[30] Додонов В.Н. Сравнительное уголовное право. Общая часть: Монография / Под. общ. ред. С.П.Щербы. М., 2009.С. 159.

Султонов Абдулла Азаматович,
Ўзбекистон Республикаси ИИБ
Академияси тадқиқотчиси

ПРОЦЕССУАЛ ХАРАЖАТЛАРНИ ТЎЛАШНИНГ ЖИНОЯТ-ПРОЦЕССУАЛ АСОСЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

◆ Мақолада жиноят процесси иштирокчилари томонидан қилинган харажатларни тўлашга оид норманинг юридик табиатини танқидий таҳлил қилиш асосида, уни жиноят-процессуал қонунчиликда тартибга солинишини янада такомиллаштиришга оид таклифлар илгари сурилган.

◆ В статье, основанной на критическом анализе правовой природы нормы оплаты расходов, понесенных участниками уголовного процесса, внесены предложения по дальнейшему совершенствованию регулирования уголовно-процессуального законодательства в данной области.

◆ In the article, based on a critical analysis of the legal nature of the norm to pay the costs incurred by participants in criminal proceedings, proposals for further improvement of the regulation of criminal procedure legislation have been previously asked.

Ключевые слова: жиноят-процессуал қонунчилик, процессуал харажатлар, процесс иштирокчиси, харажатларни тўлаш, сарф-харажатларни ундириш ҳуқуқи, қонун нормаси.

Калит сўзлар: уголовно-процессуальное законодательство, процессуальные издержки, участник судопроизводства, право на оплату расходов, право на возмещение издержек, правовая норма.

Key words: criminal procedural legislation, procedural costs, participant of proceedings, right to pay expenses, right to recover costs, legal norm.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 майдаги ПҚ-3723-сон “Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилиги тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорида жиноят процессида шахс ҳуқуқ ва эркинликларининг ишончли кафолатини таъминлаш механизмларини такомиллаштиришнинг вазифалари доирасида “... процессуал чиқимларни қоплаш тартибини такомиллаштириш” масаласи алоҳида вазифа тарикасида белгиланган[1]. Зеро, процессуал харажатлар институти моҳиятан жиноят-процессуал ҳуқуқий муносабатларда шахснинг мулкӣ ҳуқуқлари ва манфаатларини муҳофаза қилади.

Маълумки, амалдаги Жиноят-процессуал кодекси (ЖПК)нинг умумий қисм, саккизинчи бўлим, 40-боби бевосита процессуал харажатлар институти тартибга солади. Шунингдек, ЖПКнинг 75-моддасида жабрланувчилар ва уларнинг вакиллари, гувоҳлар, экспертлар, мутахассислар, таржимонлар ва ҳолисларнинг жиноят процессидаги сарф-харажатларини тўлашнинг ҳуқуқий асоси мустаҳкамланган. Хусусан, ушбу модданинг биринчи қисмида жиноят процессининг айрим иштирокчиларининг иш жойидаги ўртача ойлик маоши уларнинг суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд ҳузурига чақирилиши муносабати билан кетган ҳамма вақт учун сақланиши, уларнинг доимий иш жойи бўлмаган тақдирда эса кундалик машғулотлари билан шуғуллана олмаганликлари учун ҳақ тўланиши, шунинг-

дек уларнинг чақирилиши билан боғлиқ қилган сарф-харажатларини ундириш ҳуқуқига эга эканлиги белгиланган. Бу билан жиноят процессида ўз манфаатларини ҳимоя қиладиган шахслардан жабрланувчи ёки унинг вакили ҳамда жиноят процессида иштирок этадиган бошқа шахслар, яъни гувоҳ, эксперт, мутахассис, таржимон ёки ҳолисларнинг жиноят процессига жалб этиш давомида уларнинг меҳнат қонунчилиги билан боғлиқ мулкӣ ҳуқуқлари эътироф этилади.

ЖПК 75-моддасининг иккинчи қисмида, жиноят процессида иштирок этадиган бошқа шахслардан эксперт, мутахассис ва таржимоннинг жиноят процессида ўз мажбуриятларини хизмат топшириғи тарзида бажарганидан ташқари ҳолларда ҳақ олиш ҳуқуқи акс этган. Бунда қонун чиқарувчи жиноят процессида ўз хизматлари билан қатнашган иштирокчиларнинг хизматлари эвазига ҳақ тўланишини, шу билан бирга, бу хизматлар улар доимий ишлайдиган ташкилот, муассаса ёки идора маъмуриятининг расмий топшириғи асосида кўрсатилган бўлса, бунинг учун ҳақ улар ишлайдиган жой ҳисобидан тўланиши лозимлигини белгилаб қўйган.

ЖПК 75-моддасининг учинчи қисмида эса, биринчи ва иккинчи қисмларда назарда тутилган сарф-харажатлар қонунда белгиланган тартибда ва миқдорда тўланиши ҳақидаги қоида белгиланган. Ушбу тартиб ва миқдор Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 3 июндаги «Гувоҳлар, жабрланувчи, экс-

перт, мутахассислар, таржимонлар ва холисларнинг қилган харажатларини тўлаш тартиби ва миқдори» тўғрисидаги Қонуни асосида тартибга солинади.

Бироқ, ЖПК 75-моддасини илмий-амалий таҳлил қилиш давомида бир қатор мунозарали масалалар кўзга ташланади: *Биринчиси*, мазкур модда Кодекснинг умумий қисми, жиноят процесси иштирокчилари номли иккинчи бўлимидаги, жиноят процессида иштирок этувчи бошқа шахслар номли 6-бобдан жой олган. Бироқ, ушбу моддада 5-бобда ҳуқуқий мақоми белгиланган жабрланувчи ва унинг вакилларининг мулкӣ (иқтисодий) ҳуқуқлари эътироф этилган. Жабрланувчи ва унинг вакиллари эса жиноят процессида иштирок этувчи бошқа шахслар номли 6-бобнинг ҳуқуқий тартибга солиш предмети ҳисобланмайди. Ўзбекистон Республикасининг “Қонунлар лойиҳаларини тайёрлаш ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига киритиш тартиби тўғрисида”ги Қонуни 19-моддасидаги қонун лойиҳасининг тузилиши бўйича қўйилган талабларида бўлса, “Бўлимлар, кичик бўлимлар, боблар, параграфлар, моддалар, шунингдек моддаларнинг қисмлари, бандлари ва кичик бандлари лойиҳа мавзуи мантиқан ривожланиб боришини таъминлайдиган тарзда кетма-кет жойлаштирилади” деган қоида белгиланган[2]. ЖПК 75-моддаси мазмунига кўра, жиноят процесси иштирокчилари номли иккинчи бўлимнинг 5 ва 6-бобдаги процесс иштирокчилари учун бирдек тааллуқлидир. Шу сабабли ЖПК 75-моддасининг 6-бобда жойлашуви, унинг юридик қамрови, шунингдек қонунчилик техникаси талабларига тўла мувофиқ келмайди.

Иккинчиси, ушбу модданинг мазмуни ЖПКнинг 40-бобидаги моддаларнинг ҳуқуқий тартибга солиш предмети билан ўхшаш ва аксарият қоидаларда такрорланишлар мавжуд. Жумладан, ЖПК 75-моддаси биринчи қисмидаги қоида, 40-бобнинг 319-моддаси (ўртача иш ҳақининг сақланиши) ҳамда 318-модда, иккинчи қисми, 1 ва 2-бандлари мазмунини, иккинчи қисми эса 318-модда, иккинчи қисми, 3-банди мазмунини такрорлайди. Бошқача айтганда, уларда бир хил турдаги процессуал харажатлар баён қилинган. Ушбу фикримиз қуйида келтириладиган жадвалда яққол кўзга ташланади:

ЖПКнинг 75-моддаси ҳамда 40-бобидаги қоидаларни таққослаш Ж А Д В А Л И		
Т/р	ЖПКнинг 75-моддаси	ЖПКнинг 40-бобидаги моддалар
1.	2-устун	3-устун
1-қатор	биринчи қисм: 1) Жабрланувчи ёки унинг вакили, гувоҳ, эксперт, мутахассис, таржимон ёки холис сифатида чакирилган шахснинг иш жойидаги ўртача ойлик маоши унинг суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд ҳузурига чакирилиши муносабати билан кетган ҳамма вақт учун сақланади.	319-модда. Ўртача иш ҳақининг сақланиши Гувоҳ тарикасида, шунингдек жабрланувчи, фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар ва уларнинг вакиллари, эксперт, мутахассис, таржимон, холис, жамоат айбловчиси ва жамоат химоячиси тариқасида чакириладиган шахснинг суриштирувчига, терговчига, прокурорга ёки судга чакирилганлиги билан боғлиқ буткул вақт учун уларнинг иш жойида ўртача иш ҳақи сақлаб қолинади.
2-қатор	2) Ишламайдиган шахсларга улар кундалик машғулоти билан шуғуллана олмаганликлари учун ҳақ тўланади.	318-модда. Процессуал чикимлар Процессуал чикимлар: 2) доимий иш ҳақи олмайдиган жабрланувчиларга ва уларнинг вакиллари, гувоҳларга, холисларга уларни одатдаги машғулоти билан чалғитганлик учун тўланадиган суммадан;
3-қатор	3) Бундан ташқари кўрсатилган ҳамма шахслар чакирилиш муносабати билан қилган сарф - харажатларини ундириш ҳуқуқига эгадирлар.	318-модда. Процессуал чикимлар Процессуал чикимлар: 1) жабрланувчиларга ва уларнинг вакиллари, гувоҳларга, экспертларга, мутахассисларга, таржимонларга, холисларга уларнинг процессуал харажатлар ўтказиладиган жойга келиб кетиш, турар жойни ижарага олиш харажатларини қоплаш учун, шунингдек суткалик харажат пули тарикасида бериладиган суммадан;
4-қатор	Иккинчи қисм. Эксперт, мутахассис ва таржимон ўз мажбуриятларини бажарганликлари учун ҳақ олиш ҳуқуқига эга. Ушбу мажбуриятлар хизмат топшириғи тарзида бажарилган ҳоллар бундан мустасно.	318-модда. Процессуал чикимлар Процессуал чикимлар: 3) экспертларга, таржимонларга, мутахассисларга улар суриштирув, дастлабки тергов ёки судда ўз вазифаларини бажарганлиги учун тўланадиган ҳақдан, ана шу вазифалар хизмат топшириғи тартибда бажарилган ҳоллар бундан мустасно;

Мазкур жадвалнинг биринчи ва иккинчи қаторида айрим фарқли жиҳатлар бўлса-да, аммо учинчи ва тўртинчи қаторлари бир – бирини айнан такрорлайди. Бу ҳолат юзасидан қуйидаги фикрларни жамлаш мумкин: “ЖПК 75-моддаси асосан, суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд ҳузурига чакирилган айрим жиноят процесси иштирокчиларининг мулкӣ манфаатлари қонун муҳофазасида эканлиги ҳамда уларнинг шундай ҳуқуқлари мавжудлиги ҳақида маълумот беради. ЖПК 40-бобида эса, жиноят ишини юритиш билан боғлиқ қайси сарф-харажатлар процессуал харажатларнинг тури сифатида эътироф этилиши кўрсатилган. Шу сабабли, қиёсланаётган моддалар шакли бўйича ўхшаш бўлгани билан мақсадларига кўра бир биридан фарқ қилади”. Келтирилган жадвалнинг биринчи ва иккинчи қатордаги фарқли жиҳатлар алоҳида мунозара мавзуси ҳисобланади. ЖПКнинг 75-моддаси ҳамда 40-боби моддаларида бир хил турдаги процессуал харажатлар ифодаланаётган бўлса-да, бироқ улар асосида ҳуқуқлари муҳофаза қилинаётган жиноят процесси иштирокчиларининг ўртасида тафовутлар мавжуд.

Ушбу тафовутларни аниқлаш учун яна юқорида келтирилган жадвалига мурожаат қилиш ўринли ва улар қуйидагича намоён бўлади:

1) жадвалнинг биринчи қаторида келтирилган,

доимий иш жойидан ўртача ойлик маоши сақланадиган жиноят процесси иштирокчилари тариқасида, ЖПК 75-моддасининг биринчи қисми, яъни иккинчи устунда *жабрланувчи ёки унинг вакили, гувоҳ, эксперт, мутахассис, таржимон ёки холис сифатида чақирилган шахслар* кўрсатилган; 319-модда, яъни учинчи устунда улардан ташқари, *фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар ва уларнинг вакиллари, жамоат айбловчиси ва жамоат ҳимоячиси тариқасида чақириладиган шахслар* ҳам эътироф этилган. Ўз навбатида фуқаровий жавобгар шахс ўз процессуал мақомига кўра айбланувчи, судланувчига ўхшаш ҳисобланади;

2) жадвалнинг иккинчи қаторида келтирилган, доимий иш билан шуғулланмайдиганларга ҳақ тўланадиган жиноят процесси иштирокчилар тариқасида, ЖПК 75-моддасининг биринчи қисми, яъни учинчи устунда *ишламайдиган шахслар* деган умумий сўз орқали кўрсатилган бўлса, 318-модданинг биринчи қисми 2-бандида, яъни учинчи устунда улар *жабрланувчилар ва уларнинг вакиллари, гувоҳлар ва холислар* билан кифояланган. Процессуал харажатларнинг ушбу тури бўйича ЖПК 75-моддаси матнига асосланадиган бўлсак, ушбу қоида Кодексда жадвалнинг биринчи қаторидаги қонданинг мантиқий давоми сифатида баён қилиниши сабабли, доимий иш ҳақи олмайдиган *эксперт, мутахассис, таржимонга* ҳам кундалик машғулоти билан шуғуллана олмаганлик учун ҳақ тўлаш лозим. ЖПК 318-моддаси биринчи қисми 2-бандига асосланадиган бўлсак, уларга ҳақ тўлаш асоссиз ҳисобланади. Шу тариқа ЖПКда бир турдаги ҳуқуқий муносабатга оид иккита моддалар мазмунидаги бир-бирига зидлик юзага келмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги Қонуни 24-моддасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжат мазмунига қўйиладиган талабларга кўра, норматив-ҳуқуқий ҳужжатда фойдаланиладиган тушунчалар ва атамалар турлича изоҳлаш имкониятини истисно этадиган, уларнинг қонун ҳужжатларида қабул қилинган маъносига мувофиқ ягона шаклда қўлланилади. Эскирган ҳамда кўп маънони англатадиган сўзлар ва иборалар, мажозий таққослашлар, сифатлашлар, қўлланилишига йўл қўйилмайди[3]. ЖПКнинг мазкур моддаларидаги такрорланишлар эса қонунни қўлловчиларда ҳам, ўрганувчиларда ҳам унинг мазмуни бўйича турлича талқинларни келтириб чиқаради. Бу эса жиноят-процессуал қонун ҳужжатларининг мақсад ва вазибаларидан анча узоқлаштиради.

Шу каби илмий хулосалар ўз навбатида, ЖПКнинг 75-моддаси билан боғлиқ *учинчи мунозарали масала*, мазкур модданинг жиноят-процессуал ҳуқуқи нуқтаи назаридан аҳамияти ва процессуал харажатлар институтида тутган ўрни билан боғлиқ. Демак, биринчи масала юзасидан келтирилган асосларга кўра, ушбу модданинг Кодексдаги жойлашув ўрни мақсадга мувофиқ бўлмаса, иккинчи

масала бўйича ушбу модданинг мазмуни билан 40-бобдаги нормаларда ўзаро такрорланишлар ва ҳуқуқ коллизияси мавжуд. 75-моддадаги қондалардан фақатгина биттасида номувофикликлар кўзга ташланмайди. Ушбу қоида, яъни, 75-модданинг учинчи қисмидаги *“Сарф-харажатлар қонунда белгиланган тартибда ва миқдорда тўланади”* деган норма асосида қонун чиқарувчи юқорида келтирилган процессуал харажатларни тўлаш тартиби ва уларни ҳисоблаш механизмлари қонунда белгиланганлигини баён қилган. Бироқ, бизнингча ушбу қондани ЖПКнинг 40-боб 318-моддаси иккинчи қисми матнини *“Ушбу модданинг 1, 2, 3, 4 ва 7¹-бандларида кўрсатилган суммалар суриштирувчининг, терговчининг, прокурорнинг қарори ёки суднинг ажримига мувофиқ бюджет маблағлари ҳисобидан қонунда белгиланган тартибда ва миқдорда тўланади”* деган мазмунда баён қилиш мақсадга мувофиқдир. Чунки *биринчидан*, ушбу моддада тўланиши лозим бўлган процессуал харажатларнинг тўлиқ рўйхати келтирилган, *иккинчидан* ушбу таҳрир мазкур қисмда ифодаланган қондани мантиқийлик ва ҳуқуқий изчилликка кўра давом эттириши билан бирга, “процессуал чиқимлар ва уларни қоплаш” деб тартибга солинган 40-бобнинг юридик имкониятини ва нуфузини ифода этади.

Бу борада МДҲга аъзо бўлган давлатлар қонунчилиги ўрганилганда, таклиф этилаётган ечим Россия Федерацияси (*Статья 131. Процессуальные издержки*)[4], Украина (*Статья 118. Виды процессуальных издержек*)[5], Молдова (*Статья 228. Процессуальные издержки*)[6], Белорусия (*Статья 162. Процессуальные издержки*)[7], Эстония (*Статья 175. Процессуальные расходы*)[8] ва бошқа давлатларнинг ЖПКда ҳам кузатилади. Масалан, Россия Федерацияси ЖПКнинг 131-моддаси тўртинчи қисмида *“Ушбу модданинг иккинчи қисми 2 ва 8-бандларида назарда тутилган процессуал харажатларидан ташқари харажатларни қоплаш тартиби ва миқдори Россия Федерацияси ҳукумати томонидан белгиланади”* деган норма мавжуд. Кўришиб турибдики, ушбу давлатларнинг ЖПКда процессуал харажатларни тўлаш тартиби ва миқдорларини белгиланиши масаласи бевосита процессуал харажатларнинг турлари санаб ўтилган модданинг ўзида баён этилган.

ЖПКнинг 75-моддаси атрофида олиб борилаётган илмий мунозаралар, ушбу нормани алоҳида модда тариқасида сақлаб қолиш қанчалик зарур эканлигига оид саволларни юзага келтирмоқда. Бунинг учун энг аввало ушбу модданинг жиноят-процессуал қонунчилигидаги аҳамиятини баҳолаш керак бўлади. Бу борада юқорида келтирилган фикрларга таянадиган бўлсак, ЖПКнинг 75-моддаси процесс иштирокчиларининг мулкый ҳуқуқларини акс эттириш хусусияти кўзга ташланмоқда. Бироқ, ЖПК нормалари тизимидаги ушбу норманинг жойлашган ўрни, зарур ахборотни ҳуқуқ субъектларига ет-

казиш имкониятларини чекламоқда. Шу сабабли, ЖПК 75-моддада эътироф этилган, жиноят процесси иштирокчиларининг процессуал харажатларни ундириб олиш ҳуқуқини жиноят процесси иштирокчиларнинг ҳуқуқий мақомини белгиловчи норманинг ўзида, яъни жабрланувчи, гувоҳ ёки бошқа иштирокчиларнинг ҳуқуқлари сарасига киритиш янада аниқ ва самаралидир. Қолаверса, қонунчилик тажрибаси ўрганилган мамлакатларнинг ҳеч бирида муҳокама қилинаётган модда мазмунига ўхшаш норма мавжуд эмас. Аксинча, уларда ҳам процессуал харажатларни қоплаш бўйича тўлов олиш ҳуқуқи, тегишли процесс иштирокчисининг ҳуқуқий мақоми белгиланган модданинг ўзида акс эттирилган. Жумладан, буни Озарбайжон [95-модда. Гувоҳ, 95-модда. Холис, 99-модда. Таржимон][9], Арманистон [81-модда. Холис, 83-модда. Таржимон][10], Беларусия [60-модда. Гувоҳ, 64-модда. Холис][11], Қозоғистон [81-модда. Таржимон, 82-модда. Холис][12], Қирғизистон[67-модда. Таржимоннинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари][13] каби давлатларнинг қонунчилигида кўришимиз мумкин. Яъни, уларнинг барчасида жи-

ноят процесси иштирокчисининг ҳуқуқий мақоми белгиланган модданинг ўзида “*Жиноят процессида иштироки билан боғлиқ харажатларни қоплаш (компенсация) учун тўлов олиш*” мазмунига норма акс эттирилган. Шу асосда Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 55 (Жабрланувчининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари), 66 (Гувоҳнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари), 68 (Экспертнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари), 70 (Мутахассиснинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари), 72 (Таржимоннинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари) ва 74 (Холисларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари) – моддаларидаги ҳуқуқлар кўрсатилган қисмини “*процессуал харажатлар тариқасидаги тўловни олиш*” деган мазмундаги қоида билан тўлдириш ҳамда ЖПКнинг умумий қисми, жиноят процесси иштирокчилари номли иккинчи бўлимнинг, жиноят процессида иштирок этувчи бошқа шахслар номли 6-бобдаги 75-моддани чиқариб ташлаш мақсадга мувофиқдир. Бу ўз навбатида ЖПКдаги коллизия нормага барҳам беради ҳамда жиноят процессида шахс ҳуқуқ ва эркинликларининг ишончли кафолатини таъминлаш механизмларини такомиллаштиришга хизмат қилади.



1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 майдаги «Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилиги тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3723-сон қарори // <https://lex.uz/ru/docs/3735818> (электрон манбага мурожаат қилинган вақт 24.11.2019)
2. Қонунлар лойиҳаларини тайёрлаш ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига киритиш тартиби тўғрисида // Ўзбекистон Республикасининг Қонуни 11.10.2006 йилдаги ЎРҚ-60-сон, Кучга кириш санаси 13.10.2006. Манба: «Халқ сўзи», 2006 й., 201 (4100)-сон; ЎР ҚХТ, 2006 й., 41-сон, 406-модда // <https://lex.uz/docs/1069260> (электрон манбага мурожаат қилинган вақт 24.11.2019)
3. «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида // Ўзбекистон Республикаси Қонуни 24.12.2012 йилдаги ЎРҚ-342-сон, Кучга кириш санаси 25.12.2012. Манба: «Халқ сўзи», 2012 й., 250 (5670)-сон; ЎР ҚХТ, 2012 й., 52-сон, 583-модда // <https://lex.uz/docs/2105724> (электрон манбага мурожаат қилинган вақт 24.11.2019)
4. Уголовно-процессуальный кодекс Российской Федерации” от 18.12.2001 N 174-ФЗ (ред. от 04.11.2019). http://www.consultant.ru/document/cons_doc_LAW_34481/
5. Уголовно-процессуальный кодекс Украины // URL: <http://www.ligazakon.ua/> (Электрон манбага мурожаат қилинган вақт: 02.09.2019).
6. Уголовно-процессуальный Кодекс Республики Молдова. (Настоящие Кодекс утвержден Законом Азербайджанской Республики от 14 июля 2000 года №907-1Г).
7. Уголовно-процессуальный кодекс Беларусь // URL: <http://kodeksy.by/ugolovno-processualnyy-kodeks/> (Электрон манбага мурожаат қилинган вақт: 04.09.2019)
8. Уголовно-процессуальный кодекс Эстонии // URL: https://www.legislationline.org/download/id/8371/file/Estonia_CPC_as_of_2019_ru.pdf. (Электрон манбага мурожаат қилинган вақт: 04.09.2019)
9. Уголовно-процессуальный Кодекс Азербайджанской Республики (Настоящие Кодекс утвержден Законом Азербайджанской Республики от 14 июля 2000 года №907-1Г). //URL:https://www.legislationline.org/download/id/8308/file/Azerbaijan_CPC_2000_am2018_ru.pdf (Электрон манбага мурожаат қилинган вақт: 03.09.2019)
10. Уголовно-процессуальный кодекс Армения // URL: https://www.legislationline.org/download/id/4261/file/Armenia_CPC_am2006_ru.pdf / (Электрон манбага мурожаат қилинган вақт: 04.09.2019)
11. Уголовно-процессуальный кодекс Беларусь // URL: <http://kodeksy.by/ugolovno-processualnyy-kodeks/> (Электрон манбага мурожаат қилинган вақт: 04.09.2019)
12. Уголовно-процессуальный кодекс Казахстан // URL: https://www.legislationline.org/download/id/8263/file/Kazakhstan_CPC_2014_am2019_ru.pdf (Электрон манбага мурожаат қилинган вақт: 04.09.2019)
13. Уголовно-процессуальный кодекс Кыргызской Республики // URL: https://www.legislationline.org/download/id/8265/file/Kyrgyzstan_CPC_2017_am2019_ru.pdf / (Электрон манбага мурожаат қилинган вақт: 04.09.2019)

**Sabirov Erkin Kuchkarbaevich,
independent researcher the Academy
of the General Prosecutor's Office
of the Republic of Uzbekistan**

PUBLIC CONTROL OVER THE ACTIVITY OF THE JUDICIARY: STATUS, ANALYSIS AND PROSPECTS

◆ *This article focuses on the current state of public control over the activity of the judiciary in our country, the analysis of the work done in this regard, the experience of foreign countries and the prospects for further improvement of public control over the functioning of the judiciary in the country.*

◆ *Ушбу мақолада мамлакатимизда судлов фаолияти устидан жамоатчилик назоратининг бугунги ҳолати, бу борада амалга оширилган ишлар таҳлили, хорижий мамлакатлар тажрибаси ва мамлакатимизда судлов фаолияти устидан жамоатчилик назоратини янада такомиллаштириш истиқболларига алоҳида эътибор қаратилган.*

◆ *Данная статья посвящена современному состоянию общественного контроля за деятельностью судебной власти в нашей стране, анализу проделанной в этой связи работы, опыту зарубежных стран и перспективам дальнейшего совершенствования общественного контроля за функционированием судебной власти в стране.*

Key words: judicial activity, public control, public control over judicial activity.

Калит сўзлар: судлов фаолияти, жамоатчилик назорати, судлов фаолияти устидан жамоатчилик назорати.

Ключевые слова: судебная деятельность, общественный контроль, общественный контроль за судебной деятельностью.

Judicial authorities play a special role in ensuring the human rights and freedoms enshrined in the Constitution of the Republic of Uzbekistan, strengthening the rule of law and order in the society, and raising the legal awareness of citizens. Therefore, one of the main requirements for the further development of the country is to strengthen the authority, ensure the true independence of the judiciary, and to enhance the efficiency of the court proceedings.

The Constitution of the Republic of Uzbekistan guarantees that the judicial power functions independently from the legislative and executive authorities, political parties, other public associations (Article 106) and any interference in the work of judges in administering law shall be inadmissible and punishable by law (Article 112) [1].

At the same time, the followings are identified as key priorities in the state policy: ensuring reliable judicial protection of the rights, freedoms and legitimate interests of citizens and business entities, promoting open dialogue with the public to increase public trust in the judiciary, and enhancing the work of courts with the public and the media.

In the recent times, expanding the practice of reviewing cases in traveling courts, introducing modern information technologies into the court

activities has promoted legal, valid and fair court decisions. The Decree № 5482 of the President of the Republic of Uzbekistan (July 13, 2018) "On Measures to Further Improve the Judicial-Legal System and Trust in Judicial Bodies" [2] was an important step towards implementing this work. However, there is still a lot to be done to ensure transparency in the work of the judiciary, to increase open dialogue with the public and, in particular, to strengthen the role of the public in the administration of justice.

The legislation provides for norms aimed at strengthening the role of the public in the administration of justice. For example, Article 29 of the Law of the Republic of Uzbekistan "On Courts" envisages participation of people's assessors (lay judges) in the courts of the Republic of Karakalpakstan, regional and Tashkent city criminal courts, and Article 36 — participation of people's assessors in the district (city) criminal courts. In addition, Article 40 provides for the participation of people's assessors in the Military Court of the Republic of Uzbekistan and regional military courts.

Article 62 of the mentioned Law establishes the legal status of people's assessors, according to which citizens of Uzbekistan who are not younger than 30 years, elected by open voting at the citizens' place

of residence or work meetings, can serve as people's assessors. A lay judge of a military court may be a citizen of the Republic of Uzbekistan who is on active duty, has reached the age of thirty by election day, and is elected by open vote at meetings of military personnel of military units for a period of two and a half years. The number of lay judges for each court is determined by the respective qualification collegiums of judges. People's assessors are called to perform their duties in the courts in order of priority for no more than two weeks a year, except in cases where the extension of this period is caused by the need to complete the consideration of the court case that began with their participation. During this period, they retain the average earnings at the place of work[3].

It is specified in the Article 13 of the Criminal Procedure Code of the Republic of Uzbekistan that, at the court of first instance, a case shall be considered by a judge and two people's assessors, the people's assessors shall be entitled to all judicial powers. They enjoy equal resolution power with the chief judge at the hearing and adjudication[4].

It should be noted that people's assessors have worked (existed) in the past. However, their role was virtually nonexistent, and they were represented only in court for official purposes.

Presently, there is a requirement for the election of people's assessors on a transparent basis. In particular, the organization of the election of people's assessors is regulated by the Regulation on the Judicial Qualification Boards (new edition) [5] approved by the Law of Uzbekistan (April 22, 2014) № LRU-368 "On Amendments to the Regulation on Judicial Qualification Boards". According to it, the nomination of candidates for people's assessors is carried out by labor collectives, voters at the place of residence of citizens, as well as meetings of servicemen in military units.

Those who are highly respected, well educated, who have a place in society, who have a deeper perspective on life, who understand, analyze and evaluate the reality are nominated from the labor collectives, military units, and mahalla civic gatherings. It is important to note that at least 100 voters must be present at the polling station. This means that the people's assessors are elected at the will of the people.

Judicial Qualification Boards oversee the fairness and transparency in the elections of the people's assessors'.

A system of training has been developed for the people's assessors, along with the issuance of a certificate. People who have worked as a judge for many years and have mastered their profession conduct the trainings.

Article 32 of the Constitution of the Republic of Uzbekistan establishes the right for the public to

participate in the trial to promote fairness and lawfulness of the proceedings. It says, it is the practical result of the right of citizens of the Republic of Uzbekistan to participate in public and state affairs both directly and through their representatives.

As of July 2014, there were 15,744 people's assessors in the relevant judicial boards (panels) of criminal courts and military courts[6]. According to estimates for 2016, more than 10,000 people's assessors were elected to criminal courts[7].

The participation of people's assessors in criminal courts is an important factor in ensuring the rule of law and social justice, in addition to strengthening social ties between individuals, society and the judiciary. That is why people's assessors play a significant role in making decisions and judgments that rarely are changed (in the later instances).

According to experts, the presence of people's assessors in the court helps achieve justice and impose penalties on the perpetrator. After all, the people's assessors, as persons who are impartial regarding the outcome of the case, give opinion regarding the punishment for the defendant, which will be taken into account by the court. Significantly, the people's assessors act without prejudice to the independence of the judiciary, which is an important factor in ensuring the openness and transparency of the judiciary[8].

Many experts suggest that it is necessary to increase the participation of people's assessors in criminal cases and to improve the institute of people's assessors[9].

However, the tendency of development of criminal-procedural legislation in our country shows that the scope of work of a single judge in criminal proceedings is widening. For example, in accordance with the amendments and additions to Article 13 of the Criminal Procedure Code, criminal cases envisaged in the second and fourth parts of Article 15 of the Criminal Code have been established as subject to a single judge hearing[10].

According to it, from April 1, 2018, a single judge in the first instance court will consider serious crimes. People's assessors will be involved only in cases of particularly serious crimes[11].

It should be noted that in many foreign countries (for example, Canada, France, Greece, Italy, New Zealand, Russia, Germany, England, the USA, etc.), judicial advisers (the jury) [12] are widely used as one of the most important forms of public control.

This model of public participation in the administration of justice for many years in foreign countries represents the interests of citizens in the process of establishing and administering justice and contributes to increased public trust in the judiciary.

People's assessors are named differently and widely in various countries. For example, a lay judge (a people's judge); assessor (public adviser), schoffe

(sheffen), cour d'assises (assiz) [13].

Foreign experience shows that in countries with low public trust in the judiciary, a board of non-professional and professional judges handles criminal, administrative, and civil cases.

In Denmark, public participation in the administration of justice is seen in the participation of non-professional judges or judicial counselors in the court process. The trial of the first instance court involves three people's judges and three professional judges, or nine judicial counselors or three professional judges.

The French Republic has used its own model of justice for many years. According to it, a panel of professional judges and judicial counselors hear criminal cases. Judges will participate in criminal cases on certain categories, including 10 years in prison (for individuals) or a fine of □ 75,000 (for legal entities). In France, serious crimes committed by minors between the ages of 16 and 18 will be considered by three qualified judges and nine judicial counselors. If a judge, without judicial counsel, considers cases of criminal misconduct of minors individually, the judge may use only disciplinary and supervisory measures against the defendant[14].

In the UK, the jury are involved in the investigation of unnatural or suspected fatalities or circumstances in which the cause of death is unknown[15].

In countries such as Austria, Denmark and Norway, the most serious criminal cases are handled by judicial counsel, criminal cases of average gravity are considered by a mixed jury, and, for a less serious offense, the session is handled by a single judge.

In Germany, the participation of citizens in the administration of justice as a non-professional judge is determined by the category of disputes under consideration.

In many European countries, a people's judge, a court counselor, and a professional judge decide together whether a person is guilty or not, and whether a defendant should be punished or not. In the case of civil cases in the UK, judicial advisors (court counselor) have the power not only to make decisions that create civil and legal consequences for any party, but also for damages. In other words, if a professional judge decides whether to pay damages, judicial advisors may determine how much damages should be recovered.

Legislative consolidation of citizens' participation in the legal process as an important form of public control in European countries represents the interests of citizens in the process of organizing and administering justice, and ultimately increases public trust in the judicial system. This will also allow civil society institutions to exercise public oversight of justice.

The type, form and means of public participation

in the court process depends on the political regime, political culture, and existing political system of the particular country. For example, in the United States, unlike the experience of some European countries, citizens are given the right to a trial in the presence of judicial counsel in criminal cases where they are sentenced to more than six years' imprisonment. However, cases involving military personnel, which are considered by a special court with the participation of military personnel, are exception. In the United States, each state independently determines the number of jury involved in the trial[16]. In Japan, people's judges have the right to participate as judges in serious criminal cases, and the jury consists of six national judges and three professional judges. The accused does not have the right to refuse a people's judge.

The participation of judicial advisers in the court proceedings will enable the judge to work on himself, systematically improve his knowledge and skills, and be well prepared before any case brought to trial.

The presence of judicial advisers encourages the judge to pursue cases in strict adherence to procedural law. As the public becomes more involved in criminal cases in courts, the oversight of courts' compliance with the law will be strengthened.

However, some experts hold the opinion that not all people's assessors are pursuing active involvement in the cases. The reason for that could be that, the elections are focused on such criteria as age and non-convictions in compliance with legal requirements, their ability to work, their ability to participate in affairs, and their experience in life are not taken into account. Practice shows that some of the people's assessors did not participate in the proceedings at all or participated just for the record (just for official appearance). In this regard, it is desirable that the members of the competent qualification board, especially the members of the Commission to facilitate the formation of the Judicial Corps (under the Supreme Council of Judges of the Republic of Uzbekistan) should be demanding to promote active participation of the general public and monitor the transparency and openness of the election[17].

Generally contemplating, the purpose of public oversight in the administration of justice is to achieve socially just and impartial judgments on any particular cases. Therefore, in our opinion, it is necessary to establish (in the country) an institute of judicial counselors not only on criminal cases, but also on civil, economic and administrative matters. Considering the above-mentioned, it is recommended to develop and adopt the Law of the Republic of Uzbekistan "On judicial advisers". According to it, such The Law should include provisions about the participation of judicial advisers in the consideration of certain categories of civil, administrative cases,

as well as the consideration of district and regional courts of serious and very serious crimes, the number of judicial advisers, the terms and conditions of their selection (election), and their legal status. In this regard, the experts consider it advisable that judicial advisers participate in certain categories of civil cases, such as cases on inheritance issues, cases on divorce,

and cases on collection of alimony[18].

At the same time, in connection with the introduction of the judicial adviser's institute, the following issues should be addressed including their training, professional development, and the provision of separate rooms for them in the courthouse, their safety and social protection.



1. Constitution of the Republic of Uzbekistan. — Tashkent, Uzbekistan. 2019. Pages 60, 64, 65.
2. Decree of the President of the Republic of Uzbekistan dated July 13, 2018 No 5482 “On Measures to Further Improve the Judicial-Legal System and Trust in Judicial Bodies” // National Database of Laws, 06/18/5482 / No. 1506.
3. Law of the Republic of Uzbekistan “On Courts” // <http://lex.uz/docs/68532>
4. Criminal Procedure Code of the Republic of Uzbekistan // <http://lex.uz/docs/111460#369557>
5. Regulation on Judicial Qualification Boards (new edition) // Collection of Legislation of the Republic of Uzbekistan, 2014, No.17, Article 190; 2017, No. 37, Article 978.
6. People's assessors help to ensure the transparency and fairness of the courts activity https://www.norma.uz/uz/bizning_stations/participants
7. Usarov O. Institute of People's assessors help to ensure transparency of courts activity http://http://uzbekistanovozi.uz/articles/index.php?ELEMENT_ID=41057
8. See: Usarov O. The same source.
9. Khakimov M. Institute of People's assessors and criminal justice // <http://old.xs.uz/index.php/homepage/politics/item/628> People's Consultants; Rustamov L.R. Democratic bases of justice // Dissertation for master of law. — T.: 2007. — p. 74.
10. Law of the Republic of Uzbekistan “On the introduction of amendments and supplements to certain legislative acts of the Republic of Uzbekistan, as well as recognition of some legislative acts invalid” January 29, 2018 No. 18/463/0634.
11. Serious crimes will be considered by a single judge from April 1, 2018 <https://www.norma.uz/>.
12. The legal literature presents the term jury, in English, as a juror. See Mirazov D.M. Experience of controlling and supervising the activities of judicial bodies in the UK and the US // Journal of Legal Studies www.tadqiqot.uz. 2017. No. 6. — p.50.
13. Public control in the system: problems and tendencies // <https://SIBAC.INFO/CONF/JURISPRUDENCE/IV/88769>.
14. France // Legal systems of world countries. — M.: Norma. 2000. -p. 526.
15. Inogomjonova Z.F. Judicial control in criminal proceedings. Teaching manual. —T.: TSUI. 2007. — p. 25.
16. Yarovaya M.V. Features of the Anglo-American and continental jury trial models and the problems of its restoration in Russia // Russian Justice. 2006. — No. 1.
17. See Dusmanov S. The people's adviser plays an important role in the administration of justice on condition that they work just // <http://www.uza.uz/oz/society/khal-masla-atchisi-a-oniy-ishlasa-adolat-rnatilishida-mu-im-19-04-2019>.
18. See Dusmanov S. The work mentioned.

Алланова Азизахон Авазхоновна,
ТДЮУ мустақил изланувчиси

АЙРИМ ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАР ЖИНОЯТ ҚОНУНЛАРИДА ҚОНУНГА ХИЛОФ РАВИШДА ЧЕТ ЭЛГА ЧИҚИШ ЁКИ ДАВЛАТГА КИРИШ УЧУН ЖАВОБГАРЛИК МАСАЛАЛАРИ

✦ Мазкур мақолада Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 223-моддасида назарда тутилган жиноятнинг ижтимоий хавфлиги инobatта олинган ҳолда, айрим хорижий мамлакатлар жиноят қонунларида қонунга хилоф равишда чет элга чиқиш ёки давлатга кириш учун жавобгарлик масалалари таҳлил қилинган. Бугунги кунда миграция жараёнларига қаратилган ислохотлар чуқурлаштирилаётганлигидан келиб чиқиб, бу борада қонун ҳужжатларини бузганлик учун хорижий давлатларда жавобгарлик чоралари таҳлил қилинган.

✦ В данной статье с учетом общественной опасности преступления, предусмотренного статьей 223 Уголовного кодекса Республики Узбекистан, проанализированы вопросы ответственности за незаконный выезд за границу или въезд в государство в уголовном законодательстве некоторых зарубежных стран. На сегодняшний день с учетом углубления реформ в области миграционных процессов, проанализированы меры ответственности за нарушение законодательства в этой сфере в зарубежных странах.

✦ In this article, taking into account the public danger of the crime provided for in article 223 of the Criminal code of the Republic of Uzbekistan, the issues of responsibility for illegal travel abroad or entry into the state in the criminal legislation of some foreign countries are analyzed. To date, taking into account the deepening of reforms in the field of migration processes, the measures of responsibility for violation of legislation in this area in foreign countries are analyzed.

Калит сўзлар: чет элга чиқиш, хорижий тажриба, Ўзбекистон Республикасига кириш, давлат чегараси, чегарадан ўтиш, давлат чегарасининг дахлсизлиги, чегара хавфсизлиги, давлатнинг чегара хизмати, божхона.

Ключевые слова: выезд за границу, зарубежный опыт, въезд в Республику Узбекистан, государственная граница, переход границы, неприкосновенность государственной границы, безопасность границы, пограничная служба государства, таможня.

Keywords: travel abroad, foreign experience, entry to the Republic of Uzbekistan, state border, border crossing, inviolability of the state border, border security, state border service, customs.

Қонунга хилоф равишда чет элга чиқиш ёки давлатга кириш юзасидан хорижий мамлакатлар тажрибасини ўрганиш, албатта, бу соҳадаги муносабатларни янада чуқурроқ тушуниш, белгиланган нормаларни қиёсий таҳлил қилиш, амалдаги қонун ҳужжатларида мавжуд бўшлиқ ва камчиликларни аниқлаш ҳамда уларни барта- раф этиш юзасидан аниқ таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш имконини беради.

Жумладан, **Россия Федерацияси (РФ)** Жиноят кодекси (ЖК) 322-моддасида [1] РФ Давлат чегарасини ноқонуний кесиб ўтиш учун жавобгарлик белгиланган бўлиб, унга кўра, РФ давлат чегарасини РФга кириш ҳуқуқини берувчи ҳақиқий ҳужжатларсиз ёхуд РФда белгиланган тартибда олинган рухсатномасиз кесиб ўтиш, шунингдек, РФ давлат чегарасини бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктирган ҳолда ёки уюшган гуруҳ томонидан ёхуд куч ишлатиб ёки куч ишлатиш билан қўрқитиб ноқонуний кесиб ўтиш жиноий жазо билан санкцияланади. РФ Консти-

туциясига мувофиқ сиёсий бошпана ҳуқуқидан фойдаланиш учун РФга РФ давлат чегарасидан ўтиш қоидаларини бузиб келган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар учун агар улар ҳаракатларида бошқа жиноят таркиби мавжуд бўлмаса, ушбу модда қоидалари тадбиқ қилинмайди. **Ўзбекистон** ЖКдан фарқли равишда РФ ЖКда ноқонуний миграцияни ташкил қилиш учун ҳам алоҳида жавобгарлик белгиланган. **Тожикистон** (ЖК 335-2-модда) [2], **Беларусь Республикаси** (371-1-модда)да [3] ҳам ноқонуний миграция учун жавобгарлик мавжуд.

Озарбайжон ЖК [4] 318.1-моддасида Озарбайжон Республикаси давлат чегарасини ноқонуний кесиб ўтиш учун жавобгарлик белгиланган. Унда Озарбайжон Республикаси давлат қўриқланувчи давлат чегарасини белгиланган ҳужжатларсиз ёки давлат чегараси назоарт пунктдан ташқари жойларда кесиб ўтиш, шунингдек шу қилмиш бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктирган ҳолда ёки уюшган гуруҳ ёхуд куч

ишлатиб ёки куч ишлатиш таҳдиди билан содир қилинган ҳолатлар учун жавобгарлик белгиланган. **Арманистон ЖК** [5] (329-моддаси)да ҳам Озарбайжон ЖКдагига ўхшаш ҳолат.

Беларусь Республикаси ЖК 371-моддасига кўра, Давлат чегарасини механик транспорт воситасини, ички сузиш кемаси (ўзи юрар), аралаш сузувчи кемаси (дарё-денгиз), кичик ўлчамли моторли кема, двигителли кема, гидроцикл, двигителли ҳаво кемаси воситасида қасддан ноқонуний кесиб ўтиш, шунингдек Беларусь Республикаси давлат чегарасини бошқа ҳар қандай усулда ноқонуний кесиб ўтиш, шундай ҳаракат учун маъмурий жавобгарлик қўлланилгандан сўнг содир қилинган бўлса, иккинчи қисмида эса, Давлат чегарасини қасддан ноқонуний кесиб ўтиш илгари ушбу моддада кўрсатилган жиноятни содир қилганлик учун судланган шахс томонидан, ёхуд, Беларусь Республикасидан чиқариб ташланган ёки депорт қилинган чет эл фуқароси, фуқаролиги бўлмаган шахс томонидан республикага кириш таъқиқи муддати тугашидан олдин ёхуд мансабдор шахс томонидан ўз хизмат ваколатларидан фойдаланган ҳолда содир қилинган бўлса, жавобгарликка сабаб бўлади .

Беларусь Республикасига давлат чегарасидан ўтиш қоидаларини бузган ҳолда келиш Беларусь Республикаси қонунчилигига биноан сиёсий қочоқ мақомини олиш, сиёсий бошпана ёки қўшимча ҳимояга даъво қилиш учун чет эл фуқаролари ёки фуқаролиги бўлмаган шахслар томонидан амалга оширилган ҳолларда ушбу модда қоидалари тадбиқ қилинмайди. Шунингдек, кодекснинг 371-моддасида Беларусь Республикасига кириш таъқиқи муддатини бузиш, яъни Беларусь Республикасидан депорт қилинган чет эл фуқароси ёки фуқаролиги бўлмаган шахснинг Республикага келиш таъқиқи муддати тугашидан олдин келиши, ушбу Кодекснинг 371-моддаси иккинчи қисмида кўрсатилган жиноят белгилари бўлмаса, жавобгарликка сабаб бўлади.

Грузия ЖК [6] 344-моддасида ва **Қозоғистон ЖК** [7] 340-моддасида давлат чегарасини ноқонуний кесиб ўтиш учун жавобгарлик белгиланган ва бу нормалар юқорида қайд этилган нормаларга деярли ўхшаш. Фақат Грузия ЖКда унинг ўзига хос жиҳати тадбиқ қилинмайдиган ҳолатлар доираси кенлигидадир. Унга кўра, Грузия Конституциясига мувофиқ, бошпана сўраб келган чет эл фуқаролари ёки фуқаролиги бўлмаган шахслар ҳаракатларида бошқа жиноят белгилари мавжуд бўлмаса, ушбу модда қоидалари қўлланилмайди. Шунингдек, ушбу қоидалар шахс одам савдоси қурбони бўлганлиги учун, унинг одам савдоси (трефкинг) қурбони мақомини олишидан олдин содир қилган қилимишлари учун ҳам тадбиқ қилинмайди. Шунингдек, Грузия ЖК 344¹-моддасида Грузия Давлат чегарасидан мигрантларни ноқо-

нуний олиб ўтиш ёки (ва) Грузияда уларни ноқонуний бўлиши шароитларини яратиш (воситачилик) учун ҳам алоҳида жавобгарлик назарда тутилган. Мазкур белгилар **Ўзбекистон Республикаси** ЖКда мавжуд эмас. Ҳолатга қараб, бундай қилмишлар мамлакатимизда ЖК умумий қисми нормалари орқали 223-моддасида назарда тутилган жиноятга иштирокчилик сифатида баҳоланади ва квалификация қилинади.

Молдова ЖК [8] 362-моддасида давлат чегарасидан ноқонуний ўтиш ўтиш учун жавобгарлик белгиланган бўлиб, унга кўра, Молдова Давлат чегарасидан чегара назоратидан бошқа жойда ёки ундан яшириниб ўтиш, мазкур қилмишлар а) куч ишлатиб; б) қурол ишлатиб содир қилиниши жиноят сифатида баҳоланган. Молдова ЖК бошқа МДХ давлатларидан фарқли равишда қилмишнинг “қурол ишлатиб содир қилиниши” жазони оғирлаштирувчи ҳолат сифатида белгиланган. Ўзбекистон Республикаси ЖКда бундай ҳолат мавжуд эмас. Бизнингча, қонунга хилоф равишда чет элга чиқиш ёки Ўзбекистон Республикасига киришнинг қурол ишлатиб содир этилиши. Қилмишнинг ижтимоий хавфлилик даражасини кескин оширувчи ҳолат ҳисобланади. Шу сабабли, Ўзбекистон Республикаси ЖК 223-моддасининг тақлиф этилаётган учинчи қисмига қилмишнинг “қурол ишлатиб содир этилиши” учун жавобгарлик белгилаш мақсадга мувофиқ.

Молдова Республикаси Конституциясига мувофиқ, сиёсий бошпана сўраб келган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар, шунингдек одам савдоси қурбони бўлган шахсларнинг Молдова Республикасига белгиланган тартибдаги паспортсиз ёки рухсатсиз келиши ҳолларида ушбу модда қоидалари тадбиқ қилинмайди. Шунга эътибор қаратиш лозимки, Молдова ва Грузия каби давлатларда одам савдосидан жабрланганларнинг ҳам мамлакат ҳудудига рухсатсиз кириши ҳолатига қонунга хилоф равишда чегарини бузиш қоидаси қўлланилмаслиги белгиланганлиги диққатга сазовор. Мамлакатимизда одам савдосига қарши курашиш, ундан жабрланганларга ҳуқуқий, ижтимоий, руҳий ва тиббий ёрдам кўрсатиш юзасидан кенг чора-тадбирлар амалга оширилмоқда [9; 10]. Бизнингча, фуқаролар ёки фуқаролиги бўлмаган, одам савдосидан жабрланган шахсларнинг кириш ҳужжатларини тегишли даражада расмийлаштирмасдан Ўзбекистон Республикасига киришларини ҳам ЖК 223-моддаси қоидалари қўлланилмайдиган ҳолатлар қаторига қўшиш мақсадга мувофиқ.

Тожикистон ЖК 335-моддаси (Тожикистон Республикаси Давлат чегарасини ноқонуний кесиб ўтиш), **Туркманистон ЖК** 214-моддаси (Туркманистон Давлат чегарасини ноқонуний кесиб ўтиш) [11], **Қирғизистон ЖК** 346-моддаси (Давлат чегарасини ноқонуний кесиб ўтиш) ҳамда **Эстония ЖК**

812-моддаси (Эстония Республикаси Давлат чегараси ёки вақтинчалик назорат чизигидан шахсни ноқонуний ўтказиш) ва 811-моддаси (Эстония Республикаси Давлат чегарасини ёки вақтинчалик назорат чизигини ноқонуний кесиб ўтиш) да ажратиб кўрсатиладиган алоҳида ҳолатлар мавжуд эмас.

Украина ЖК [12] 332-моддасидаги нормани алоҳида қайд этиш лозим. Унда шахсларни Украина давлат чегарасидан ноқонуний ўтишини ташкил қилиш, шундай ҳаракатларни бошқариш ёки маслаҳатлар. Кўрсатмалар, воситалар тақдим қилиш ёки тўсиқларни йўқ қилиш билан шундай ҳаракатларни содир қилишга ҳамкорлик қилиш учун жавобгарлик белгиланган.

ХХР ЖК [13] 318-моддасида бошқа шахс томонидан давлат чегарасини ноқонуний кесиб ўтишини ташкил қилиш, **ХХР** ЖК 319-моддасида бо-

шқа шахсларнинг Давлат чегарасини ноқонуний кесиб ўтишини ташкил қилиш учун ишга чиқиш, савдо сотиқ алмашинуви ёки бошқа баҳоналар билан давлатдан чиқиш учун паспорт, виза ва бошқа ҳужжатларни алдов йўли билан олиш, 320-моддасида бошқа шахсга давлатга кириш ёки давлатдан чиқиш учун сохта, қайта ишланган паспортлар ва бошқа ҳужжатларни бериш, 321-моддасида Давлат чегарасидан ноқонуний кесиб ўтиш учун бошқа шахсни ташиш учун жавобгарлик белгиланган.

Шуни эътиборга олиш лозимки, МДҲга аъзо давлатларнинг деярли барчасида ноқонуний миграция ташкил қилиш учун жавобгарлик белгиланган. Бизнингча, Ўзбекистон Республикаси ЖКга **“Ғайриқонуний миграцияни ташкил этиш” деб номланган 223¹-моддани** киритиш мақсадга мувофиқ.



Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Уголовный кодекс Российской Федерации: федеральный закон РФ от 16 июня 1996 г. № 63-ФЗ // Собрание законодательства РФ. – 17.06.96. - № 25. – ст. 360.
2. Уголовный кодекс Республики Таджикистан / Предисловие А.В. Федорова. – СПб.: Юридический центр Пресс, 2014. – С. 360.
3. Уголовный кодекс Республики Беларусь / Принят Палатой представителей 2 июня 1999 года. Одобрен Советом Республики 24 июня 1999 года / Предисловие проф. Б.В. Волженкина; Обзорная статья А.В. Баркова. – СПб.: Юридический центр Пресс, 2014. – С. 315.
4. Уголовный кодекс Азербайджанской Республики / Науч. ред., предисловие д.ю.н., проф. И.М. Рагимова, перевод с азербайджанского Б.Э. Аббасова. – СПб.: Юридический центр Пресс, 2015. – С. 135.
5. Уголовный кодекс Республики Армении. / Науч. ред.: д.ю.н., проф. И.М. Рагимова – СПб.: Юридический центр Пресс, 2015. – С. 124.
6. Уголовный кодекс Грузии / Науч. ред. З.К. Биговава, вступ. статья д.ю.н., проф. В.И. Михайлова, обзорная статья д.ю.н., проф. О. Гамкрелидзе, перевод с грузинского И. Мериджанашвили. – СПб.: Юридический центр Пресс, 2015. – С. 112.
7. Уголовный кодекс Республики Казахстан / Предисловие министра юстиции Республики Казахстан, д.ю.н., проф. И.И.Рогова – СПб.: Юридический центр Пресс, 2016. – С. 375.
8. Уголовный кодекс Республики Молдова. – СПб.: Юридический центр Пресс, 2014. – С. 201.
9. Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 17 апрелаги “Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида”ги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 16-сон, 118-модда; Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 8 июлдаги “Одам савдосига қарши курашиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори. // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 28-сон, 268-модда;
10. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 5 ноябрдаги “Одам савдоси жабрдийдаларига ёрдам бериш ва уларни ҳимоя қилиш бўйича республика реабилитация марказини ташкил этиш тўғрисида”ги Қарори. // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 44-45-сон, 445-модда
11. Уголовный кодекс Туркменистана. – СПб.: Юридический центр Пресс, 2014. – С. 199.
12. Уголовный кодекс Украины / Научное редактирование и предисловие докт.юрид.наук, проф. В.Я.Тация и докт.юрид.наук, проф. В.В. Сташиса; перевод с украинского В.В. Гиленченко. – СПб.: Юридический центр Пресс, 2014. – С. 324.
13. УК КНР / Под ред. д.ю.н., проф. А.И.Карабеева, перевод с китайского Д.В.Вичикова. – СПб., 2014. – С. 185.

Пўлатов Азизхон Саидакбарович,
Тошкент давлат юридик
университети мустақил изланувчиси

ЖИНОЯТ-ПРОЦЕССУАЛ ҚОНУНЧИЛИГИДА КАР-СОҚОВ ВА КЎР ГУВОҲЛАРНИНГ ҲУҚУҚИЙ МАҚОМИ ҲАМДА СЎРОҚ ҚИЛИШДА ТАРЖИМОННИ ИШТИРОКИГА ОИД МАСАЛАЛАР

◆ Мазкур мақолада кар-соқов, дудуклик ва кўзи ожиз шахсларни сўроқ қилиш муаммолари ва ўзига хос хусусиятлари, шунингдек уларнинг ҳар бирини идрок этиш масалалари муҳокама қилинади. Ушбу тоифадаги шахсларни сўроқ қилишда терговчи нафақат тергов ҳаракатларини бажаради балки, таржимонни иштирок этиш заруратини ҳам аниқлайди ва таъминлайди.

Сўроқ жараёнида жисмоний камчиликлари туфайли ўз ҳуқуқ ва манфаатларини тўлиқ ҳимоя қила олмайдиган шахслардан ҳаққоний кўрсатмалар олишга қаратилиши билан бирга, жиноят-процессуал қоидаларининг талабларига мувофиқ қатъий равишда ўтказилиши кераклиги ҳам қайд этилган. Муаллиф хорижий мамлакатларнинг жиноят-процессуал қонунчилик нормаларини таҳлил қилади ва Ўзбекистон Республикаси жиноят-процессуал кодексига кар-соқов ва кўзи ожиз гугоҳлар иштирокида уларнинг ҳолати ва роли аниқлашга ёрдам берадиган ўзгартиришлар киритишни таклиф қилади.

◆ В статье рассмотрены проблемы и характерные особенности производства допроса глухих, немых, глухонемых, заикающихся, слепых, а также особенности восприятия каждого из указанных лиц. Выявлена и обоснована необходимость участия в допросе лиц указанной категории переводчиков, с помощью которых следователь не только выполняет следственное действие. Отмечается, что допрос должен производиться в строгом соответствии с требованиями уголовно-процессуальных норм, направленных на получение правдивых показаний от лиц, которые в силу физических недостатков не могут в полной мере самостоятельно осуществлять защиту своих прав и интересов. Автором даётся характеристика норм УПК зарубежных стран и предлагает внести в Уголовно-процессуальный кодекс Республики Узбекистана изменения, которые помогут уточнить их статус и роль в процессе с участием глухих, немых и слепых свидетелей.

◆ The article discusses the problems and characteristic features of the interrogation of the deaf, dumb, stuttering, blind, as well as the perception of these persons. The need for participation in the interrogation of persons of the indicated category of translators has been identified and justified, with the help of which the investigative action. It is noted that the interrogation should be carried out in strict accordance with the requirements of the criminal procedural rules aimed at obtaining truthful testimonies from persons who, due to physical defects, cannot fully independently protect their rights and interests. The author describes the norms of the Code of Criminal Procedure of foreign countries and suggests making changes to the Code of Criminal Procedure of the Republic of Uzbekistan that will help clarify their status and role in the process with the participation of deaf, dumb and blind witness.

Калит сўзлар: гувоҳ, кар-соқов, кўр, сўроқ, статус, ҳуқуқлари, таржимон, имо-ишора белгилари, вакил, жиноят процесси, хориж тажрибаси.

Ключевые слова: свидетель, глухонемой, слепой, допрос, статус, права, переводчик, жесты, представитель, уголовный процесс, зарубежный опыт.

Keywords: witness, dumb, deaf, blind, translators, status, rights, gesture, Criminal Procedure, foreign experience.

Юртимизда қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ соҳасини такомиллаштириш йўлида кенг кўламли ислохотлар амалга оширилиб, бу инсон манфаати, унинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга қаратилган одил судлов тизимини яратиш, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари фаолиятини такомиллаштириш борасидаги ишларда номоён бўлмоқда. Хусусан, Мамлакатимиз Президенти Ш.М.Мирзиёев томонидан 2018 йилда жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилиги тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида қарор қабул қилди.

Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигининг самарали тизимини яратиш давлатнинг қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни таъминлаш, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари, жамият ва давлат манфаатлари, тинчлик ва хавфсизликни ишончли ҳимоя қилиш бўйича устувор вазифаларидан бири ҳисобланади. Таҳлиллар ушбу соҳада бир қатор муаммо ва камчиликлар мавжудлигини кўрсатди¹. Жумладан, дунёда бирор аъзоларида функционал камчилиги бор кўплаб инсонлар яшайди, яъни булар қаторига кўриш, сўзлашиш ва эшитиш аъзоларида нуқсон бор инсонлардир. Уларнинг ҳуқуқ ва эр-

кинликларини ҳар бир давлат ўз қонунчилигидан келиб чиқиб ҳимоя қилади. Юқоридаги шахсларни ҳуқуқ ва эркинликларига оид масалаларни ечиш мақсадига энг мақбул хориж жиноят процессуал қонунчилиги кўриб чиқилган. Бу давлатларга, Қозоғистон, Туркия, Озарбайжон, Арманистон, Ҳиндистон, Польша, Молдова, Россия, Камерун ва Ўзбекистон қонунчилиги киради. Ҳар бир кўриб чиқиладиган мамлакатларнинг қонунчилигини ўзига хос ёндашилган, шаклланган ёхуд ҳимоя қилинган хамда жисмоний нуқсони бор шахсларни ҳуқуқ ва эркинликларига оид масалага ўзгача фикр билдирилгандир. Хусусан, Ўзбекистонда ҳам жисмоний нуқсони бор шахсларни Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва бошқа қонунлари билан кафолатлангандир². Улар кундалик ҳаётида турли ҳуқуқий муносабатларга киришадилар хусусан: шартномалар тузишда, меҳнат муносабатларида ва айрим ҳолатларда жиной-ҳуқуқий муносабатларда ҳам иштирок этадилар. Улар ҳам (кар-соқов) жиноят-процессуал муносабатларда компетентли гувоҳ бўлиб иштирок этишлари хамда уларнинг имо-ишоралари ва бошни силкитиб қўйишлари далил сифатида судда инobatга олиниши мумкин.

Жисмоний нуқсони бор шахслар яъни кўзи кўр, кар-соқов инсонлар процессуал муносабатларда махсус субъект сифатида қатнашадилар. Улар ўз ҳуқуқларини ва эркинликларини мустақил рўёбга чиқаришда ўзгалар ёрдамисиз амалга ошира олмайдилар. Чунки улар доимо имо-ишора орқали суҳбатлашадилар ва уларни тушуниб олиш доимо қийин бўлиб келгандир. Бизга эса уларнинг қўл ва лаб ҳаракати нотанишдир. Демак, суҳбатлашиш жараёнида таржимонни қатнашиши (иштирок этиши) талаб этилади. Шунинг учун, жисмоний нуқсони бор шахсларни ҳимоя қилиш учун жиноят-процессуал қонунчиликда махсус механизм ишлаб чиқилган. Хусусан, уларнинг иштироки билан боғлиқ жиноят ишларида таржимонларнинг кўмаги билан амалга оширилади.

Таржимоннинг ҳуқуқий мақоми Ўзбекистон Республикаси жиноят-процессуал қонунчилиги билан белгиланиб берилган. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 71-моддасига биноан қуйидаги ҳолларда таржимон чақирилади:

1) гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи ёки жабрланувчи, фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар ёхуд уларнинг вакиллари, гувоҳ, эксперт, мутахассис иш юритилаётган тилни билмаса ёки етарли даражада билмаса ёйинки кар ёки соқов бўлса;

2) бирор матнни бошқа тилдан таржима қилишга зарурат бўлса.

Таржимонга тегишли қоидалар иш юритишда иштирок этиш учун таклиф қилинган, кар ёки соқовнинг имо-ишораларини тушунадиган шахсга нисбатан ҳам қўлланилади³.

Бизнинг фикримизча, таржимон деган тушунчаси етарли даражада очиб берилмагандир. Мазкур тушунчага юридик адабиётларда олимлар томонидан турли фикрлар билдирган. Хусусан, Л.Л.Васильев таржимон деганда – вояга етган, тилни биладиган, таржима қилиш учун керак бўладиган, ишдан келиб чиқиб манфаатдор бўлмаган ҳамда суруштирувчи, терговчи, прокурор ёки суд томонидан гумонланувчи ёхуд айбланувчи тилни билмаганлиги ёки етарли даражада билмаганлиги учун чақириладиган шахсдир деб таъриф берган⁴. Ушбу таъриф кенг муҳокамага сабаб бўлди ва қуйидаги жиҳатларига аниқлик киритиш лозим деб топдик: таржимонни ёшени кўрсатилиши, таржимонлик қилиш учун камида икки тилни биладиган ва таржимон жиноят ишдан келиб чиқиб манфаатдор бўлмаслиги лозимдир. Шунингдек, жисмоний нуқсони бор шахслар яъни, кар ва соқовлар таржимонни тушуниш учун қандай лаёқатга эгалиги (имо-ишора, мимика, қўл ишораси каби) аниқлаб олиш керак.

Шу сабабдан Ўзбекистон Республикаси ЖПК 51-моддасининг 2-бандида, жисмоний нуқсони бор шахсларни яъни, соқовлар, карлар, кўрлар, жисмоний нуқсони ёки руҳий касаллиги сабабли ўзини ўзи ҳимоя қилиш ҳуқуқини амалга оширишга қийналадиган бошқа шахсларнинг иши бўйича ҳимоячи иштирок этиши шарт деб белгилаб қўйилгандир⁵. Бундан ташқари, бу талабга риоя этмаслик жиноят-процессуал қонун нормаларини жиддий бузиш деб ҳисобланади. Шунингдек, “Жисмоний нуқсони ёки руҳий касаллиги сабабли ўзини ўзи ҳимоя қилиш ҳуқуқини амалга оширишга қийналадиган шахслар” деганда, жумладан ақли расо деб топилган бўлса-да, аммо руҳий фаолияти доимий ёки вақтинча бузилган, нутқида, кўришида, эшитишида жиддий камчиликлари бўлган ёки бошқа оғир хасталик билан касалланган шахслар тушунилиши лозим деб Ўзбекистон Республикаси Олий Суд пленум қарорида ҳам тушунтириш бериб ўтилган⁶.

Умуман олганда, жисмоний нуқсони бор шахсларни сўроқ қилишда таржимонни қатнашиши жуда муҳим ҳисобланади. Чунки бундай малака яъни турли-хил имо-ишора, мимика ва қўл ишораси йиллар давомида шаклланиб боради. Таржимон, жабрланувчи ёки гувоҳ билан алоқа ўрнатишга ёрдам беради ва бирон бир воқеани тиклаш учун барча маҳоратини ишга солиши талаб этилади. Терговчи, бирон бир процессуал ҳаракатларини амалга ошириш учун таржимонни кўмагисиз амалга ошириб бўлмаслигини тушунади.

Асосан, кўриш функцияси бузилган шахсларда таниб олиш (шахсни, ашёвий далилларни) қобилиятига катта таъсир кўрсатади, уларда асосан эшитиш қобилиятига таянадилар, агарда кар ёки соқовларни оладиган бўлсак, улар асосан биринчи навбатда улар нимани кўрсалар идрок

қиладилар (қабул қиладилар) кейин эса, улар ичидан фахрлаб етадилар (англайдилар).

Кўзи ожиз ёки кўр ва кар соқовлар ташқаридан кўрган воқеани хаёлий-мантикий йўли орқали хаёлидан ўтказиб, сўнгра улар тушунтириб берадилар деб таъкидлайди А.Ф.Кони⁷.

Шунинг учун тергов жараёнида терговчи ўз мажбуриятларини бажариш чоғида ва психологик алоқани ўрнатишда таржимонни иштирок этиши жуда муҳим саналади ҳамда терговчи етарли малакасига эга таржимон танлаш эътиборли бўлиши лозим деб ҳисоблаймиз. Бундай танлов терговчига турли қийинчиликларни енгиб ўтишга ёрдам беради деб таъкидлайди В.Гиляров⁸.

С.П.Щербин, сўроқ қилишдан олдин терговчи, кар қачон жисмонан норасо бўлиб қолганлиги, махсус мактабда таълим олганми, дактил сўзлаша оладими (*бармоқ тили, кар соқовларни имо-ишораларга асосланган ўзаро тили*) деган саволга таржимонни хабардор қилиб қўйиш ҳамда таржимон таржима қилиш учун темпини, имо-ишорасини, мимикавий ёхуд дактил усулларни тўғри танлаш учун тегишли тайёргарлик кўришини ҳам огоҳлантириб қўйиши лозимдир деб айтади⁹.

Демак, жиноят ишларида жисмоний нуқсони бор шахсларни сўроқ қилиш бир томондан катта қийинчиликларни туғдиради, чунки терговчи кўзи кўр, кар ва соқовлар иштирокидаги ишларни тўлиқ ва объектив кўриб чиқиши ва процессуал қафолатлар таъминлаш талаб қилинади.

Шунингдек, кар-соқов гувоҳлар, терговчининг имо-ишора ва мимика ҳаракатларини тушунмайдилар ҳамда терговчининг таъсирига ва ҳаракатлари баҳо бераолмайди. Шу сабабдан, кар-соқовларни таржимон иштирокида сутканинг ёруф вақтида сўроқ қилиш мақсадга мувофиқдир. Кар-соқовларни тунги вақтда сўроқ қилиш, ҳис қилиш органига таъсир ўтказиши.

Умуман олганда, ҳуқуқшунос олим В.А.Васильев, кўзи ожиз ва кар-соқовлар ўз фикрларини ҳамда ўтказган ички ҳиссиётларини бармоқ имо-ишораси ва мимика орқали тўлиқ ва эркин ифода эта олмайдилар. Шунинг учун жисмоний нуқсони бор шахсларни жиноят содир этилган жойига чиқиш, яшаш жойига ёхуд иш жойига бориб сўроқ қилиш мақбулдир. Бундан ташқари, сўроқ қилиш хонасида ортиқча ҳаяжонга келтирувчи предметлар бўлмаслиги керак. Шунингдек, кўзи ожиз шахсларда, эшитиш қобилияти яши ишланганлиги учун, кичгина бўлган товушларни илғаб оладилар (*мисол учун радио ёки бошқа шовқин таратувчи предметларни ишлаши*) натижада уларнинг диққат эътиборига, фикрлаш қобилиятига ва психикасига катта таъсир ўтказиши, шу сабабли бундай шовқин солувчи ва чалғитувчи предметлар хонада бўлмаслиги лозимдир, деб фикр билдиради¹⁰.

Шуни айтиш жоизки, жисмоний нуқсони бор

шахсларда яъни, кар-соқовлар оғзаки айтиб беришдан кўра, предметларни, ашёларни жойлашган жойи ва жиноят қуролларни таниб олишда чизмадан ёки расмдан кўрсатиш осонроқ кечади ва оғзаки кўрсатувдан кўра ўта самарали ҳисобланади.

Қайд этиш жоизки, жисмоний нуқсони бор шахсларнинг ҳуқуқий мақоми ва ҳуқуқларига оид масалалар ечимини хориж тажрибасидан излашни муҳим ҳисобланади. Биринчи навбатда, жисмоний нуқсони бор шахсларни ҳуқуқий мақоми ва ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг ўзига хос усулларини ривожланган демократик давлатлар тажрибасидан келиб чиқиб ўрганиш мақсадга мувофиқдир. Бу ҳимоя қилиш усуллар ва янги қарашларнинг мазмун моҳияти умумэтироф этилган халқаро демократик принцип талабларига мувофиқ бўлиши муҳим ҳисобланади.

Жумладан, Польша Республикаси ЖПКнинг 188-моддасида зеҳни паст ва кар-соқов гувоҳларни сўроқ қилишдан олдин текстга имзо қўйиб сўз беришини (фақат ҳақиқатни гапириш) белгилаб қўйилган. Ушбу кодекснинг 204-моддасида эса, ваколатли шахслар жисмоний нуқсони бор шахсларни ҳар гал чақирилишида, таржимонни иштирок этишини таъминлашлари лозимлиги мустаҳкамлангандир¹¹.

Арманистон Республикаси жЖПКнинг 208-моддасида, кар-соқов, кўзи кўр ёхуд бошқа оғир касалликка чалинган гувоҳларни сўроқ қилиш тартиби берилган. Хусусан, кар-соқов ёки кўзи кўр гувоҳларни сўроқ қилишда уни имо-ишораларини тушунадиган ёхуд имо-ишора орқали тушунтириб бера оладиган таржимон иштирокида амалга оширилиши ҳамда бу ҳақда сўроқ баённомасида тегишли қайд қилишини таъминланиши лозимлиги айtilган. Шунингдек, ушбу модданинг иккинчи қисмида, агарда гувоҳда психик ёки бошқа оғир касаллик аломатлари мавжуд бўлса, бундай ҳолларда процесс жараёнида иштирок этувчи шифокор руҳсати билан сўроқ қилиниши мумкинлиги айtilган¹².

Шунга ўхшаш процессуал сўроқ қилиш тартиби, Озарбайжон Республикаси ЖПКнинг 229-моддасида кар-соқов, кўзи кўр ёхуд бошқа оғир касалликка чалинган гувоҳларни сўроқ қилиш тартибини кўрсак бўлади. Чунончи, 229.1-моддасида кар-соқов ёки кўзи кўр гувоҳларни сўроқ қилишда уни имо-ишораларини тушунадиган ёхуд имо-ишора орқали сўзлаша оладиган таржимон иштирокини таъминлашлари ҳамда бу ҳақда сўроқ баённомасида тегишли қайд қилиниши лозим деб мустаҳкамланган. Шунингдек, 229.2-моддасида психик ёки бошқа оғир касалликка чалинган гувоҳни сўроқ қилиш шифокор руҳсати ва иштироки билан амалга оширилади. 229.3-моддасида эса, кар-соқов, кўзи кўр ёки бошқа оғир касалликка чалинган гувоҳларни сўроқ қилишда уларнинг

конуний вакиллари ёхуд вакиллари иштирок этиши мумкиндир. Шунингдек, 209-моддасида гувоҳ сўроқ баённомасига имзо чекишдан бош тортса, бунда терговчи бош тортиш сабабларини аниқлайди ва баённомани ўз имзоси билан тасдиқлайди дейилган. Агарда, гувоҳ жисмоний нуқсони ёки саводсизлиги туфайли баённомани шахсан ўзи имзо чекишдан маҳрум бўлган бўлса, бу ҳақда терговчи баённомага тегишли қайд қилади ва ўз имзоси билан тасдиқлаши белигилаб қўйилган¹³. Худди шундай қоидалар Молдова Республикаси ЖПК 105-моддасида ҳам мустаҳкамлангандир. Шунингдек, ушбу кодекснинг 85-моддасида кар-соқов иштирокидаги ишларида таржимон имо-ишора белгиларини билиши ва юридик терминологияга оид кўникма-ларига эга бўлиши лозимлиги ҳам қайд қилинган¹⁴.

Қўшни Қозоғистон Республикаси ЖПКнинг 210-моддасида эса, кар ёки соқов гувоҳ, жабрланувчи ёки айбланувчи иштирокидаги ишлардаги шахсларни сўроқ қилиш, малакага эга сурдотаржимон иштирокида амалга оширилишлари мустаҳкамлангандир. Бундай шахс (таржимон)ни сўроқда иштироки этиши баённомада акс эттирилиши қайд этилган¹⁵.

Африка континенти мамлакатларидан бири Камерун Республикаси жиноят-процессуал қонунчилигида ҳам бир қатор моддаларида жисмоний нуқсони бор гувоҳларнинг мақоми ва уларнинг ҳуқуқлари мустаҳкамланган. Хусусан, Камерун Республикаси ЖПКнинг 333-моддасида, агарда гувоҳ бирон бир расмий тилни билмаса ёхуд кар-соқов ёки кўзи ожиз бўлса, бундай ҳолларда тергов магистрати (баъзи мамлакатларда шахар бошқармаси) таржимон хизматидан фойдаланиши лозим деб мустаҳкамлаб қўйилган. Шунингдек, ушбу процессуал кодекснинг 183-моддасида таржимон, жиноят ишида таржимон сифатида иштирок этиши учун 21 ёшдан кичик бўлмаган ва фақат ҳақиқатни гапириши ҳамда қасамёд қилиш талаби қўйилгандир¹⁶.

Агарда, Хиндистон ЖПКнинг 118-моддасида ҳар қандай лаёқатли шахслар гувоҳ сифатида кўрсатма бериш шартлиги белгилаб қўйилгандир, аммо истисно тариқасида суд қуйидаги шахсларни лаёқатсиз деб топиши мумкин: ниҳоятда қариллик ёшидаги ёки ақли паст шахслар гувоҳ сифатида кўрсатма бермаслиги мумкиндир, деб мустаҳкамланган. Шунингдек, ушбу кодекснинг 119-моддасида эса ақли паст гувоҳлар деганда, гапиришни билмайдиган гувоҳ бироқ бошқа усуллар орқали кўрсатма бериши мумкиндир, мисол учун ёзма ёки турли хил белгилар орқали бунда, суд жараёнида гувоҳ ёзма шаклида ёзилганини ёки белгиларни судьяга кўрсатиб бериши кераклиги ва кўрсатмаси оғзаки далиллар қаторига киритилиши мумкинлиги белгилаб қўйилган¹⁷.

Жисмоний нуқсони бор гувоҳларнинг ўзига хос

ҳуқуқий мақоми Туркия Республикаси жиноят-процессуал қонунчилигида ҳам кўрсак бўлади. Хусусан, жиноят-процессуал қонунчилигининг 54-56 ва 234-моддаларида кар-соқов гувоҳнинг мақоми ва ҳуқуқлари берилгандир. Унда айтилишича, гувоҳ кўрсатма беришдан олдин баланд овозда ўқиб бериши ёки такрорлаши орқали қасамёд қилиши кераклиги айтилган. Агарда, кар-соқов инсонлар ёзишни ёхуд ўқишни билмаса Қасамёд сўзини ёзиб тагига ўз имзоси билан тасдиқлайдилар, деб белгиланган. Шунингдек, кар-соқов гувоҳлар ёзишни ёхуд ўқишни билмаса имо-ишорани тушунадиган таржимон орқали ҳам қасамёд қилишлари мумкиндир, деб таъкидланган. Чунончи, ушбу кодекснинг 234-моддасига биноран агарда, 18 ёшга тўлмаган вояга етмаган, кар-соқов ёки ногирон гувоҳларни вакиллари бўлмаса ва ўз фикрларини ифода этаолмасалар бундай ҳолларда унинг номидан ва илтимосига кўра вакил тайинлашлари мумкин деб белгиланган¹⁸.

Агарда Россия жиноят-процессуал қонунчилигида эътибор берсак, бу ерда кар-соқов ва кўр гувоҳлар деган сўз иборасига дуч келмаймиз, унинг ўрнига эса, жисмоний нуқсони бор шахслар деган ибора ишлатилган. Чунончи, 167-моддасида агарда гумонланувчи, айбланувчи, жабрланувчи ва гувоҳнинг жисмоний ёки соғлиги туфайли баённомани имзолай олмаса, бундай ҳолатларда ҳимоячининг конуний вакили, вакили ёки холислар иштирокида ушбу шахс ҳақидаги баённома мазмунига ўз имзолари билан тасдиқлашлари ҳамда унинг имзо қўя олмаслиги имкони йўқлиги фактини ҳам белгилашлари лозим бўлади. Шунингдек, вояга етмаган жабрланувчи ва гувоҳларни сўроқ қилиш қилишнинг ўзига хос хусусиятлари тўғрисида жиноят-процессуал кодекснинг 280-моддасида қуйидаги мазмунда ёритилган. Агарда жисмоний ёки психик нуқсони бор вояга етмаган жабрланувчи ва гувоҳларни сўроқ қилиш, барча ҳолатларда ҳам педагог иштирокида олиб борилиши лозимлиги белгиланган¹⁹.

Аммо, бизнинг фикримизча агарда жисмоний камчилиги бор (кар-соқов) гувоҳ имо-ишора тилига қараганда ёзишни ёки ўқишни билса, ушбу усул бошқа имо-ишора тилига қараганда кўпроқ қоникарли ва ишончли ҳисобланарди деб ўйлаймиз. Шунингдек, бош силкитиш имо-ишора белгилари судда далил сифатида инobatга олиш ҳам муҳим ҳисобланади.

Бундан ташқари, судья жисмоний нуқсони бор гувоҳни қачон кар-соқов ёки кўр бўлиб қолганини аниқлаш мақсадида экспертзага талабнома юбориб аниқлаб олинса мақбул ҳисобланади. Чунки, айбланувчи томонидан жиноят содир этиш пайтида қандайдир зарар етказиб қўймаганмикин деган савол туғилиб қолмаслиги учун аниқлаб олинса мақсадга мувофиқдир.

Демак, гувоҳ сўзлашишни билмаса, кўрсатма-

ни бошқа усуллари орқали ҳам бериши мумкин экан. Мисол учун, имо-ишора белгилари ёки ёзма усуллари орқали ҳам амалга оширилиши мумкиндир. Шунини айтиш жоизки, кар-соқов имо-ишора белгилари инглиз белгиларига, ҳинд белгиларига ва бошқа кўплаб тилларга бўлинар экан. Инглиз имо-ишора белгилари эса халқаро хусусиятга эгадир. Бундан ташқари, жисмоний нуқсони бор гувоҳлар икки турга бўлинади: бири махсус таълим муассасасини битирган, иккинчиси эса маълумотга эга бўлмаган гувоҳ саналади. Демак, суруштирувчи, терговчи, прокурор ва судья таржимонни ёхуд кар-соқов гувоҳларни сўз бойлигини билиб олса ҳам мақсадга мувофиқдир. Чунки, улар имо-ишора белгилари орқали сўзлашадилар, бу эса ўз навбатида тўлиқ тушунтириб беришда катта аҳамиятга эга ҳисобланади.

Шунингдек, гувоҳлар нафақат оғзаки кўрсатмасини бериш орқали амалга оширилишлари мумкин, балки ҳужжатларни тақдим қилиш орқали ҳам амалга оширилишлари мумкиндир, агарда кар-соқов гувоҳ бўладиган бўлса бунда имо-ишоралар орқали ҳам кўрсатма бериши мумкин.

Ҳамда суриштирув ва тергов жараёнларида

компетенли таржимонни қидириш механизмини ҳам ўйлаб кўриш лозимдир. Тобора ҳозирги кунда жиноят ишларида компетентли (*юридик луғатини яхши биладиган ёки юрист таржимон назарда тутилмоқда*) таржимонни қидириб топиш мушкул ишдир. Ахир, Ўзбекистонда юрист сурдотаржимон мутахассисини тайинлайдиган таълим муассасаси бизда мавжуд эмас. Бундан ташқари, Конституция ва жиноят процессуал қонунчилигида бундай шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга алоҳида эътибор қаратилгандир (махсус субъект сифатида қаралади). Албатта, ҳуқуқшунос олимларимиз бу ҳақда ўйлаб кўришлари ва ушбу масалага зарур таклифлар ечими, ҳимояси ҳамда тартибга солиш механизмини юқори даражада ишлаб чиқишлари лозим бўлади.

Демак, ҳозирги кунда ҳуқуқшунос олимларимиз томонидан жисмоний нуқсони бор шахсларни жиноят ишларида иштирок этиши билан боғлиқ муаммолар, уларнинг мақоми, ҳуқуқлари ва мажбуриятларига оид масалалар етарлича ўрганилмаган деб фикр билдирадилар. Шундай экан, тадқиқ қилиш нафақат амалий, балки назарий аҳамиятга ҳам эга ҳисобланади.



¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 майдаги ПҚ-3723-сон қарори.

² Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон. 2018.

³ Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси. – Т.: Ўзбекистон. 71-модда. 2018.

⁴ Васильева-Кардашевская Л.Л. Конституционный принцип национального языка и его реализация в досудебных стадиях уголовного процесса: автореф. дис. ... канд. юрид. наук. М., 2002. С. 21.

⁵ Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси. – Т.: Ўзбекистон. 51-модда. 2018.

⁶ Қаранг.: Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2003 йил 19 декабрдаги 17-сонли «Гумон қилинувчи ва айбланувчини ҳимоя ҳуқуқи билан таъминлашга оид қонунларни қўллаш бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги қарорининг 13-банди.

⁷ Қаранг.: Кони А.Ф. Сборник сочинений. М., 1967. Т. 4. С. 97.

⁸ Қаранг.: Психиатрия / под. ред. В.А. Гиляровского. М., 1954. С. 105.

⁹ Щербин С.П. Расследование и судебное разбирательство по делам лиц, страдающих физическими или психическими недостатками. – М., 1975. – С. 79.

¹⁰ Қаранг.: Васильев В.А. Некоторые аспекты психологии допроса. Криминалистика на службе следствия. Вильнюс, 1967. С. 140.

¹¹ Code of Criminal Procedure of Poland. Article 188. Article 204. Act of 6 June 1997.

¹² Уголовно-процессуальный кодекс Республики Армения. Статья 208. Принят 01.07.1998.

¹³ Уголовно-процессуальный кодекс Республики Азербайджан. Статья 229.1,2,3. Принят 14.07.2000. № 907-IQ.

¹⁴ Уголовно-процессуальный кодекс Республики Молдова. Статьи 85, 105. Принят 12.07.2003.

¹⁵ Уголовно-процессуальный кодекс Республики Казахстан. Статья 210. Принят 21.01.2019.

¹⁶ Code of Criminal Procedure Act of Republic of Cameroon. Article 183,333. Act of 27 July 2005. №2005.

¹⁷ Code of Criminal Procedure Act of Republic of India. Article 118. Act of 25 January 1974.

¹⁸ Turkish Criminal Procedure Code. Article 54-56, 234. Эстанбул, 2009.

¹⁹ Уголовно-процессуальный кодекс Российской Федерации. Статьи 167, 280. от 18 декабря 2001 г. N 174-ФЗ.

Кадилов Фаррух Дамхурович,
Навий вилояти Навбахор туман
прокурорининг ўринбосари

ЖАБР КЎРГАН ШАХСЛАРГА ВИКТИМОЛОГИК ПРОФИЛАКТИК ЧОРА-ТАДБИРЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШНИНГ АЙРИМ ХУСУСИЯТЛАРИ

- ◆ Мазкур мақолада ҳуқуқбузарлик ва жиноятдан жабр кўрган жабрдийда фуқароларга моддий, маънавий, психологик ва бошқа турдаги амалий ёрдам кўрсатиш тартиби баён этилган.
- ◆ В настоящей статье изложен порядок оказания материальной, моральной, психологической и иной практической помощи потерпевшим от правонарушений и преступлений.
- ◆ This article describes the order of material, moral, psychological and various practical assistance to victims of crime and infringement.

Ключевые слова: виктимология, жиноят, жабрланувчи, жабрдийда, ҳуқуқбузарлик, шахс, қонун, қийнаш, реабилитация, самарадорлик.

Калит сўзлар: виктимология, преступление, правонарушение, закон, реабилитация, потерпевший, субъект, пытки, эффективность.

Keywords: victimology, crime, infringement, law, rehabilitation, victim, subject, tortures, effectivity.

Мамлакатимизнинг асосий қомуси ҳисобланган Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 13-моддасига биноан, Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланади, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, кадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий кадрият ҳисобланади.

Худди шундай, Конституциянинг 26-моддаси 3-қисмида “Ҳеч ким қийноққа солиниши, зўравонликка, шафқатсиз ёки инсон кадр-қимматини камситувчи бошқа тарздаги тазйиққа дучор этилиши мумкин эмас”, деб таъкидлаб ўтилган¹.

Шундай экан юртимизда истиқомат қилиб келаётган ҳар бир шахс у ким бўлишидан, қайси давлат фуқароси ва миллат вакили эканлигидан қатъий назар, унинг ҳуқуқлари Ўзбекистон Республикасида амалдаги қонунлар асосида ҳимоя қилиниши, ҳуқуқбузарлик ва жиноят содир этган ҳар бир фуқароларга жазо чораларининг қўлланилиши муқаррардир.

Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 майдаги “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги Қонунида ҳуқуқбузарликларнинг умумий, махсус, яқка тартибдаги ва виктимологик профилактика турлари киритилган бўлиб, жамиятда мазкур тизимнинг йўлга қўйилиши хавфсизликни таъминлаш, аҳолининг тинчлиги ва осойишталигини сақлаш, ҳар бир ҳудудда барқарорликни таъминлаш, фуқароларнинг эркинлиги ва қонуний манфаатларини, ҳаёти ва соғлиги, шаъни ва кадр-

қиммати, мол-мулкни турли хил кўринишдаги тажовулардан ҳимоя қилишдан иборатдир².

Виктимологик профилактика чора-тадбирларини амалга оширишнинг асосий негизи ҳам мамлакатимизнинг асосий қомуси ҳисобланган Конституция ва қонунларда мужассам этилган ҳуқуқбузарлик ва жиноятдан жабр кўрган шахсларнинг моддий ва маънавий муҳтожлигини аниқлаш ва уларга амалий ёрдам кўрсатиш ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 135-моддасида кўрсатилган жиний қилмишнинг диспозициясида одам савдоси, яъни одамни олиш-сотиш ёки одамни эксплуатация қилиш мақсадида ёллаш, ташиш, топшириш, яшириш ёки қабул қилиш ҳолатлари тушунилади.

Ушбу мудҳиш иллатдан жабрланган шахслар одам савдоси жабрдийдалари ҳисобланиб, ушбу шахслар билан индивидуал тарзда уларни ҳимоя қилиш ва ёрдам кўрсатиш орқали амалга оширилган тадбирлар виктимологик профилактика чора-тадбирларининг бир қисми ҳисобланади.

Бу тоифа жиноятлардан жабрланган шахсларга қуйидагилар қиради:

— одамни эксплуатация қилиш ёки бошқа шахслар фоҳишабозлигидан фойдаланиш ёки бошқа кўринишдаги шахвоний эксплуатацияни, мажбурий меҳнат ёки хизматлар, қуллик ёки қулликка ўхшаш одатлар, эрксизлик ҳолати ёки одам аъзолари ёки тўқималари олиниши;

— фоҳишабозликда фойдаланиш, яъни одамдан унинг ҳақ эвазига номуайян доирадаги жинсий шериклар билан шахвоний муносабатларга киришишдан муттасил фойдаланиш, бошқа кўринишдаги шахвоний эксплуатация деганда, одамнинг ундан порнографик тасвирлар тайёрлаш, бузуқ ҳаракатлар содир этиш мақсадларда фойдаланиш учун берилиши;

— мажбурий меҳнат, яъни бирон-бир жазони қўллаш билан таҳдид қилиш орқали иш бажаришга мажбурлаш;

— қуллик, ўзига нисбатан мулк ҳуқуқига хос айрим ёки барча ҳуқуқлар амалга ошириладиган шахс аҳволи ёки ҳолати;

— эркисизлик ҳолати, яъни шахснинг муайян омиллар мажмуи таъсири остида ўз эркига хилоф равишда ҳар қандай иш ёки хизматни бажаришга мажбур бўлганлиги;

— ёллаш, яъни эксплуатация қилиш мақсадида одамни бирор-бир фаолият билан шуғулланишга жалб этишга қаратилган фаолият (эксплуатация объектини қидириш, тўплаш, у билан музокара юритиш ва ҳ.к.);

— ташиш, шахсни олиш-сотиш битими тузилдиган (ижро этиладиган), бошқа шахсга топширилдиган жойга ёки ундан эксплуатация мақсадида фойдаланиладиган жойга етказиб бериш (транспортда ташиш);

— топшириш – одамни бошқа шахсга эксплуатация қилиш мақсадида жисмоний тарзда бериш;

— яшириш – жабрланувчини ҳокимият вакиллари билан, қариндошларидан ёки унинг тақдиридан манфаатдор бошқа шахслардан ҳар қандай жойда хуфий сақлаш;

— қабул қилиш – одамни ўз мақсадларида эксплуатация қилиш учун эгалликка олиш (масалан, ҳада тарихида, вақтинча текин фойдаланиш учун ёки қарз эвазига) ни билдиради³.

Одам савдосидан жабрланганларга ёрдам кўрсатиш ва уларни ҳимоя қилиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан одам савдосидан жабрланганларга ёрдам кўрсатувчи ва уларни ҳимоя қилувчи ихтисослаштирилган муассасалар ташкил этилган бўлиб, уларнинг асосий вазифалари одам савдосидан жабрланганларга қулай яшаш ва шахсий гигиена шароитларини таъминлаш, одам савдосидан жабрланганларнинг озиқ-овқат, дори воситалари ва тиббий буюмларга муҳтожлигини аниқлаш, шошилиш тиббий, психологик, ижтимоий, юридик ва бошқа хил ёрдам бериш, жабрланганларнинг ҳавфсизлигини муҳофаза қилиш, яқин-қариндошлари билан алоқа ўрнатилишига кўмаклашиш, ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳақида ахборот бериш ҳамда ижтимоий реабилитация қилишга кўмаклашишдир⁴.

Бундан ташқари, профилактик тадбирлар да-

вомида одам савдосидан жабрланганларни ижтимоий реабилитация қилиш, уларни нормал турмуш тарзига қайтариш мақсадида ушбу шахсларга юридик ёрдам бериш, психологик, тиббий, касбий реабилитация қилиш, ишга жойлаштириш, уларга вақтинчалик турар жой бериш каби чоралар амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 мартдаги “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига биноан, қайд этилган барча вазифалар ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва жамоатчиликнинг асосий вазифалари сирасига киради.

Ўз навбатида, ҳуқуқбузарликлардан жабрланувчилар ва гайриижтимоий хулқ-атворли, ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил бўлган ёки содир этган шахсларга ҳуқуқий, ижтимоий, психологик, тиббий, педагогик ва бошқа турдаги ёрдамлар кўрсатиш бўйича чора-тадбирлар тизимини ривожлантириш вазифаси давлат ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари фаолиятининг асосий йўналишларидан бири сифатида эътироф этилган⁵.

Қайд этилган қонун ҳужжатларида белгиланган вазифалар, яъни ҳуқуқбузарликларнинг виктимологик профилактикаси бўйича амалга оширилиши лозим бўлган чора-тадбирларнинг ҳуқуқий асосларини белгилаб берсада, бироқ мазкур чора-тадбирлар ҳанузгача тўлиқ бажарилмаётганлиги ҳамда жабрдийдаларга амалий ёрдамлар кўрсатилмасдан қолаётганини кузатиш мумкин.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 30 июлдаги “Одам савдосига ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармонида одам савдоси қурбонларини аниқлаш, ҳимоя қилиш ва ижтимоий реабилитация қилиш, шундай жиноятлар қурбонига айланган фуқароларга тиббий, психологик ва бошқа ёрдам кўрсатиш, одам савдосига алоқадор шахсларни тергов қилиш ва жавобгарликка тортиш, шунингдек, бундай жиноятларни содир этишга имкон бераётган шарт-шароитларни бартараф этиш бўйича таъсирчан чоралар кўрилатгани, бироқ ҳозирги вақтда одам савдосига ва мажбурий меҳнатдан фойдаланишга қарши самарали курашишга тўсқинлик қилаётган бир қатор салбий омиллар сақланиб қолаётганлиги таъкидлаб ўтилган⁶.

Америка Қўшма Штатлари ва Европа мамлакатларида профилактиканинг асосий омиллари, жиноятларнинг виктимологик олдини олишнинг айрим йўналишлари жорий этилган, ушбу ҳолатлар қўшимча маблағлар талаб қилмасдан, фақат фуқароларнинг ўзини ўзи ҳимоя қилиш чораларининг қўлланилишига шароит яратди.

Ғарб мамлакатларида бу борада кўплаб мақола ва қўлланмалар чоп этилган бўлиб, уларда шахс томонидан ўзини ўзи, ўз оиласи, ўзининг уйи ва шахсий мол-мулкларини жиноий тажовузлардан ҳимоя қилиш ғояси илгари сурилади.

Худди шундай, жиноятларнинг олдини олиш борасида жиноят ишлари бўйича гувоҳлар ва жабрланувчиларни ҳимоя этиш учун жабрланувчилар уюшмасини шакллантириш ҳам лозим деб ҳисоблашади.

Аҳоли яшаш жойларида кўриқлаш ҳамда фавқулодда ҳолатлар жараёнида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимларини зудлик билан чақириш мақсадида “Кўшнилари уюшмаси”ни жорий этиб, уюшма вакилларида навбатчилик ташкил этишни жорий қилишни таклиф этишади.

Бундан ташқари, барча ўқув муассасаларида бошланғич таълимдан бошлаб олий таълим муассасаларигача дастур асосида виктимологик профилактика бўйича машғулотларнинг амалга оширилиши, машғулотларда исталган тингловчилар нафақат маърузаларда иштирок этиши, балки махсус тренинглардан ўтиб, ўзини-ўзи ҳимоя қилиш техникасини ўзлаштириши, экстремал вазиятларда оптимал хулқ-атвор кўникмаларини ривожлантириши мумкин, деган фикр билдиришади.

Америка Қўшма Штатлари ва Европа мамлакатларида зўравонликнинг олдини олишга қаратилган профилактик тадбирларга алоҳида эътибор қаратилган бўлиб, бу борада АҚШ Президенти администрацияси томонидан жамиятда ахлоқий нормаларни такомиллаштириш бўйича дастур қабул қилинган.

Шунингдек, АҚШда жиноятлар бўйича ахборот берувчи миллий марказ ташкил этилган, унда бармоқ изларидан жиноятларни аниқлаш ва ҳисобга олишнинг ягона тизими яратилган.

Жиноятчиликнинг олдини олиш самарадорлигини оширишда илмий ютуқлардан фойдаланиш муҳим роль ўйнайди деб ҳисоблашади. Айниқса гиёҳвандлик воситалари, қурол ва бошқа тақиқланган воситаларни автомашиналарда олиб юриш ҳаракатларини назорат қилиш борасида оптик ва бошқа лазерли техникалардан фойдаланиш, жиноятларнинг содир этиш усули ва жойига қараб, мазкур жиноятни содир этган шахснинг психологик портрети ва ижтимоий хулқ атворининг ўзига хос хусусиятларини аниқлаш лозимдир⁷.

Япониядаги олимларнинг фикрича, рўйхатга олинган жиноятлар сони нафақат содир этилган қилмишлар ёки жиноятчилик ошган ва камайганлигини, балки унинг ўзига хос хусусиятларини намоён этиб, бунда олиб бориладиган тадбирлар самараси, фуқаролар фаоллиги ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ҳамкорлигининг йўлга қўйилганлиги ёки қўйилмаганлигидан далолат беради.

Бир қатор давлатларда миллий ва халқаро виктимологик профилактик тадбирлар, асосан қоида тариқасида оғир жиноятлар содир этилганидан сўнг аҳоли ўртасида ўтказилади. Масалан, АҚШда виктимология бўйича ўтказилган сўрономаларда қийноқ билан боғлиқ жиноятлардан жабр кўрган шахсларнинг ярмигина ички ишлар органлари ходимларига мурожаат этганидан сўнг амалга оширилиши баён этилган⁸.

Виктимологик профилактик тадбирларни тўлик ва ўз вақтида амалга ошириш мақсадида қуйидагиларни бажариш мақсадга мувофиқ бўлади:

— ғайриижтимоий хулқ-атвор, тайёрланаётган, содир этилаётган ёки содир этилган ҳуқуқбузарликлар тўғрисида ахборот олиш мақсадида ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи орган ёки муассаса ҳузурда ишонч, тезкор алоқа телефонларини, қутқарув хизматларини ташкил этиш ва ғайриижтимоий хулқ атворга нисбатан тез-тез кузатиладиган ёки ҳуқуқбузарликлар содир бўлиб турадиган ҳудудларни мунтазам назорат қилиб бориш;

— ҳуқуқбузарликлардан жабрланган ёхуд жабрланиш эҳтимоли мавжуд шахсларнинг маҳалла фаолларига бириктириш ҳамда ҳар куни хабар олиб туриш;

— ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳолини ишга жойлашишига кўмаклашиш, уларнинг меҳнат шaroитларини яхшилаш, касб-хунарга ўргатиш, тадбиркорлик билан шуғулланишларига кўмаклашиш;

— ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар фарзандларини маҳалла ҳудудида жойлашган тўғрақ ва спорт секцияларига қатнашишини ҳамда мактабгача таълим муассасаларига жойлаштиришни беғул ташкил этиш;

— жабрланувчиларнинг ҳуқуқий билимини ошириш борасида таъсирчан чораларни қўллаш (таърибот ва тушунтириш ишлари, видеороликлар намойиш этиш, буклет ва флаерлар);

— жабрланганларга психологик реабилитация марказларида ёрдам кўрсатишга кўмаклашиш (маҳалла, профилактика инспектори, соғлиқни сақлаш муассасаси);

— жабрланганларга моддий ва маънавий ёрдам кўрсатиш масаласида ушбу фаолиятни амалга оширадиган органлар томонидан ҳудудий жамғармаларни ташкил этиш ёки уларга ҳомийларни жалб этиш;

— ота-она қарамогидан маҳрум бўлган болалар ҳақидаги маълумотларни васийлик ва ҳомийлик органларига тақдим этиш ва бундай болаларни тегишли давлат муассасаларига жойлаштиришга кўмаклашиш;

— жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликни барвақт олдини олиш, ўз жонига қасд ва суиқасд қилиш ҳолатларини камайтириш, гиёҳвандликка берилишнинг олдини олиш борасида тегишли вазирлик ва идоралар ҳамда уларнинг ҳудудий бўлимлари,

Хотин-қизлар кўмиталари, Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, Ёшлар иттифоқи ва секторлар билан ҳамкорликни кучайтириш;

— одам савдосидан жабрланган шахсларга ёрдам бериш бўйича ташкил этилган Республика реабилитация марказига ўхшаган ҳуқуқбузарлик ва жиноятлардан жабрланганларга ижтимоий ва психологик кўмак кўрсатувчи марказлар ва уларнинг жойлардаги бўлинмаларини ташкил этиш лозимдир.

Шунингдек, жиноятларни содир этган шахслар бўйича ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар (ахборот маркази)да жабрланган шахслар тўғрисидаги ҳисоботлар юритилиб борилаётган бўлса-

да, аммо ҳуқуқбузарликни содир этишга мойиллар ҳамда тузалиш йўлига ўтганлиги ёки унга ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар бошқа вазирлик ва идоралар томонидан амалий ёрдам кўрсатилганлиги оқибатида ҳуқуқбузарликни содир этишдан тўхтаган шахсларнинг статистик рўйхатлари жорий этилмаган.

Ҳуқуқбузарликларнинг виктимологик профилактикаси бўйича амалга оширилиши лозим бўлган ишларни ташкил этиш, режалаштириш, бажариш ҳамда уларни барвақт олдини олиш учун статистика идоралари ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, бошқа вазирлик ва ташкилотларда доимий статистик маълумотларни юритиб бориш мақсадга мувофиқ бўлади.



¹ Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси.-Тошкент., Ўзбекистон 2019 й 13-моддаси ва 26-моддаси 3-қисми. 08.12.1992 йил Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси,06.03.2019 й., 03/19/527/2706-сон, 05.09.2019 й., 03/19/563/3685-сон.

² Ўзбекистон Республикасининг “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги Қонуни Тошкент ш., 14.05.2014 йил ЎРҚ-371-сон Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й., 20-сон, 221-модда; 2015 й., 32-сон, 425-модда; 2016 й., 52-сон, 597-модда; 2017 й., 37-сон, 978-модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси.

³ Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Одам савдосига оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги қарори, Тошкент ш., 24.11.2009 йил 12-сон. 3 бет.

⁴ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 05.11.2008 йилдаги “Одам савдоси жабрдийдаларига ёрдам бериш бўйича Республика реабилитация марказини ташкил этиш тўғрисида” қарори 1-илова Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 24 декабрдаги 360-сонли қарори таҳририда ЎР ҚХТ, 2014 й., 52-сон, 624-модда.

⁵ Назаров С.А. Жиноятчиликка қарши курашиш ва ҳуқуқбузарликларнинг барвақт профилактикасини ташкил этиш масалаларига оид амалий қўлланма.Тошкент, 2019. – Б.12.

⁶ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 30 июлдаги “Одам савдосига ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси. 31.07.2019 й., 06/19/5775/4080-сон-6 бет.

⁷ Малков В.Д. Криминология: Учебник // Зарубежный опыт предупреждения преступлений. – М.: “Юстицинформ”, 2004. – С.161.

⁸ Марозов Н.А. Диссертация на соискании ученой степени доктора юридических наук // Преступность в современной: Японии проблемы криминологической и уголовно-правовой политики. М.: 2015.-С54.

**Астанов Шухрат Рустамович,
Ўзбекистон Республикаси Судьялар
олий кенгаши хузуридаги Судьялар
олий мактаби магистранти**

МАЪМУРИЙ ЖАЗО ТУРЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ: МУАММО ВА ТАҲЛИЛ

- ◆ Мақолада маъмурий жазо тушунчаси, турлари, уларни такомиллаштиришга оид таклиф ва мулоҳазалари баён қилинган. Ҳуқуқий ислохотлар замирида ушбу йўналишда амалга оширилиши лозим бўлган ишлар изоҳланган.
- ◆ В статье описывается понятие административного наказания, виды административных взысканий, предложения и комментарии по их совершенствованию. В основе правовой реформы лежит работа в этом направлении.
- ◆ The article describes the concept, types of administrative penalties, proposals and comments on their improvement. The legal reform is based on work in this direction.

Калит сўзлар: маъмурий жазо, маъмурий жамоат ишлари, ахлоқ тузатиш ишлари, маъмурий қамоқ.

Ключевые слова: административное наказание, административные общественные работы, исправительные работы, административный арест.

Keywords: administrative punishment, administrative state affairs, correctional labor, administrative conclusion.

Сўнги йилларда мамлакатимизда ҳуқуқий соҳага алоҳида эътибор қаратилмоқда. Замонавий қонунлар қабул қилиш ва уларнинг ҳаётга татбиқ этилиши юзасидан бир қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Бу борада 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг аҳамияти катта эканини эътироф этиш лозим. Яъни унда маъмурий судларни тузиш, судья ёрдамчиси лавозимини таъсис этиш орқали судларни келгусида ихтисослаштириш ва уларнинг девонини мустақамлаш назарда тутилди. Бундан ташқари, қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилишга йўналтирилган суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини мустақамлаш, маъмурий қонунчилик тизими самарасини ошириш, суд жараёнида тортишув тамойилини тўлақонли жорий этиш муҳим йўналишлардан бири сифатида белгиланди.¹

2017 йил 6 апрелда Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилиб маъмурий судлар ташкил этилган бўлса,² 2017 йил 8 сентябрдаги “Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислохотлар концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармонида³ эса маъмурий юстиция тизимини янада такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилди. Маъмурий судлар ташкил этилиши муносабати билан 2018 йил 25 январда мазкур судлар томонидан ишларни кўриб ҳал этиш билан

боғлиқ процессуал муносабатларни тартибга солишга қаратилган алоҳида Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий ишларни юритиш тўғрисидаги кодекси қабул қилинди⁴.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизациялаш жараёнлари маъмурий ислохотларнинг устувор йўналишларини белгилаб берди. Маъмурий ислохотлар асосида бошқарув тизимини янада такомиллаштириш, давлат тузилмаларини оқилона қисқартириш, давлат ва хўжалик бошқаруви вазифаларини аниқ белгилаб қўйиш, давлат бошқаруви органлари фаолияти самарадорлигини оширишда муайян натижаларга эришилди. Юқорида келтириб ўтилган ислохотларнинг самараси маъмурий судларнинг мақсад ва вазифалари, умуман олганда, маъмурий юстиция ҳақида фуқароларимиз онгида етарлича тасаввурнинг мавжуд бўлишига боғлиқдир. Шундай экан, маъмурий юстиция тушунчаси ва унинг мазмун-моҳияти, шунингдек маъмурий юстицияни ташкил этиш шакллари борасида миллий ва хорижий мамлакатларнинг тажрибаси асосида илмий асослантилган ҳулосага келиш муҳим аҳамиятга эга.

Таъкидлаш жоизки, фуқаролар давлат ҳокимияти органлари ва уларнинг мансабдор шахслари билан Конституция ва қонунлар билан мустақамлаб қўйилган ҳуқуқларини рўёбга чиқариш мақсадида муносабатга киришадилар. Одатда, бундай органларнинг аксарияти ижро ҳокимияти тармоғига мансубдир. Ижро ҳокимияти органлари, шунинг-

дек маъмурий бошқарув ваколати берилган органлар биргалликда маъмурий органларни ташкил этади. Фуқароларнинг Конституция ва қонунларда муштаҳкамлаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликлари дахлсиз бўлсада, уларнинг турли субъектлар, шу жумладан маъмурий органлар томонидан бузилиш ҳолатлари кўп учрайди.

Шу боис Конституция бундай ҳолда фуқароларнинг одил судловга мурожаат этиш ҳуқуқини ҳам кафолатлайди. Бундай муносабатларга кўплаб ҳаётий мисолларни келтириш мумкин. Бу каби мисоллар жисмоний ёки юридик шахс ўзининг ҳуқуқларини рўёбга чиқариш мақсадида маъмурий орган, шу жумладан давлат бошқаруви органига давлат хизматларидан фойдаланиш учун мурожаат қилиши билан бевосита боғлиқдир.

Масалан, фуқаро тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтиш учун ёки ер ажратилишини сўраб ёхуд ўзи юритаётган фаолиятни лицензиялаш ёки муайян фаолият билан шуғулланиш учун рухсатнома олиш мақсадида тегишли маъмурий органга ариза билан мурожаат қилади. Аммо унинг аризасидаги илтимоси асоссиз рад этилади. Бундай ҳолатда инсон ҳуқуқларининг бузилиши ёки давлат органлари ва мансабор шахсларнинг фаолиятида қонунийлик тамойилига риоя қилмаслик кузатилади.

Бу жараёнда марказий ижро этувчи ҳокимиятнинг бошқарув тузилмалари ва маъмурий органларнинг вазифаларини ўзгартиришга, уларнинг бошқариш, тартибга солиш ва тақсимлаш борасидаги ваколатларини, хўжалик тузилмалари фаолиятига бевосита аралашувини кескин қисқартиришга катта эътибор берилди. Бошқача айтганда, уларнинг ваколатларини бозор тамойилларига мувофиқлаштириш ва пировард натижада давлатнинг иқтисодий ёки бошқаришдаги ролини жиддий камайтириш кўзда тутилган эди.

Хусусан, концепцияда амалдаги қонун ҳужжатларини такомиллаштиришга қаратилган Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексини ҳар томонлама қайта ишлаш ва янги таҳрирда қабул қилиш зарурлиги ҳамда «...маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўришнинг процессуал механизмларини такомиллаштириш, демократлаштириш, бу соҳада қонунийликни таъминлаш ва фуқароларнинг ҳуқуқларини ишончли ҳимоялаш бўйича чораларни ҳам мазкур кодексда кўзда тутиш лозим» деган фикрлар илгари сурилди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 17 январдаги “2015 йилда иқтисодий таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, модернизация ва диверсификация жараёнларини изчил давом эттириш ҳисобидан хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш – устувор вазифамиздир” номли маърузасида “тадбиркорлик субъектлари ва хусусий мулк эгалари учун ҳуқуқ ва кафолатларни қонуний ҳимоя қилиш нормаларини кучайтириш даркор. Бу борада хусу-

сий мулкдорларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишда суд органлари ролини ошириш, давлат, ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва назорат қилувчи органлар мансабдор шахсларининг тадбиркорлик субъектларининг хўжалик ва молиявий фаолиятига ноқонуний аралашуви учун жавобгарлигини кучайтириш биринчи даражали аҳамиятга эга бўлиши лозим” деб таъкидлаб ўтилди.⁵

Айниқса, давлатимиз раҳбарининг “Хусусий мулк кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чоратадбирлари тўғрисида”ги фармонининг қабул қилиниши (2015 йил 15 май) Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга янги XVI¹ боб – “Тадбиркорлик фаолиятига тўсиқлик қилганлик қонунга хилоф равишда аралашганлик ҳамда хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига тажовуз қиладиган бошқа ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий жавобгарлик”нинг киритилишига асос бўлди.

Таъкидлаш жоизки, айна вақтда давлат бошқарувидаги ислохотларга ҳамроҳанг тарзда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс ҳам либераллаштириш тамойиллари асосида такомиллашиб бормоқда.

Маълумки, маъмурий ҳуқуқ тизимини лебераллаштириш, давлат бошқарувини модернизациялаш ҳамда маъмурий қонунчиликни янада такомиллаштиришдан иборат мазкур жараёнлар ўзида назарий ғояларни мужассам этадиган концептуал ёндашувни талаб этади. Маъмурий ҳуқуқ Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқ тизимининг йирик салмоқли, ривож топган ва мураккаб тармоқларидан биридир. Унинг бу мақоми маъмурий ҳуқуқ тартибга соладиган кучли ижтимоий муносабатлар мазмуни ва аҳамияти билан белгиланади.

Маъмурий ҳуқуқ оммавий ҳуқуқнинг таркибий қисмларидан бири бўлиб, конституциявий ҳуқуқ, меҳнат ҳуқуқи, молия ҳуқуқи, фуқаролик ҳуқуқи, жиноят ҳуқуқи каби соҳалар билан чамбарчас боғлиқ. Шу боис, маъмурий ҳуқуқ оммавий ҳуқуқнинг бир тури сифатида, аввало, ҳокимият муносабатлари, шу жумладан, давлат бошқаруви ва жамоат тартибини сақлаш соҳасидаги муносабатларни, қолаверса, давлат ҳокимияти билан фуқаро ўртаси юзага келадиган муносабатларни тартибга солади.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг янги лойиҳаси бугунги кунда тайёрланаётган бўлиб, ундаги энг муҳим институт бу маъмурий жазо турларини мавжудларини такомиллаштириш ва уларнинг янги турларини киритиш саналади.

Мажбурий жамоат ишлари ва ахлоқ тузатиш ишлари жазо тури сифатида Жиноят кодексига мавжуд бўлиб, ушбу жазо турларини Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексда ҳам акс эттириш мақсадга мувофиқ саналади.

Масалан, хорижий мамлакатлар қонунчилигини таҳлил қиладиган бўлсак, Россия Федерацияси маъ-

мурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги кодексининг “Мажбурий ишлар” деб номланган 3.13.-моддасида мажбурий ишлар маъмурий ҳуқуқбузарликлар содир этган жисмоний шахснинг иш, ўқиш, хизмат вақтидан бўш вақтида ҳақ тўланмайдиган ижтимоий фойдали иш билан машғул бўлиши тушунилиши баён қилинган. Мажбурий ишлар муддати 20 соатдан 200 соатгача бўлиши ва бир кунда 4 соатдан ошмаслиги лозимлиги изоҳланган.⁶

Фикримизча, мажбурий жамоат ишлари ва ахлоқ тузатиш ишлари маъмурий жазо турларини миллий қонунчиликда қуйидаги мазмунда акс эттириш мақсадга мувофиқ саналади:

“29²-модда. Мажбурий жамоат ишлари

Мажбурий жамоат ишлари маъмурий жавобгарликка тортилган шахсни ҳақ тўланмайдиган фойдали жамоат ишларини бажаришга мажбурий тарзда жалб қилишдан иборатдир. Маъмурий жавобгарликка тортилган шахс ишлаётган ёки ўқиётган бўлса, мажбурий жамоат ишлари ишдан ёки ўқишдан бўш вақтда ўталади.

Маъмурий жавобгарликка тортилган шахслар мажбурий жамоат ишларини ўташи мумкин бўлган жойлар (объектлар) ва мажбурий жамоат ишларининг тури мазкур жазонинг ижросини назорат қилувчи органлар томонидан белгиланади.

Мажбурий жамоат ишлари 24 соатдан бир юз йигирма соатгача бўлган муддатга тайинланади ва бир ой давомида кунига тўрт соатдан кўп бўлмаган вақтда ўталади.

Мажбурий жамоат ишлари пенсия ёшига етган шахсларга, ўн олти ёшга тўлмаган шахсларга, ҳомиладор аёлларга, уч ёшга тўлмаган болалари бор аёлларга, биринчи ва иккинчи гуруҳ ногиронларига, ҳарбий хизматчиларга, чет эл фуқароларига ва Ўзбекистон Республикасида доимий яшамайдиган шахсларга нисбатан қўлланилмайди.

Маъмурий жавобгарликка тортилган шахс жа-

зони ўташдан бўйин товлаган тақдирда, суд мажбурий жамоат ишларининг ўталмаган муддатини мажбурий жамоат ишларининг тўрт соатини маъмурий қамоқ бир кунига тенглаштирган ҳолда ҳисоблаб, маъмурий қамоқ тариқасидаги жазо билан алмаштиради. Жазони ўташдан бўйин товланилган вақт жазонинг ўталган муддатига қўшиб ҳисобланмайди.”.

“29³-модда. Ахлоқ тузатиш ишлари

Ахлоқ тузатиш ишлари шахс иш ҳақининг ўн фоизигача миқдорини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда уни меҳнатга мажбуран жалб қилишдан иборат бўлиб, жазо суднинг қарорига мувофиқ Маъмурий жавобгарликка тортилган шахснинг ўз иш жойи ёки мазкур жазо ижросини назорат қилувчи органлар белгилаб берадиган бошқа жойларда ўталади.

Ахлоқ тузатиш ишлари олти ойгача муддатга тайинланади.

Ахлоқ тузатиш ишлари пенсия ёшига етганларга, меҳнатга қобилиятсизларга, ҳомиладор аёлларга, уч ёшга тўлмаган болалари бор аёлларга ва ҳарбий хизматчиларга нисбатан қўлланилмайди.

Агар шахс суд томонидан тайинланган ахлоқ тузатиш ишлари муддатининг жами бўлиб ўндан бир қисмидан кўпроғини ўташдан бўйин товласа, суд ахлоқ тузатиш ишларининг ўталмаган муддатини худди ўталмаган муддатини ахлоқ тузатиш ишларининг 3 кунини маъмурий қамоқ бир кунига тенглаштирган ҳолда маъмурий жазо билан алмаштиради. Жазони ўташдан бўйин товлаган вақт жазонинг ўталган муддатига қўшиб ҳисобланмайди”.

Хулоса қилиб айтганда, маъмурий жазо турларининг кенгайиши инсонга маъмурий ҳуқуқбузарликлар содир этганда унинг ҳаракатига мос жазо турини тайинлаш ва энг асосийси жазодан қутилган натижа уни тарбиялаш мақсадига эришиш имкониятини кенгайтиради.

¹ Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. 2017 йил 7 февраль, ПФ-4947-сон. Lex.uz.

² Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 6 апрелдаги УРҚ-426-сонли Қонуни таҳририда — УР ҚХТ, 2017 й., 14-сон, 213-модда).

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислохотлар концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармони 2017 йил 8 сентябрь, ПФ-5185-сон. <https://lex.uz/docs/3331174>.

⁴ Юридик фанлар ахборотномаси / Вестник юридических наук / Review of law sciences https://tsul.uz/files/bolimlar/ilmiy_tadqiqotlarni/yfa_01_2018.pdf

⁵ “Кодекс Российской Федерации об административных правонарушениях” от 30.12.2001 N 195-ФЗ (ред. от 01.04.2020) (с изм. и доп., вступ. в силу с 12.04.2020).

⁶ www.consultant.ru/document/cons_doc_LAW_34661



Анорбоев Муроджон Раҳманкул ўғли,
Тошкент давлат юридик университети магистранти

ҲАРБИЙ МАНСАБДОРЛИК ЖИНОЯТЛАРИНИНГ ЖИНОЯТ-ҲУҚУҚИЙ ЖИҲАТЛАРИ

◆ Мақола Ўзбекистон Республикасида ҳарбий мансабдорлик жиноятларига доир қабул қилинган қонун ҳужжатларини таҳлил қилишга бағишланган. Муаллиф томонидан ушбу қонун ҳужжатларини таснифлаш, шарҳлаш ва ушбу масала моҳиятига алоқадор жиҳатлар очиб берилган ҳамда ҳарбий мансабдорлик жиноятларига олиб келадиган хатти-ҳаракатлар олдини олишга қаратилган ҳуқуқий ҳужжатлар ва бу борадаги зарурий кенг кўламли чора-тадбирлар таҳлил қилинган. Шу билан бирга, муаллиф томонидан ҳарбий мансабдорлик жиноятлари ҳолатини фақатгина айнан норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни такомиллаштириш орқали минималлаштириш ёки тамомила бартараф этиш мумкин эмаслиги таъкидланади.

◆ Статья посвящена анализу правовых актов по воинским должностным преступлениям. Автор даёт классификацию и обзор данных правовых актов, описываются меры, предпринимаемые Узбекистаном с целью реализации международных правовых стандартов, имеющих значение. Автор подчеркивает, что воинские должностные преступления невозможно свести к минимуму или искоренить только путем совершенствования правовых законов.

◆ The article is devoted to an analysis of legal acts of the Republic of Uzbekistan on military malfeasances. The article provides the classification and review of the military malfeasances legislation of Uzbekistan. The article also deliberates about the measures taken by Uzbekistan to implement relevant international legal standards into the national legal system. It considers not only the legal acts specifically aimed to prevent military malfeasances, but also other legal acts and a wide range of other measures, which create necessary conditions and enabling environment in this regard. The author emphasizes that it is important to bear in mind that military malfeasances cannot be reduced to a minimum or negated only by improving legal laws.

Ключевые слова: ҳарбий мансабдорлик жиноятлари, мансабдор шахс, қуроли кучлар, хизматга совуққонлик билан қараш, кўп миқдорда зарар.

Калит сўзлар: воинские должностные преступления, должностное лицо, вооруженные силы, халатное отношение к службе, крупный ущерб.

Keywords: military malfeasances, misuse of authority, armed forces, neglect to service, large damage.

«Биз ҳар қайси ҳуқуқни муҳофаза қилиш органи бевосита ўз ваколати доирасидан чиқмайдиган, бир-бирининг функциясини такрор этмайдиган тизим шакллантиришимиз шарт. Лўнда қилиб айтганда, ички ишлар — жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш билан, миллий хавфсизлик — давлатни ички ва ташқи таҳдидлардан ҳимоя қилиш билан шуғулланиши лозим. Прокуратура эса қонунлар ижроси устидан назорат олиб бориши зарур. Судларнинг асосий вазифаси адолатни қарор топтиришдан иборат.»¹

Ш.М.МИРЗИЁЕВ.

Жаҳонда глобаллашув жараёнлари йил сайин жадаллашиб бормоқда. Инсоният хавфсизликнинг янги-янги таҳдид ва хатарларига дуч келмоқда. XXI аср бошларида хоҳ алоҳида бир давлатда бўлсин, хоҳ глобал кўламда бўлсин, хавфсизликни таъминлаш муаммолари устувор аҳамият ва ғоят долзарблик касб этди. Давлат асосий ижтимоий институтлардан бири сифатида ривожлана бориб, вужудга келадиган давр синовларига монанд муносабат билдиради, ўз фаолиятини такомиллаштира боради. Мамлакат мудофааси ва

хавфсизлигини таъминлаш мустақилликни мустаҳкамловчи асосий, энг муҳим вазифалардан биридир. Давлат ўз мустақиллигини, ҳудудий яхлитлигини ва хавфсизлигини таъминламай туриб стратегик мақсадларига эришмаслиги, иқтисодий, ижтимоий, экологик ва бошқа вазифаларни бажара олмаслиги мутлақо равшан. Кучли давлат тузуми, аввало, мамлакатнинг мудофаа қобилятига суянади.

Хусусан, мамлакатимизда яқинда янги таҳрирдаги Мудофаа доктринаси қабул қилинди. Ундан

кўзланган асосий мақсад миллий армиямиз жанговар қудратини янада ошириш, халқимиз тинчлигини таъминлашдир. Бундан ташқари, доктринада Ўзбекистон ташқи сиёсатининг очиқлик тамойили, яқин қўшнилар билан дўстона ва амалий муносабатларни янада ривожлантириш, давлатимиз мустақиллиги ва суверенитетини янада мустаҳкамлаш устувор вазифа сифатида белгилаб қўйилди. Мамлакатимиз геостратегик жойлашувининг ўзига хослиги, шунингдек, минтақада юзага келаётган ҳарбий-сиёсий ҳолатни ҳисобга олган ҳолда, Қуролли Кучлар бирлашмаларининг вазифа ва тузилмалари қайта кўриб чиқилди. Мудофаа саноати бўйича давлат қўмитаси тузилди. Ҳарбий кадрлар тайёрлаш соҳасида олиб борилаётган тизимли ўзгаришлар асосида Қуролли Кучлар академиясининг фаолияти тубдан қайта ташкил этилди. Мудофаа вазирлиги қўшинларини қурол-аслаҳа, ҳарбий техника ва алоқа воситаларининг замонавий турлари билан таъминлаш ишлари янги босқичга кўтарилди.²

Энг ачинарлиси шундаки, ҳарбий соҳада ушбу кенг кўламли олиб борилаётган ислохотларга қарамасдан *жиноят* содир этиш ҳолатлари ҳарбий мансабдорлар хизмат фаолиятини ҳам четлаб ўтмаяпти. Бугунги кунда ушбу ҳолатлар бутун жаҳон ҳамжамияти олдида турган энг муҳим масалалардан биридир. Бунда ҳарбий мансабдорлар томонидан содир этилинадиган жиноятларни криминологик нуқтаи-назардан таҳлил қилганда жиноят содир этишнинг шароит ва сабаблари, жиноят содир этган ҳарбий мансабдор шахснинг ўзига хос хусусиятлари ва жиноий-хулқининг оқибатлари ўрганилади.

Шунга мувофиқ, ҳарбий мансабдорлар томонидан содир этиладиган жиноятлар криминологик жиҳатдан ўрганилганда, улар томонидан жиноий фаолиятни давом эттириши ёки янги жиноят содир этиши мумкинлигини олдини олиш учун қандай профилактик ҳаракатлар қилиш кераклиги ва бошқа шахслар (ҳарбий мансабдорлар) томонидан шундай қилмиш содир этишларининг олдини олиш кўзланади. Шунингдек, ҳарбий мансабдорлар меҳнат фаолиятида уни амалга ошириш тартибига қарши жиноят содир қилган жиноятчи шахсига қонун йули билан бундай жиноятни олдини олишнинг қандай чоралари кўрилиши мумкинлигини ҳам белгилайди.³

Ҳарбий мансабдорлар жиноятчилигининг олдини олиш масаласи жиддий ва ўта долзарб масаладир. Сабаби, агар жамиятда оддий фуқаро жиноят содир этганида қанчалик ваҳший бўлмасин, қанақанги оғир жиноят содир этмасин, барибир ундан етадиган зарар, зиён миқдори чеклангандир. Мамлакат чегараларининг дахлсизлиги, халқнинг тинч-осойишта турмушини муҳофаза қилиш ишо-ниб топширилган, энг замонавий жан-

говар ҳарбий техникага эга бўлган давлат раҳбари томонидан юксак ишонч билдирилган ҳарбий мансабдорлар жиноят содир этса, улардан етадиган зарар миқдорини тасаввур қилишнинг ўзи қийин.

Балки шунинг учун ҳам, айнан ҳарбийлар томонидан содир қилинадиган жиноятларга барча даврларда давлат даражасида эътибор берилган ва ушбу жиноятларга нисбатан ниҳоятда қаттиқ жавоб-гарлик тартиби ўрнатилган. Ўзбекистон Республикасининг амалдаги Жиноят кодекси 302-моддасида хизматга совуқонлик билан қараш, яъни — бошлиқ ёки бошқа мансабдор шахснинг ўз хизмат вазифаларига нисбатан палапартиш ёки виждонсизларча муносабатда бўлиши туфайли бу вазифаларни бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги учун жиноий жавобгарлик белгиланган.

Жиноятнинг асосий бевосита объекти мансабдор шахс бўлган ҳарбий хизматчининг ўзига юклатилган вазифаларини бажаришининг белгиланган тартибини таъминлайдиган ижтимоий муносабатлар бўлади. Қўшимча бевосита объект бу ерда фуқароларнинг ҳаёти, соғлиғи, ўзгалар мулкнинг дахлсизлигини таъминлайдиган ижтимоий муносабатлардир. ЖКнинг 302-моддасида кўзда тутилган жиноятнинг объектив томони бошлиқ ёки бошқа мансабдор шахснинг ўз хизмат вазифаларига нисбатан палапартиш ёки виждонсизларча муносабатда бўлиши туфайли бу вазифаларни бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги кўп миқдорда зарар етказилишига ёки бошқа оғир оқибатларга сабаб бўлишида ифодаланади. Хизматга совуқонлик билан қараш мансабдор шахснинг ўз хизмат вазифаларига нисбатан палапартиш ёки виждонсизларча муносабатда бўлиши туфайли бу вазифаларни бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлигидан иборат.

«Мажбуриятларни лозим даражада бажармаслик уларнинг юзаки, иштиёқсиз, эътиборсизлик билан, ўйламасдан ва керакли файрат, ташаббуссиз бажарилишида намоён бўлади. Бу кўринишдаги совуқонлик ҳарбий мансабдор шахснинг унга ишониб топширилган ҳарбий мулкка лоқайд муносабатда бўлиши оқибатида мазкур мулкнинг нобуд бўлиши ёки унга шикаст етиши, моддий бойликлардан фойдаланишда ҳисоб-китоб ва назоратнинг етарлича бўлмаганлиги ёки уларни сақлаш ёмон ташкил этилганлиги сабабли талон-торож қилинган ёки камомад келиб чиқиши, қўмондон бўлинмада ҳарбий тартиб ўрнатиш учун тегишли чора-тадбирлар кўрмаганлиги туфайли тобе шахслар томонидан интизомнинг кўпол бузилиши ёки қўмондонлик берган топшириқларнинг бажарилиши барбод бўлиши кабиларда намоён бўлади.»⁴

Хизматга совуққонлик билан қараш мансабдор шахсининг ўзига юклатилган мажбуриятларни бепарволиги ёки виждонан муносабатда бўлмаслиги оқибатида умуман ёки лозим даражада бажармаслигидан иборат.⁵

Хизматга совуққонлик билан қараш мансабдорлик жинояти бўлиб, мансабдор шахс томонидан бажарилмаган ёки лозим даражада бажарилмаган ҳаракатлар унинг хизмат ваколатига тегишли бўлишини, лавозими бўйича унинг зиммасига юклатилган мажбуриятлар доирасига кирган бўлишини тақозо этади. Мансабдор шахс у ёки бу мажбуриятларни ўз хизмат бурчи туфайли бажариши нафақат шарт бўлган, балки уни лозим даражада бажариш мумкин ва бунинг учун реал имкониятга эга бўлган ҳолдагина хизматга совуққонлик билан қараш учун жавобгарликка тортилиши мумкин. Агар мансабдор шахс ўз хизмат вазифаларини лозим даражада амалга ошириш учун етарли имкониятга эга бўлмаган шароитга тушиб қолган бўлса, хизматга совуққонлик билан қараш учун жавобгарлик истисно этилади.

Ўз хизмат вазифаларини бажаришга жиноий совуққонлик билан муносабатда бўлиш унга ишониб топширилган ҳарбий мулкка, мазкур мулкнинг нобуд бўлиши ёки унга шикаст етказилишида, моддий бойликлардан фойдаланишда ҳисобкитоб ва назоратнинг етарлича бўлмаслиги боис ўғрилиқлар ёки камомаднинг мавжуд бўлишида, ҳарбий техникадан фойдаланишда, ҳарбий-ўқув машқларини ўтказишда, жанговар отишмаларда, махсус машғулотларда ва ҳарбий дала ишларида хавфсизлик қоидаларига риоя этмаслик туфайли одамлар ҳалокати билан боғлиқ бахтсиз ҳодисалар рўй беришида ва ҳоказоларда ифодаланиши мумкин. Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 302-моддасида назарда тутилган жиноят кўп миқдорда зарар етказилган ёки бошқа оғир-оқибатлар келиб чиққан пайдан бошлаб тугалланган ҳисобланади.

Хизматга совуққонлик билан қараш ва кўп миқдордаги зарар етказиш ёки бошқа оғир оқибатлар ўртасидаги сабабий боғланиш ушбу жиноятнинг муқаррар белгисидир. Бошлиқ ёки бошқа мансабдор шахсининг ўз хизмат вазифаларига нисбатан айнан пала-партиш ёки виждонсизларча муносабатда бўлиши туфайлигина бу вазифаларни бажармаган ёки лозим даражада бажара олмаган бўлиши керак. Яъни, бу ҳолатда вазифаларни белгиланган тартиб ва даражада бажаришнинг реал имкониятлари мавжуд бўлган ёки бўлмаганлигини аниқлаш ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

Юқоридаги ҳолатларни олдини олиш ва жавобгарликни янада кучайтириш мақсадида, ЖКнинг 302-моддасига қуйидагича таҳрирда ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш таклиф этилади:

Хизматга совуққонлик билан қараш, яъни бошлиқ ёки бошқа мансабдор шахсининг ўз хизмат вазифаларига нисбатан пала-партиш ёки виждонсизларча муносабатда бўлиши туфайли бу вазифаларни бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги кўп миқдорда зарар етказилишига ёки бошқа оғир оқибатларга сабаб бўлса, —

уч йилгача хизмат бўйича чеклаш ёки уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша қилмиш жанговар вазиятда содир этилган бўлса, —

уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша қилмишлар давлат тўнтарилишига сабаб бўлса,

ўн йилдан ўн беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан ёхуд умрбод озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади деб белгиланган мақсадга мувофиқдир. Қонунчиликка ушбу ўзгартиришнинг киритилиши давлат хавфсизлигини таъминлаш билан бир қаторда ҳарбий мансабдорлар масъулиятини мустаҳкамланишига, фуқаролар-

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ш.М.Мирзиёев “Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш-юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови” НМИУ, - 2016 йил
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Миромонович Мирзиёевнинг 2017 йил 22 декабрдаги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисга Мурожаатномаси Тошкент-.: 2017 йил
3. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. –Т: Ўзбекистон, 2019.–40б
4. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси. –Т: Ўзбекистон, 2019.–347б.
5. Н.Салаев, Б.Бобокелдиев Ҳарбий жиноятлар: тарихи, квалификация қилиш ва олдини олиш масалалари” «Адолат» нашриёти, 2007 йил 340 бет.
6. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига шарҳ (Қайта ишланган ва тўлдирилган иккинчи нашр.) Махсус қисм /М.Рустамбаев.-Тошкент “Адолат”, 2016. 960-бет.
7. Б.А.Ахроров. Пора олганлик учун жавобгарлик. – ТДЮИ – 2003 йил, 39 – бет,
8. <http://prezident.uz>
9. <http://lex.uz>
10. <http://uza.uz/>

нинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга ҳамда давлатга бўлган ишончининг ошишига олиб келади.

Демак, юкоридаги таҳлилга асосланиб, қуйидагича хулоса қилиш мумкин: ҳарбий мансабдорлик жиноятини барвақт олдини олиш бугунги давр талабидир. Чунки ушбу жиноятлар олди олинмас экан, соҳада олиб борилаётган барча ислоҳотлар самарасиз бўлади. Шу нуқтаи назардан давлатимиз раҳбари томонидан бугун айнан ҳарбий соҳада кўплаб тарихий ислоҳотлар амалга оширилмоқда ва ўз навбатида ҳарбийларга юксак ишонч

билдирилмоқда. **Ўзбекистон Республикаси Олий Бош Қўмондони Шавкат Миромонович Мирзиёев таъбири билан айтганда-“Ҳар қандай таҳдид ва хатарларга муносиб зарба беришга тайёр миллий армиямиз – халқимиз, мамлакатимизнинг ишончли ва мустаҳкам қалқонидир. Шунинг учун биз ҳозирги кунда ҳарбий кадрларнинг жанговар қобилияти ва тайёргарлиги билан бирга ватанпарварлик тарбиясига жиддий аҳамият қаратяпмиз. Яъни, ҳар бир аскар ва сержантда, офицер ва генералда, бутун шахсий таркибда миллий руҳ ва ғурур кучли бўлиши керак.”⁶**



¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Миромонович Мирзиёевнинг 2017 йил 22 декабрдаги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисга Мурожаатномаси. Тошкент-.: 2017 йил

² <http://uza.uz/oz/politics/>

³ Н.Салаев, Б.Бобокелдиев **Ҳарбий жиноятлар: тарихи, квалификация қилиш ва олдини олиш масалалари” «Адолат» нашриёти, 2007 йил 300-304-бетлар.**

⁴ Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига шарҳ (Қайта ишланган ва тўлдирилган иккинчи нашр.) Махсус қисм /М.Рустамбаев.-Тошкент “Адолат”, 2016.947-948-бетлар.

⁵ Н.Салаев, Б.Бобокелдиев **Ҳарбий жиноятлар: тарихи, квалификация қилиш ва олдини олиш масалалари” «Адолат» нашриёти, 200 йил 300-304бетлар.**

⁶ <http://prezident.uz>

Исмаилов Нуриддин Ермаханович,
Тошкент давлат юридик
университети магистранти

ДАВЛАТ ХИЗМАТИНИ АМАЛГА ОШИРИШДА КОРРУПЦИЯНИ ОЛДИНИ ОЛИШ ВА УНГА ҚАРШИ КУРАШИШНИНГ АЙРИМ МАСАЛАЛАРИ

✦ Ушбу мақолада давлат хизматини амалга оширишда коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш муаммолари ўрганилган. Халқаро рейтинг кўрсаткичлар таҳлил қилиниб, улар асосида хулоса, таклиф ва тавсиялар берилган. Ушбу муаммолар халқаро хорижий тажрибаси ҳисобга олинган ҳолда кўриб чиқилди.

✦ В данной статье рассмотрены проблемы предупреждения и противодействия коррупции при осуществлении государственной службы. Также, анализируются рейтинговые показатели, на основании которых даются выводы, предложения и рекомендации. Эти проблемы рассматривались с учетом международного зарубежного опыта.

✦ This article deals with the problems of preventing and combating corruption in the implementation of public service. Also, rating indicators are analyzed, on the basis of which conclusions, suggestions and recommendations are given. These problems were considered taking into account international foreign experience.

Ключевые слова: государственная служба, коррупция на государственной службе, осведомленность о коррупции, антикоррупционные средства.

Калит сўзлар: давлат хизмати, давлат хизматида коррупция, коррупциядан хабардорлик, антикоррупцион воситалар.

Keywords: public service, corruption in public service, awareness of corruption, anti-corruption tools.

Бутун дунёда, шунингдек Ўзбекистон Республикасида ҳам сўнгги йилларда давлат хизматини амалга ошириш жараёнида давлат хизматчилари ўртасида юзага келадиган коррупция муаммоси кескин тус олди. Ўзбекистон Республикасининг Президентининг 2017 йил 8 сентябрдаги ПФ-5185-сон Фармони билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислохотлар Концепциясида белгиланишича, давлат бошқаруви тизимини тубдан ислох қилиш бўйича маъмурий ислохотларнинг асосий йўналишлари ва вазифалари қаторида профессионал давлат хизматининг самарали тизимини шакллантириш, ижро этувчи ҳокимият органлари тизимида коррупцияга қарши курашишнинг таъсирчан механизмларини жорий этиш белгилаб қўйилди. Бу эса Ўзбекистон Республикасида давлат хизматини ислох этиш қонунларга қатъий риоя этадиган, инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликлари устунлигини тан олган ҳолда оммавий (жамият, фуқаро) манфаатларни кўзлаб давлатнинг вазифалари ва функцияларини амалга оширадиган, юқори маънавият профессионал давлат хизматчилари корпусини шакллантиришни назарда тутди.

Бироқ, айрим ҳолларда давлат хизматчилари ўз шаънига путур етказадиган ноўйиб хатти-ҳаракатларни, масалан, умумэтироф этилган норма-

лар ва қоидаларни қўпол тарзда бузиши, виждонсизлик оқибатида коррупциявий муносабатларни келтириб чиқариши кузатилади.

Давлат хизматида коррупция – давлат хизматчиларининг мансаб мавқеидан шахсий мақсадларда фойдаланиши билан боғлиқ бўлган, ноқонуний даромад орттиришга йўналтирилган хатти-ҳаракатлари натижаси. Аммо, баъзи ҳолларда давлат хизматчиларигина эмас, балки муайян ишни ижобий томонга ҳал этиш, ишни тез ва қисқа фурсатларда юзага чиқариш билан боғлиқ жараёнларда фуқаролар ҳам коррупцияга доир муносабатларнинг иштирокчилари бўлиши; коррупциявий ҳолатлар пул билан эмас, балки бошқа шаклларда ҳам амалга оширилиши мумкин; коррупцияга доир муносабатларнинг ташаббускорлари баъзан давлат хизматчилари эмас, балки муайян ишдан манфаатдор бўлган шахслар ҳам бўлиши мумкин.

Давлат хизматини амалга ошириш соҳасида коррупция муаммосини ҳал этмасдан давлат бошқарувидаги вазифаларни самарали ечиш мумкин эмас. Зеро, Президентимиз Шавкат Мирзиёев таъкидлаганларидек, “Коррупция ва уюшган жиноятчиликка қарши курашиш, шунингдек, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш масалаларини самарали ечиш устувор вазифаларимиздан бири бўлиб қолади¹.

Ҳозирги глобаллашув замони, минтақалар ва давлатлараро интеграция жадаллашиб бораётган мураккаб бир шароитда коррупция барча мамлакатларда ҳам қатор муаммоларни келтириб чиқариб, жамиятни ич-ичидан емириб, пароканда қилиб ташлаш хавфини солмоқда. Бинобарин, бугун каттами-кичикми, бойми-камбағалми, қудратлими-кучсизми биронта давлатни коррупциядан холи ҳудуд, деб айта олмаймиз. БМТ ва Халқаро валюта жамғармасининг маълумотларига кўра, жаҳон иқтисодиёти коррупция туфайли йилига 1,5-2,6 триллион долларгача зарар кўрмоқда.²

Мавжуд статистик маълумотларга кўра, дунё давлатларида жамият ривожига ғов бўлаётган коррупция хавфига қарши курашишни таъминлашга қаратилган бир қатор халқаро-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинган, жумладан:

- Давлат мансабдор шахсларининг халқаро ахлоқий кодекси (Нью-Йорк, 1996 йил 12 декабрь);
- Коррупция бўйича жиноий жавобгарлик конвенцияси (Страсбург, 1999 йил 27 январь);
- Коррупция бўйича фуқаровий-ҳуқуқий жавобгарлик конвенцияси (Страсбург, 1999 йил 4 ноябрь) ва мазкур Конвенцияга қўшимча протокол (Страсбург, 2003 йил 15 май);
- Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Коррупцияга қарши конвенцияси (2003 йил 31 октябрь)³.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 2003 йил 21 ноябрдаги резолюциясига мувофиқ, 2004 йилдан бошлаб “9 декабрь – Бутунжаҳон коррупцияга қарши курашиш куни” сифатида нишонлаб келинмоқда.

Ҳукуматимиз томонидан халқаро-ҳуқуқий ҳужжатлар ва миллий қонунчилик асосида, коррупцияга қарши курашиш соҳасида ташкилий-ҳуқуқий механизм асослари яратилмоқда.

Хусусан, Ўзбекистоннинг 2008 йили БМТнинг Коррупцияга қарши конвенциясига, 2010 йили Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти доирасида қабул қилинган коррупцияга қарши кураш бўйича Истанбул ҳаракат режасига қўшилиши – коррупцияга қарши курашнинг ҳуқуқий асосларини яратишда муҳим қадам бўлди.

Мамлакатимизда коррупцияга қарши самарали кураш олиб бориш мақсадида 2017 йил январда “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”-ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг қабул қилиниши – давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтларининг коррупцияга қарши куч ва имкониятларини бирлаштириб, яхлит тизимни яратиш имконини берди.

Шу билан бирга, 2019 йил 27 майдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбир-

лари тўғрисида”ги Фармони билан эса 2019–2020 йилларда коррупцияга қарши курашиш Давлат дастури қабул қилинди. Дастур келгусида амалга оширилиши зарур бўлган устувор вазифаларни белгилаб берди.⁴

Давлат дастурларининг энг муҳим жиҳати жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш ҳамда жамоатчилик назоратини кучайтириш орқали коррупцияга барҳам беришга қаратилганлигидир.

Айтиш жоизки, давлат хизматида коррупцияни олдини олиш бўйича идоровий коррупцияга қарши курашишнинг самарали дастурларини амалга ошириш, уларнинг ҳисобдорлиги ва фаолиятининг очиқлиги механизмларини жорий этиш, одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этилиши ва манфаатлар тўқнашувининг олди олинишини таъминлаш бўйича амалий чора-тадбирларни бажариш орқали тегишли соҳада коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларга имкон яратаётган сабаблар ва шарт-шароитларни таг-томири билан йўқотиш давлат органлари ва ташкилотлари раҳбарларининг биринчи даражадаги муҳим вазифаси ҳисобланади.

Transparency International ташкилоти томонидан 2020 йилнинг январь ойида эълон қилган маълумотида кўра, 2019 йилги коррупциядан холи **180** та мамлакатлар рўйхатида Ўзбекистон **153** ўринни эгаллаб турибди. Солиштириш учун, мамлакат **2018** йилда **180** та давлат ичида **158**, **2017** йилда **180** та давлат ичида **157**, **2016** йилда **176** та давлат ичида **156** ўридан жой олганди.⁵

Бу кўрсаткичлар ҳали қилишимиз лозим бўлган ишлар жуда кўплигини кўрсатиб турибди. Зеро, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев 2020 йил 24 январдаги Олий Мажлисга йўллаган мурожаатномасида, коррупцияга қарши курашишда аҳолининг барча қатламлари, энг яхши мутахассислар жалб қилинмас экан, жамиятимизнинг барча аъзолари, таъбир жоиз бўлса, “ҳалоллик вакцинаси” билан эмланмас экан, ўз олдимизга қўйган юсак марраларга эриша олмаймиз. Биз коррупциянинг оқибатлари билан курашишдан унинг барвақт олдини олишга ўтишимиз керак. Ушбу вазифалар ижросини тизимли ташкил этиш мақсадида парламент ва Президентга ҳисоб берадиган, коррупцияга қарши курашишга масъул бўладиган алоҳида орган ташкил этишни тақлиф этдилар.⁶

Айтиш жоизки, Transparency International ташкилоти томонидан давлатларнинг коррупцияга қарши курашиш индексидан ҳамда ривожланган хорижий давлатлар тажбирасидан келиб чиққан ҳолда мамлакатимизда парламент ва Президентга ҳисоб берадиган, коррупцияга қарши курашишга масъул бўладиган алоҳида орган томонидан кўриб чиқилиши лозим бўлган қуйидаги тақлифларни

келтириб ўтиш мақсадга мувофиқ.

Биринчидан, давлат хизматини амалга ошириш жараёнида давлат хизматчилари коррупция фактлари вужудга келиши биланоқ, оммавий ахборот воситаларига ушбу ҳолатлар бўйича дарҳол хабар берилишига эътибор қаратилиши керак бўлади. Финляндия тажрибасидан маълумки, оммавий ахборот воситалари жамоат назоратининг муҳим воситаси бўлиб хизмат қилади. Ҳукумат эса, оммавий ахборот воситаларига нафақат эркинлик яратиб берган, балки ҳар бир эълон қилинган коррупция ҳолати бўйича аниқ чораларни кўриб боради⁷.

Иккинчидан, давлат хизматчиси лавозимига биринчи марта тайинланган ёки сайланган шахс меҳнат шартномаси билан биргаликда антикоррупцион битимни ҳам имзолаши зарур. Мамлакатда коррупция даражаси паст бўлган Дания давлати тажрибасидан маълумки, давлат хизматчиси ишга кирмоқчи бўлса, меҳнат шартномаси билан биргаликда антикоррупцион битимни (ходимга пора бермаслик ва пора олмаслик мажбуриятини юкловчи ҳужжат) имзоламаса, бирорта компанияга ишга қабул қилинмайди. Ҳаттоки антикоррупцион битимни бузишга уриниш ҳам ишдан ҳайдалишга олиб келади⁸.

Учинчидан, Ўзбекистон Республикасида “Давлат хизматчиларининг малакали фаолиятини ҳуқуқий баҳолаш тўғрисида”ги қонун қабул қилиниши зарур. Хусусан, давлат идоралари ва давлат хизматчилари фаолиятини ҳуқуқий жиҳатдан таъминламаслик ҳам давлат хизматчиларининг ўз зиммасидаги масулиятини унутишга ва кундалик хизмати фаолиятида камчиликларга йўл кўйишига ундайдиган омиллардан бири ҳисобланади. АҚШ тажрибасидан маълумки, АҚШ Конгресси

1978 йилда “Ҳукуматдаги ахлоқ тўғрисида”ги қонунни қабул қилган. Ушбу Қонуннинг вазифаси “давлат хизматчилари ва муассасалари ҳалоллигини сақлаш ва бунга имконият яратиш”дан иборат бўлган эди. Мазкур Қонун давлат хизматчиларига тўғри йўл кўрсатибгина қолмасдан, уларни ҳалол бўлишга ҳам мажбур этишига, натижада жамиятга давлат хизматига муайян номзод, шунингдек у ёки бу давлат хизматчиси ҳалолми-йўқлигини, у малакали фаолият олиб бораётганлигини баҳолаш имконияти берилишига умид билдирган эди⁹.

Шунингдек, Сингапурда давлат хизматчисига ойлик маош 60+40 шаклида белгиланади. Яъни маошнинг 40 фоизи ходимнинг иш унумига қараб тўланади. Ишида унум бўлмаса, иш ҳақининг деярли тенг ярмини ололмайди. Агар бу ҳол давом этаверса, у ишидан ажралади. Айтиш мумкинки, бу давлат хизматчиси учун яхши ва самарали хизмат қилиш имконини беради¹⁰.

Тўртинчидан, давлат хизматида коррупцияни олдини олишда давлат хизматчиларини рағбатлантириш масалаларини ҳам кўриб чиқиш муҳим аҳамият касб этади. Япония тажрибаси асосида,¹¹ республикамизда ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш кўрсаткичларига қараб, республика бюджетидан ташқари, маҳаллий бюджетнинг харажатлардан ортиб қолган даромад қисмига қараб, ҳудуддаги бошқарув органлари хизматчиларини баҳолаш механизмини ишлаб чиқиш ва шу орқали уларни моддий рағбатлантиришни ташкил этиш таклиф этилади.

Бешинчидан, коррупцияга қарши курашиш бўйича бошланғич таълимдан алоҳида дарсликлар, қўлланмалар яратилиши зарур. Давлат хизматида коррупция ҳодисасига сўзнинг кенг маъ-

ҲОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Ш.М.Мирзиёев. Эркин ва фаровон, демократии Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқ/ - Тошкент: «Ўзбекистон» НМИУ, 2016. -56 б.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонуни. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 1-сон, 2-модда.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистонда коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5729-сон Фармони. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2019 йил 27 май.
4. Куракин А.В. Предупреждение и пресечение коррупции в зарубежных государствах // Государство и право. – Москва, 2001. – № 4. – С. 53.
5. Тогонидзе Н.В. Административно-правовые проблемы предупреждения коррупционной и организованной преступности // Государство и право. – 2012. - №1. – 115 с.
6. Исмаилов Б.И. “Коррупцияга қарши курашнинг халқаро-ҳуқуқий асослари” махсус курси бўйича маъруза матни. Адлия вазирлиги ҳузуридаги ЮМОМ. 18-б
7. <https://www.transparency.org/country/UZB>
8. <https://www.pv.uz/uz/news/prezident-otmetil-chto-borba-s-korruptsiej-delo-vsego-obschestva>
9. http://www.un.org/ru/documents/decl_conv/conv.shtml

носида ёндашадиган бўлсак, бу шунчаки жиноят ёки ҳуқуқбузарлик эмас, балки маънавий бузилиш ҳолатидир¹². Янги Зеландия тажрибасидан маълумки, мамлакатнинг давлат сиёсатида фуқаролар ёшлигиданоқ коррупцияга қарши тарбияланиши белгилаб қўйилган¹³.

Дарҳақиқат, давлат хизматини амалга оширишда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш бугунги кунда ниҳоятда долзарб масала бўлиб, бу борада нафақат масъул идоралар, балки кенг жамоатчилик ҳам ҳамжиҳат ва

ҳамфикр бўлмоғи мақсадга мувофиқдир. Шундан келиб чиқиб, қаердадир таъмагирлик, порахўрлик ҳолатларига дуч келсак, ҳар биримиз бу ноҳуш ҳодисага нисбатан бефарқ бўлмаслигимиз, лоқайдлик қилмаслигимиз, аксинча, коррупция иллатини таг томири билан қуритишга қаратилган саъй-ҳаракатларни виждонан бажаришга киришмоғимиз бурч ва масъулиятимизга айланмоғи даркор. Бошқача ифодалганда, адолатсизликка нисбатан муросасиз бўлишни ўзимиздан бошлашимиз зарур.



1 Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқи / - Тошкент: «Ўзбекистон» НМИУ, 2016. -56 б.

2 <https://strategy.uz/index.php?news=530>

3 Мазкур ҳужжатлар билан қуйидаги интернет манзили орқали танишиш мумкин: http://www.un.org/ru/documents/decl_conv/conv2017.shtml

4 Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистонда коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5729-сон Фармони. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2019 йил 27 май, <https://lex.uz/docs/4355387>

5 <https://www.transparency.org/cpi2019?news/feature/cpi-2019>

6 <https://www.pv.uz/uz/news/prezident-otmetil-chto-borba-s-korruptsiej-delo-vsego-obschestva>

7 Исмаилов Б.И.. “Коррупцияга қарши курашнинг халқаро-ҳуқуқий асослари” махсус курси бўйича маъруза матни. Адлия вазирлиги ҳузуридаги ЮМОМ. 18-б

8 <https://www.occrp.org/en/daily/8798-un-and-denmark-show-how-tech-can-fight-corruption>

9 Куракин А.В. Предупреждение и пресечение коррупции в зарубежных государствах // Государство и право. – Москва, 2001. – № 4. – С. 53.

10 Государственная служба в зарубежных странах. – М.: Юристь, 2007. – 240 с

11 https://www.undp.org/content/dam/uzbekistan/docs/Publications/democraticgovernance/Textbook_on_Civil_Service/un_uzb_Civil_Service.pdf

12 Тогонидзе Н.В. Административно-правовые проблемы предупреждения коррупционной и организованной преступности // Государство и право. – 2012. - №1. – 115 с.

13 Пронкин С.В., Петрунина О.Е. Государственное управление зарубежных стран. М.: Аспект Пресс, 2001.

«Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Академияси
Ахборотномаси»да нашр этиладиган мақолага қуйидаги талаблар қўйилади:

- мақолада жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизациялаш ва ислоҳ этишнинг умумназарий, ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий масалалари, мазкур соҳаларда амалга оширилган ишларнинг тизимли таҳлили ҳамда аниқ янги назарий ва амалий таклифлар акс этиши;
 - матн такрорларсиз, мантиқий изчил, баён қилинган фикрлар аниқ, қисқа ва лўнда бўлиши;
 - келтирилаётган маълумотлар ишончли ва тўғри бўлиши;
 - мақолага журналда нашр қилиш мумкинлиги ҳақида шу соҳадаги етакчи ҳуқуқшунос олим ва мутахассиснинг, муаллиф ишлайдиган ёки тадқиқотчи ҳисобланадиган олий ўқув муассасаси кафедраси ёки институти раҳбари тақризи;
 - матн ўзбек, рус ва инглиз тилларида тақдим этилиши;
 - матн компьютерда Wordнинг "Times New Roman"ида 14 шрифтда 1,5 интервалда А4 форматли стандарт оқ қоғознинг бир томонида ёзилиши, электрон нусхада тақдим этилиши ҳамда матннинг чап қисми 3 см, ўнг қисми 1,5 см, тепа ва пастки қисмлари 2 см бўлиши;
 - мақолада илмий баҳс-мунозара, иқтибосларнинг мавжуд бўлиши; иқтибослар 12 шрифтда 1,0 интервалда ёзилиши;
 - мақоланинг ҳажми 8 бетдан 10 бетгача бўлиши;
 - мақоланинг сўнги саҳифасида муаллифнинг исм-шарифи, илмий даражаси ва унвони, иш жойи ва лавозими, яшаш ва хизмат манзили, телефон рақамлари ёзилган;
 - ўзбек, рус ва инглиз тилидаги қисқа аннотация ҳамда таянч сўзлар бўлиши лозим.
- Мақолаларни қуйидаги электрон манзилга юборинг: proacademy@prokuratura.uz



Требования к статьям, публикуемым в «Ўзбекистон Республикаси
Бош прокуратураси Академияси Ахборотномаси»:

- статья должна содержать анализ общетеоретических, общественно-политических, правовых вопросов демократизации и обновления общества, реформирования и модернизации страны с отражением положения дел в данной сфере, а также теоретические и практические предложения;
 - исключение повторов в тексте, логическая последовательность, точность, краткость и ясность изложенных идей;
 - достоверность и корректность приводимой в статье информации;
 - к статье должны прилагаться отзыв ученого-правоведа или специалиста в этой области о возможности публикации статьи в журнале, а также отзыв кафедры высшего учебного заведения или отделения научно-исследовательского института, где автор работает или является соискателем;
 - представление статьи на узбекском, русском и английском языках;
 - статья представляется вместе с ее электронной копией, подготовленной с помощью текстового редактора "Word", где текст должен быть отпечатан через 1,5 компьютерных интервала 14 шрифтом "Times New Roman" (сноски 12 шрифтом) на одной стороне стандартной белой бумаги формата А 4. Поля страницы должны составлять: левое — 3 см, правое — 1,5 см, верхняя и нижняя части — 2 см; — наличие в статье научной полемики, сносок;
 - объем статьи должен быть от 8 до 10 печатных страниц;
 - на последней странице статьи должны быть указаны имя, фамилия и отчество, ученая степень и ученое звание, место работы и должность, домашний или служебный адрес, телефоны автора;
 - ключевые слова и краткая аннотация статьи на узбекском, русском и английском языках.
- Статьи направлять по адресу: proacademy@prokuratura.uz

